

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Куқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бақалавр")

йуналишлари учун.

**"ПЕДАГОГИКА НАЗАРИЯСИ ВА
ТАРИХИ "**
фанидан маъруза матнлари.

Куқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси
укитувчи.

Мавзу № 1: Педагогика фанининг мавзуси, баҳси ва унинг шахс ҳаётидаги урни.

РЕЖА :

1. Педагогиканинг фан сифатида шаклланиши, иктисодий ҳаётнинг талаби эканлиги.
2. Урта Осиёдаги дастлабки халқ оғзаки ижодиёти ва унинг инсон камолотидаги хизмати.
3. Педагогика фанининг назарий асосларини яратиш.
4. Педагогика фанининг тадқиқот усуллари.

1. "Педагогика " атамаси "Пайне" - "бола" ва "агогейн" - "етакламок" деган маънони билдирувчи лотинча "дайдагогос" сузларидан пайдо булиши куйидагича изоҳланади: Эрамиздан олдинги III-IV-асрларда қадимги грецияда, кулдорнинг боласини овқатлантирадиган, сайрга олиб борувчи, табиат куйида уйнатувчи тарбиячи кулларни "педагог" деб аталган. У боланинг камолотга етишишига масъул булган. Кулдорнинг боласини мактабга етаклаб олиб борган ва олиб келган.Мактабда ишловчи уқитувчиларни "дидискаллар" (дидайко-мен уқитаман) дейишган. Феодализм жамиятига келиб эса ҳар икки қасбдаги кишилар ҳамкорлиги натижасида таълим тарбия билан махсус шугулланувчилар вужудга келган. Уларни чех педагоги Я.А.Каменский таъкидлаганидек, "Педагог"деб номланганлар, ва бу суз ҳозир ҳам таълим тарбия берувчи уқитувчиларга нисбатан кулланилади.

Педагогика фанининг "Дидактика" - таълим назарияси қисми ҳудди шу қадимий ва лотинча "Уқитувчи" номи билан аталиши бежиз эмас.

Педагогика фанининг объекти асосан мактаб уқитувчиларидир, предмети эса уқувчиларга берилаётган таълим тарбия назарияси ва амалиётидир.

Таълим - махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигида утқизиладиган, уқувчиларни билим, қуниқма ва малакалар билан қуроллантирадиган , билим, қобилиятларини устирадиган, уларни дунёқарашини тарқиб топтирадиган жараёндир.

Агар тарбия бола тугилганидан бошлаб умрининг охиригача оилада, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланса, қамол топса, таълим чегараланган (масалан: синф хонаси, лаборатория, кабинетларда) жойида ташқил этилади.

Ижтимоий ҳаёт тажрибасининг қурсатишича, агар инсон уз шахсий манфаатини қузлаб уқиса, урганса, уз устида тинмай шугулланса, у олий маълумот олиши ҳатто олимпикка даъвогарлик қилиши мумкин. Лекин ҳақиқий қамолот эгаси булиши учун у таълим ва маълумотдан ташқари юксак инсоний фазилатлар асосида тарбияланган булмоғи лозим. Ана шу фазилатлар соҳибига тарбия қурган одам дейилади.

2. Суз санъатининг жуда қадим қамонлардан бери давом этиб келаётган икки тури мавжуд:

- 1) Халқ оғзаки ижоди.
- 2) Ёзма адабиёт.

Халқ шоирлари ёки жамоа томонидан яратилиб, оғиздан оғизга, авлоддан-авлодга утиб келаётган бадиий асарлар халқ оғзаки ижодиётининг барча жанрларида ақс этирилган тарбия борасидаги қарашлар, гоё, урф-одатлар, расм-русумлар, анъаналар йиғиндиси тушунилади. Жумладан XIX-XII аср алломаларидан Қайқовуснинг "Қобуснома", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", А.Навоийнинг "Махбул қулуб" асарларида илғор педагогик қарашлар тасвирланган. Дунёдаги барча хайрли ишлар, эзғу амаллар неғизида, илм маърифат ётади. Илм зиёси туфайли жаҳолат-зулмати ёзилади, фикр равшанлашади.Оламга рушнолик таралади, ҳар бир соғлом фикрли одам дунёнинг борлиқ ишларидан оғох булиши, бунинг учун тинмай билим олиши маърифатга интилиши қерак. Узбек шеърятининг буюқ даҳоси А.Навоийнинг дидактик мероси, унинг бебаҳо "Ҳамса" асарида, ҳикматларида, лирик дурдоналарида уз ақсини топади. Халқ узи яратган, оғиздан-оғизга утиб келган латифалари, қостонлари, термалари, яллалари бор. Буларнинг бири "Алпомиш" қостони. Бу қостондаги бош қаҳрамон Алпомиш исмли йигитнинг асл исми Ҳақимбекнинг мардлиги, бақувватлиги, жасурлиги қоби фазилатлари улугланади ва бу билан йигитларни шундай ҳислатлар эгаси булишига қақиради.

"Бола тарбиясида ота-она билан бир қаторда мактабга боргандан сунг муаллим ҳам жавобгар саналади" дейди А.Навоий. Бунинг учун муаллим узи ҳам яхши тарбия топган булиши қерак.

Болалар учун китоб ёзадиган киши гоят уста санъаткор катта тажрибали педагог, тилнинг заршуноси булмоги керак.

Катталар учун ёзиладиган китобда йул куйилган хатони тузатиш мумкин, ленкин болалар учун ёзилган китобда кетган хатони тузатиб булмайдди, бу хатодан болани огохлантирилса хато унинг зехнига чукуррок урнашиб олади. Сузнинг кучи беҳаддир.

3. Урта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда педагогика фанига муносиб хисса кушган олимлар етишиб чиккан. Шулардан XIX -асрнинг ярми ва XX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган йирик алломалардан бири Исхокхон Ибратдир. У маърифатпарвар шоир, забардаст тилшунос, тарихшунос олим, илк Ўзбек матбаачиларидан бири, сайёх, каллиграф, наккош, оташин публист ва илгор педагог. Ибратнинг асли исми Исхокхон, у ижодининг дастлабки йилларидан бошлаб маърифатпарвар шоир, олим сифатида ном чикарди ва кишиларни замон илмидан, илгор маданиятдан таълим тарбия системасидан урناق олишга чакиради. Исхокхон Ибрат узининг бутун ижодида "Лугати ситта-ал-сина" номли лугат тузади. Бу асар педагоглар томонидан очилган "Усули савтия мактаблар" ида дарслик кулланма сифатида фойдаланиб келинади.

Садриддин Айний хозирги Бухоро вилоятининг Гиждувон ноҳиясига қарашли Соктари кишлоғида камбагал дехкон оиласида дунёга келди. Илк маълумотни эски мактабда, ҳамда Бухоро мадрасаларида олди. С.Айний дунёқарашини шаклланишида урта Осиёда авж олган миллий озодлик характери катта таъсир курсатди. Бу даврда бу меҳнатқаш халқнинг огир аҳволига бирдан-бир сабаб унинг саводсиз, маърифатсиз эканлиги деб туунарди. Шунинг учун ҳам у янги усулдаги мактаб очиш учун куп куч сарфлайди. С.Айний жуда куп китоблар ёзиб қолдирган. Бу китоблар орасида "Ёшлар тарбияси" педагогика фани учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Асарда уша вақтлар учун дролзарб булган купгина педагогик гоьлар илгари сурилган. С.Айнийнинг хаёти ва ижоди педагогик фаолияти сиб келаётган авлод учун намунадир.

Таникли ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкент шахрининг Мерганча маҳалласида майда хунарманд туқувчи оиласида дунёга келди. У аввал эски мактабда сунг мадрасада таълим олди. XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий сиёсий хаётида ва педагогик фикрларни ривожидида А.Авлоний алоҳида урин эгаллади. Бутун фаолияти даврида уз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш учун, унинг маънавиятини шакллантиришига эътибор берди. Ўзбек педагогикаси тарихида Авлоний биринчи марта педагогикага "Педагогия" - "бола тарбиясининг фани" демақдир, деб таъриф берди. Авлонийнинг педагогик қарашлари хозирги кунда ҳам янги инсонни камол топтириш йулида, кишиларни чинакам туйғулар, умуминсоний эзгу гоьлар руҳида, виждонийлик руҳида тарбиялаш борасида қимматли тарихий материал сифатида эътиборни узига жалб қилади. Ўзбек зиёлиларидан ташқари Гарбий Европада ҳам Ян Амос Каменский, Йоган Генрих, Йоган Гербах, Л.Н.Толстойлар ҳам узларини муносиб хиссаларини кушганлар.

4. Хар қандай фан сифатида узининг илмий таққикот усулларига эга. Бу усуллар орқали уз мазмунини бойитиб янгилаб боради. Шу маънода педагогиканинг илмий таққикот усуллари деганимизда ёш авлодни тарбиялаш, билимли қилиш ва уқитишнинг реал жараёнларига хос булган икки алоқа ва муносабатларни текшириш, билиш йуллари, услублари ва воситалари мажмуини тушунамиз. Педагогика уқитиш, билим бериш, тарбиялаш жараёнларини ва уларнинг моҳиятини қуйидагича урганиш билишни маъқуллайдди.

1) Уларнинг умумий алоқаси, бир бирини такозо этиш ва узаро таъсир жараёнида болларни уқитиш ва тарбиялаш, фан, маданият, ахлоқ ва санъат, таълим ва тарбиянинг қаерда амалга оширилишидан қатъий назар узвий боғлиқлиги булиши;

2) Уларнинг тараккий этиши жараёнида вужудга келадиган уқитиш ва тарбиялаш вазифалари, шакллари, усулларнинг узгариши. амалга оширишнинг мураккаблиги, ҳамма болаларни бир хил андозада уқитиш, тарбиялаш мумкин эмаслиги;

3) Болаларнинг усишида уларни узига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ақлий ва ҳулқий фаолият, суз ва иш бирлиги, мезонларига таяниш;

4) Болалар қамолотига таъсир этувчи анъана, урф- одатлар улар уртасидаги тафовутларни билиш, аниқлаш асосида яхши билан ёмон, эскилик билдан янгилик, жамоа уртасида юз берадиган низомларни ҳисобга олиш, узаро танқид ва хоқазо;

5) Фалсафий категориялар - ходиса ва моҳият, сабаб ва натижа, зарурият ва тасодиф, мазмун ва шакл, имконият ва ҳаққоният, тарихий ва мантикий, умумий ва хусусий қабиларни билиш ва уларни педагогика фани таракқиёти нуктаи назарида талқин қила олиш ва хоқазо.

Хозиргача мавжуд ва ишлаб чикилган куйидаги илмий-тадкиотт усулларига таяниб фикр юритса булади: 1) Кузатиш усули; 2) Сухбат усули; 3) Болалар ижродини урганиш усули; 4) Тест, суровнома-лар усули; 5) Мактаб хужжатларини тахлил килиш усули; 6) Эксперимент, тажриба синов усули; 7) Статистика, маълумотларини тахлил килиш усули; 8) Математика - кибернетика усули.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. "Педагогика" атамаси нечанчи асрда вужудга келган?
2. Педагогика фанининг объекти?
3. Урта осиеда педагогика фанига муносиб хисса кушган олимлар.
4. Педагогиканинг илмий тадқиқот усуллари.
5. Болалар ижодини урганиш усулига тавсиф беринг.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Дидактика, статистика, фалсафий категориялар, илмий тадқиқот усуллари.

МАВЗУ № 2: ПЕДАГОГИКА ТАРБИЯ ХАКИДАГИ ФАН ЭКАНЛИГИ.

РЕЖА:

1. Педагогика фанининг максоди ва вазифаси, методологик асоси.
2. Асосий педагогик тушунчалар.
3. Педагогика фанининг бошка фанлар билан алоқаси.

Республикамизнинг ижтимоий иқтисодий камолоти ёш авлоднинг сайи ҳаракатларига боғлиқ эканлиги энди ҳеч кимга сир эмас. Усиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажақда қандай касбкор эгаллашларига қараб, Республикамиз келажагини тасоввур қилса бўлади. Келажақ ёшларники. Ёшлар фаолияти фаровон ҳаётимиз мезонидир. Худди шу маънода ёшларни таълим тарбиясига жиддий этибор бермоғимиз лозим. Ёшлар таълим тарбияси ҳар бир ота онанинг, уқитувчи тарбиячининг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир.

Савол тугилади: Улар таълим тарбия бораси нима қилишлари қандай йул тутишлари, нималарга этибор беришлари лозим. Бу саволларга педагогика фани жавоб беради.

Педагогика фани нима ва у қачон пайдо бўлган? Тарихий манбаларда ёзилишича, кишилик жамияти пайдо бўлгач, ижтимоий ҳаётда ортирилган тажрибаларни қуйи авлодга ургатиш эҳтиёжи тугилди. Тажрибаларни тупланиши натижасида таълим тарбиянинг дастлабки омиллари вужудга келди. Табиат, ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тажрибалар асосида маълум билимлар бойиб борди. таълим тарбия ишлари билан шугулланувчи тарбиячилар касб ҳунак ҳомийлари сифатида ажралиб чиқа бошлади. Уларнинг таълим тарбия ёборасидаги фаолиятлари ва туплаган тажрибаларидан уринли фойдаланишлари педагогика фанининг вужудга келишига олиб келади. Шу аснода дастлабки мактаб қурилишидаги муассасалар вужудга келди, тараккий этди. Шундай қилиб педагогика фанининг таълим тарбиянинг мақсад ва вазифалари, уларнинг мазмуни, усуллари ҳамда ташкил этиш шакллари ҳақида маълумот берувчи фанга айланди.

Педагогика фанинг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан пухта урганиш лозим. таълим тарбиядан қузлаган мақсадни эгаллаш ва уларнинг тизимида янги билимлар бериш болаларнинг тугри тарбиялаш шартдир. Бунга тарбиячининг бегараз меҳнати, болаларни севиши ва уларга жон фидо айлашлари тарбия самарадорлигини таъминлайди.

Ўзбек педагогикасининг вазифаси Республикамизда яшовчи турли миллат элатларнинг орзу истакларига монан таълим тарбиянинг ҳам назарий ҳам амалий муаммоларини миллий кадриятлари асосида тугри халқ этиб беришдир. Бунда ислом дунёсида қалам тебратган алломаларимизда тортиб, ҳозирги ақунимизда фаолиятда бўлаётган олиму фузалоларимиз таълимотларидан ҳам оҳанг қирраларини излаб топишни такозо этилади. Ёш авлод дунёқарабини шакллантиришда истиклолдан аввал қоралаган тасавуф илмидан ҳам фойдаланиш лозим. Эркин фикрлаш тарзи ёш авлод руҳини тарбиялашда бош омиллардан биридир.

Агар тарбия жамият тараккиётининг тонготарида бўлгани каби фақат турмуш ақл идроқи қоидаларига, интуицияга, фахмлашга таянганида тараккий этилган булар эди. Қадимги дунё философия системаларидан бошлаб педагогиканинг фан сифатида шаклланиш жараёни назарий тафаккурнинг таҳмин ва фикрлашларидан илмий билим сари ҳаракат қилиш жараёни юз беради.

Ҳар қандай фан табиат, жамият, ва тафаккур тараккиётининг объектив қонунлари тугрисидаги билимларнинг яқунидан, жамлашидан ишонарли ва умумлашган билимлар системасидан иборат бўлади.

"Педагогика"сузи юнон тилидан айнан таржима қилинганда "болашунослик" ёки "бола етаклаш" деган маънони англатади.

Педагогик гоёлар Афлотун (эр.ол.427 - 347 йиллар) Арасту (эр.ол.384-322й) Плутарх (тах.416-тах.327 йиллар) Квинтилиан (35-95 йиллар чамаси) нинг фалсафий ва сиёсий асарларидек, гуманист педагоглар, социал утопистлар Т.Мор (1478-1535) асрларитда намоён этила бошлади.

Мукаммаль педагогик системани Ян.Амос. Каменский яратди. У уз даврининг илгор гоёларига таянган ҳолда "хамминг хамма нарсага ургатиш" тугрисида даъват билан чиқди. Унинг "Буюқ дидактика" деган қатта рисоласи назарий педагогиканинг илк асарларидан ҳисобланади. Педагогиканинг илмий асосларини тузишга Ж.Ж.Руссо (1712-1858), (И.Г.Пестолоций, А.Дестервенрг,

Р.ОУЭН (1771-1858), А.Н.Радищев (1749-1802), В.Г.Белинский, А.Герцен, И.И.Пирогов, Н.Г.Чернышевский (1822-1899), Н.Д.Добролюбов куп ёрдам килдилар.

Педагогика назариясининг ривожланишига К.Д.Ушинский буюк хисса кушди. Уни рус педагогикасининг отаси деб аташади. Хар кандай фаннинг ажралиб туриши ва нормал фаолият курсатиши учун унинг узида мукаррар шарт булиб хисобланади.

Педагогика таълим тарбия максadini жамият талабларига ва укувчиларнинг ёш хусусиятларига караб мазмунан узгайиб боришини ургатади. Тарбиянинг таркибий қисмларини ва улар уртасидаги боғланишларни очиб беради. Шу асосда таълим тарбия соҳасидаги тажрибаларни умумлаштиради, тарбиянинг келгусидаги ривожланиш истикболларини, йулларини курсатиб беради.

Шунингдек у мактаб, хунар техника билим юрти, ва мактабдан ташқари тарбия муассасалари ходимларини ҳам назарий, илгор тажрибалар билан қуроллантиради. Ота-оналарга ёшларни тугри тарбиялаш, уқитишдаги маҳоратини янада такомиллаштириш йулида амалий тавсиялар беради.

"Педагогика" фанига тавсиф берилганда "таълим", "тарбия", ҳамда "маълумот" деган сузларни ишлатдик. Бу сузлар узаро боғланган булиб, бир бирини тулдирадилар. Уларни педагогиканинг асосий категория тушунчалари деб қараймиз. Булардан ташқари "уқувчи", "уқитувчи", "усул", "интизом", "жамоа", "ирсият", "мухит", "директор" ва ҳақозо тушунча - номлар мавжудки, бу ҳақда мавзулар юзасидан фикр юритилганда алоҳида тухтаймиз. Маълумки, тарбия тушунчаси усиб келаётган авлодда ҳосил қилган билимлар асосида ақлий қамолот - дунеқарашини инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятимиз кишиларига ҳос булган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди.

Шу маънода тарбия деб тарбиячи узи хоҳлаган сифатларини тарбияланувчиларнинг сингдириш учун уларнинг руҳиятига маълум мақсадга қура тизимли таъсир курсатилишига айтилади. Тарбия бола тугилгандан бошлаб умрининг охиригача давом этадиган жараёндир. Шу тўғрисида тарбия сузи қуп вақтларда таълим, маълумот жараёнларига қирадиган ишларнинг мазмунини ҳаманглатади.

Тарбия таълим ва маълумот натижаларини узида ақс этиради. Тарбия, Таълим вақитиш фан сифатидаги педагогиканинг асосий тушунчаларидир. Тарбия ижтимоий муносабатнинг шундай бир турики, унда шахсни йуналтирилган ҳолда шакллантириш мақсадида бир хил тоифадаги одамлар бошқа бировларга таъсир утқазади.

Таълим назарияси, таълим-тарбия мазмуни, шакли ва услубларининг асосий жиҳатлари Шарқда ишлаб чиқилиб, Оврүпо орқали узгайиб, ривожланиб яна Шарққа қайтиб келганини ва дунё педагогик жараёнини бир бутунлигини ҳисобга олинса қуйида келтирадиган тушунчаларда хусусий миллийликдан қура умуминсонийлик жиҳатларининг қуплиги қузга ташланиб туради.

Таълим-тарбиянинг шундай бир жиҳатики, у инсоният туплаган илмий ва маданий қадриятлар системасини уз ичига олади. Таълим турли йуллар (мустақил уқиш, радио ва телевизион эшиттиришлар, қурслар, лекторлар, ишлаб чиқишда ишлаш ва шу қабилар) орқали олинади.

Уқитиш инсониятнинг ижтимоий-тарихий тажрибаси муайян жиҳатларининг маҳсус тайёрланган шахс (уқитувчи, тарбиячи, профессор инструктор) раҳбарлигида укувчилар томонидан узлаштирилиши жараёни, маърифий, тарбиявий ва ривожлантирувчи функцияларни узвий бирликда адо этувчи жараёндир.

Педагогиканинг асосий тушунчалари уларда ақс этадиган ходисалар қабии бир-бирдан ажралмасдир, улар бир-бири орқали утатуриб қисман бир бирига уқшаб кетади ҳамда яқлит бутун педагогик жараёнда узаро боғланган булади.

3. ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ БОШҚА ФАНЛАР БИЛАН АЛОҚАСИ.

Педагогика фани яққа ҳолда муқаммалиққа эриша олмайди. У ҳам бошқа фанлар қабии ижтимоий фан ютуқларидан фойдаланади ва мазмунан бойитиб боради. Ҳозирги қунимизда умумбашарият томонидан яратилган билимлар ва келажак ҳақида маълумот берувчи назариялар муайян даражада педагогика фани учун манба булади. Бошқа фанлар даражада педагогика хар бир инсоннинг ижтимоий қамолотида хизмат қилади. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш қоидалари тугрисидаги маълумотларга асосланади ва узи ҳам ижтимоий фан сифатида ривожланиб боради. Шу сабабли фалсафа, тарих, иқтисод, психология ва социология, этика ва эстетика қабии фанлар билан узвий алоқадандир.

Хар бир укувчи, уқитувчи-тарбиячи ва она юрти тарихини билиши, ватанпарвар булиши лозим. Таълим-тарбия тарихи педагогика тарихи фанидан ҳабардор булмай туриб уқитувчилик қилиш

мумкин эмас. Педагогика назариясини чуқурроқ англаш учун эса унинг утмишидаги тараккийсини билмок керак.

Масалан, педагогика тарихи утмишда таълим-тарбия борасида кандай самарали булганини, ижтимоий-иктисодий ва сиёсий шароитларининг узгариши туфайли педагогик гоёлар, тарбия муассасаларидаги ишларнинг мазмуни, усуллари янгилаиб боршганини, утмишда ижод этган олимларнинг педагогик карашлари, уларнинг фаолиятлари билан таништиради.

Укитувчи - тарбиячи укувчиларига билим бериш, маълумотли килишбтарбиялаш максадида унгатизимли таъсир курсатади. Бунда психология ва ижтимоий омилларга асосланади. Яъни, курсатилган таъсирнинг самарасини билиш учун укувчининг сезги, идроки, тасаввур, диккат ва тафаккур-фикрлаш жараёнинингш кандай кечаётганини билишга асослаиб таъсир курсатиш режасини белгилайди. Демак, педагогика фани психология ва социология каби фанлар билан хам узвий боғлангандир. Маълум маънода укувчиларга хизмат киладиган психология туркумидаги фанлар хам педагогик фанлар тизимига киритиш мумкин.

Фалсафа фани эса педагогика фани учун методологик асос булиб хизмат килади. Чунки, хозирги таълим-тарбия назарияси ютуклари фалсафий фикрлаш кураши ва тараккийётнинг махсулидир. Фалсафа педагогикани илмий усуллар билан курулантиради, таълим ва тарбиянинг объектив конун-коидаларини ишлаб чикишга манба булади.

Этика ва эстетика фанлари педагогиканинг тарбия назарияси булими буйича маълумот беради. Бу фан укувчининг хулки, одоби меъёрларини аниклаш, белгилаш хамда гузулликни чин маънода тушунтириш, укувчи онгида хаётнинг жозибали, нафис кирраларига бевосита рағбат уйғотиш борасида педагогика фани билан алокадордир. Фанларни укитиш йуллари хам педагогика фанининг дидактикасига алокадор, чунки хар кандай фанни укитилиш усули шу фаннинг мазмуни, тизимини укувчилар томонидан узлаштириб олинишга хизмат килади. Демак, педагогика аник болалар анатомияси физиологияси, болалар гигиенаси ва педиатрия каби фанлар билан хам мустахам алокада бу фанлар бир-бирига чамбарчас боғлиқдир.

Педагогика фани объекти йил сайин кенгаиб бормокда, натижада унинг тармоклари хам бир неча гурухларга ажралмокда. Улар педагогика фанлари тизими деб номланади.

Маълумки, турли сохада билим олувчи укувчиларни укитиш ва тарбиялашнинг назарий хамда амалиётмонларини ёлғиз педагогика фанининг узи муфассал ёритиб бера олмайди. Педагогика фани тармоклари мазкеур муаммоларни ижобий хал этишда мухит омил хисобланади.

Хозирги вақтда педагогика бир нечта тармоқларга булинган. Жумладан, умумий педагогика (мактаб ёшидаги укувчиларни тарбиялаш ва укитиш хакида бахс юритилади), мактабгачи тарбия педагогикаси (мактабгача ёшидаги болаларни тарбиялаш муаммолари билан шугулланади), маданият-оқартув педагогикаси (маданият-маърифий ишларни бошқариш муаммоларини урганади), хунар-техника педагогикаси, харбий педагогика (армия сардорларини ва укувчиларимизни ватанимизнинг шон-шарафини ва ор-номуси учун етук курашчи, харбий курул-ярогланган самарали фойдалана оладиган ёшларни тарбиялаш йуналишида) каби тизим-тармоқелари мавжуддир.

Педагогика фақат соғлом укувчиларнинг таълим-тарбияси билангина эмас, балки камолотга кусури бор болалар таълим-тарбиясини хам урганади. Бундай тармоқларни махсус педагогика деб юритилади. Махсус педагогика тизимига олигофрено педагогика (аклий жихатдан оркадаколбган болаларга таълим-тарбия бериш), тифло педагогика (кур болаларни тарбиялаш), сурдо педагогика (кар-соков болаларни тарбиялаш) каби фанлар киради.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. И.Каримов."Баркамол авлод-Узбекистон тараккийётининг пойдевори" Тошкент.1998.
2. Узбек педагогикаси тарихи.(кулланма)7Профессор А.Зуннунов тахрири остида.Тошкент.1997.
3. А.К.Мунавваров "Педагогика"Тошкент."Укитувчи"1996.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Педагогика фани нима ва у қачон пайдо булган?
2. Узбек педагогикасининг вазифаси.

3. Мукамал педагогик системма хакида.
4. Педагогиканинг илмий асосини яратганлар.
5. Маълумот иборасига тушунча беринг.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Методологик асоси, педагогика фани, узбек педагогикаси, категориялар, фанлар боғлиқлиги.

МАВЗУ № 3: ТАРБИЯНИНГ ИЖТИМОЙ ХОДИСА ВА ПЕДАГОГИК ЖАРАЁН ЭКАНЛИГИ.

РЕЖА:

1. Тарбиянинг ижтимоий ходиса эканлиги.
2. Шахс жамоатчиси таъсир этувчи омилларининг (ирсият, мухит, тарбия) бир бутунлигини ва бири бири билан боғликлиги.

Тарбиядан кузланган асосий мақсад, хар томонлама маънавий ривожланган акалий ва ахлокий баркамол шахсни шакллантиришдан иборат. Шунга кура тарбиявий фаолиятнинг мазмуни, ташкилий шакллари усуллари шу мақсадга эришишни кузда тутди.

Тарбиявий иш маълум мақсадни кузловчи ва узлуксиз давом этадиган жараён дир. Купинча бир неча мақсад ва вазифа бирданига бажарилади, бу эса укувчилар жамоасининг аклий ва ахлокий ушшини таъминлайди.

Шахсни шаклланиши манфатлари хар бир педагогик тадбирни тарбияни умумий мақсадлари билан боғлашни, уни режали тарзда ва катъий суратларда амалга оширишига харакат килишни талаб этади.

Умумий таълим мактаби янги педагогик тафаккур эгаси муносиб шахс уз ишининг устаси булган укутувчига мухтож мактабда укувчиларга гуманитар ижтимоий фанлардан таълим беришда тарбияга купрок эътиборини каратмок лозим.

Айникса, хозирги Узбекистон тарихи, адабиётини укутиш жараёнида бевосита тарбияга оид булган илмий маънавиятга, миллий рух, урф-одат ва шунингдек, умумбашарий кадрятларга алохида ургу бериш зарур.

Укутувчи укувчи калбимга йул топиш учун билими ва иши билангина эмас, айна пайтда одобахлокий, мадани ятни, ролст гуйлик ва ширин-сухондонлиги билан намуна булиши лозим. Тарбияда инсон шахсини олий ижтимоий кадрят деб тан олиш, хар бир бола, усмир ва ёш йигитнинг бетакрор ва узига хослигини хурматлаш, унинг ижтимоий хукуки ва эркинлигини хисобга олиш лозим. Бола укишни, тарбия олишини истайди, улгайиб жамият хаётида фаол иштирок этишини хохлайди. Педагог уни кай усулда, кандай муносабатлар шароитида, кандай педагогик жараёнида тарбиялаш лозим. Укувчилар якин кишиларининг муносабатларини яхши билса, бу унга ишда ёрдам берса, шундагина бола педагогик таъсир утказишга очик ва мойил булади. Укутувчи-дуст, мурабий, йул бошловчи, булгандагина, укувчилар узларининг ички оламларининг очиб курсатадилар.

Юкорида айтганимиздек, тарбия-тарбиячи ва тарбиланувчи уз ичига олган икки ёклама жараён. Ижтимоий тарбияга укувчиларда илмий дунекараш, этикоди, маънавий ва сиёсий гоьларни шакллантириш мақсадида уларни онги ва хислари ва иродасига таъсир курсатиш усуллари киради. Бу усулнинг мохияти шундаки, улар оркали жамият укувчилар онгига кандай талаблар куяётгани ёшларнинг дунёкарашини шакллантириш хаёт мазмунини тушиб олишга кумаклашиш учун ижтимоий онгни шакллантирувчи усуллар ишлатилади.

Укувчилар сиёсий онглик ва ижтимоий фаоллик, яъни давлатни ички ва халкаро сиёсатик оидаларини тушунтириш ва идрок килишини тарбиялаш лозим. Тушунтириш - бу ижтимоий онгини шакллантиришда энг куп ишлатиладиган усул дир. Тушунтириш вазифаси укувчиларни юксак маданиятли, илмий гурурли килиб тарбиялашда ёрдам беришдан иборат. Тушунтиришда укувчиларга мамлакатимиз фукаросининг уз давлатига нисбатан хукуклар ва бурчлар билан боғланганлиги борасида маълумотлар берилади. Бунда давлат байроги, герби, мадхияси, Конституциясига садокат рухида тарбия беришнинг ахамияти катта. Шу сабабли укувчиларга давлат байроги, герби, мадхияси, конституцияси мохияти тушунтирилади.

Фаолият жараёнида ижтимоий хулк тажрибаларини шакллантириш мумкин. Бола ривожланишининг узлигини белгилашининг асосий омилли - бу фаолият дир. Фаолият нуктаи назардан ёндашиш коидаси мактаб хаётининг хамма жабхаларидатаълим-тарбия жараёнига сингиб кетади. Фаолият укувчиларни билимларини мустакил эгаллашга ундайди, уларни кайси ихтисосга мойилликларини аниклашга, ижодий фаолият тажрибасини хисси кадрят муносабатларини узлаштиришга ёрдам беради. Укувчиларни биринчи синфдан бошлаб имконият даражасида фойдали мехнат билан шугуллантирилшга эришиш лозим. Бундай мехнат купчилик, жамоа булиб бажарилганида яхши натижа беради.

Харбий инсон ёшлигиданок, уз миллати халкининг урф-одатлари, тил бойлиги, ёзма ҳамда оғзаки адабиёти, саънати хуллас, маънавий меросини урганиб боради. Шундай қилмас экан, у анимк бир халкка мансуб эканлигини курсата олмайди, шунинг учун ҳам халқ таълими тизимининг бошлангич даврдаёқ, бош мактабдаёқ, токи ҳар бир оилада уз халкининг миллий гуруҳ курашлари, орзу-истаклари, этикод, дунё карашли миллий асосларидагина шакллантириб бормас экан, кузланган мақсадга эриша олмайди.

Тарбия соатларимизда укувчиларимизга маросимларимизни тушунтириб боришимиз лозим. Топишмоқ, шер, тез айтиш, дostonлар болалар рухиятига ижобий таъсир курсатади. Ёш авлодимизга, динимизни ургатишимиз керак мактабларда эса бу икки анъанаримиз, кадрларимизни кадрлаш керак, ҳадислардан парчалар ёдлатиш, хайтни қадимги байрам эканлигини уни янада яхшироқ таъргарлик билан утказиш, миллий либослар ҳақида суҳбатлар утказиш керак. Тарбия жараёнининг мохияти шу жараён учун характерли булган ва муайян қонуниятларда намоён буладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради. Бола қатталарнинг тажрибаларини суҳт холда эмас, балки фаол равишда узлаштиради унинг онги ҳаракати тиришқоклиги қатта аҳамиятга эга булади.

Хулоса қилиб шунми айтиш мумкинки, тарбия жараёни ҳар доим ривожланиб бораверади.

2. Шахс жамоатчиси таъсир этувчи омилларнинг (ирсият, мухит, тарбия) бир бутунлиги ва бири бири билан боғлиқлиги.

Педагогика шахсни қамолотга етишини мураккаб ва зиддиятли жараён деб билади. Шахснинг қамолотга етишишида насил-ирсият, ижтимоий мухит ҳам, мақсадга мувофиқ амалга ошириладиган таълим-тарбия ва ниҳоят узининг мустақил фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шахс қайси жамятда яшаса уша жамят ҳаётидаги қонун вақоидаларга асосан қамол топади. Шу жамятнинг моддий ва маънавий бойлигидан баҳраманд булади. Демак, шахснинг қамолга етишуви жамят ривожига чамбарчас боғлиқдир. Инсон қамолотида ирсиятнинг таъсири қаттадир. Ирсият бу - болага ота-она ва умуман яқин аждодлардан яъни наслдан-наслга утадиган биологик хусусият ва ухшашликлар тушунилади. Одам шахсининг ва хулкининг ривожлантиришда биологик омилларнинг таъсирини юксак баҳолаб, шахсни насилга боғлаб урганувчи оқимлардан яна бири бихевиотризм булиб, у XX асрдан бошлаб психология фанида қенг тарқалади. Бунга америкали педагог ва рухшунос Э. Торндайк асос солди. Унинг фиакрича, Шахснинг барча хусусиятлари, шу жумладан онг ва ақлий қобилият ҳам наслдан-насилга утади.

Демак, бола шахсининг ривожланишига наслнинг таъсири, деганда ота-онага, авлод-аждодларга ухшашлигини ифодаловчи биологик белгиларнинг такрорланишини тушунмоқ керак. Ҳар бир бола ота-онасидан мерос сифатида биологик қурунишларига (тананинг тузулиши ва унинг мутаносиблиги, сочининг, қузининг, терисининг ранги, буй-басти ва бошқалар) эга булиб дунга келади. Булар жисмоний хусусиятлардир. Айни вақтда болага инсонларга хос хусусиятлар ҳам ирсият йули билан тугма утади. Аммо булар тугма имқониятлар булиб, уларнинг ривожланиши учун инсон боласи инсоний мухит, одамлар орасида яшаб, улар билан алоқа қилиши, ижтимоий меҳнатда иштирок этмоғи лозим. Чунки инсон биологик мавжуд сифатидагина эмас, балки ижтимоий меҳнатда иштирок этмоғи лозим. Шунингдек ирсий йул билан утган ақилни усиши, қамол топиши учун ақлий фаолият, шарт-шароит ҳам булиши лозим.

Боаланинг қамолга етишида мухитнинг таъсири қатта физиология ва рухшунослик фаннинг курсатишича, инсон боласи тайёр қобилият билан эмас, балки бирор-бир қобилиятнинг руёбга чиқиши ва ривожланиши манбаи-лаёқати билан тугилади. Лаёқат ҳалича ривожлана олмайди, унинг ривожланиши учун қулай мухит керак. Мухит деганда қишига таъсир этадиган ташқи воситаларнинг йиғиндисини тушунамиз, банга табиий мухит, ижтимоий мухит, оила мухити ва бошқалар қиради. Ҳамда улар болаларнинг ривожланишига алоҳида таъсир этади. Бола тугилиши билан ижтимоий ҳаёт шароитлари, тайёр ижтимоий онг шаклларга дуч келади. У меҳнат шароитининг таъсирида усади-улғаяди. Қишиларнинг узаро мулоқотлари натижасида болада нутқ шаклланади, уса-ли. Юқорида таъкидлаганимиздек, ижтимоий мухит қишиларнинг фаол иштироклари, фаолиятлари натижасида тарихан узғариб боради. Демак, боладаги ирсий белгиларнинг усиши, қамол топиши инсонлар мухити, яшаш шароити ва тарбияга боғлиқ десак булади. Бунга тарихдан мисоллар жуда қуп. Алишер Навоий онасидан – шоир, Эйнштейн-физик, Улугбек-астроном, Ибн Сино-табиб булиб тугилмаган, албатта улардаги қобилият қуртакларнинг ривожланиши, истедодига айланишида ижтимоий мухит, таълим-тарбия мухити рол уйнаган. Агар инсон боласи ижтимоий мухитга эмас бошқа мухит, айтайлик, ҳайвонлар мухитига тушиб қолса унда ирсий белгиларнинг айрим биологик

курунишлари сакоанган лекин инсоний фикр, фаолият, хатти-харакат булмайдди. Одоб-ахлоқ, хулкий сифатлар факат мухит ва тарбиянинг узаро таъсири асосида вужудга келади. Шунинг учун ирсият ривожланишига таъсир этади, аммо халқ кулувчи омил булса олмайди.

Жамиятнинг болалар онгигатаъсирутказиши асосан таълим-тарбия оркали амалга оширилади.Бола ешлигидан атрофдаги кишилар билан мулоқотда булиб, билимлар, куникмалар ва малакаларни эгаллайди.У даслаб оила шароитида ва мактабгача тарбия муассасаларида кейинчалик мактабда таълим тарбия олади. Болани ураб олган мухит, меҳнат ва тил оқибат натижасида тарбия воситасига айланади. Бунда мухитнинг таъсири стихияли эканлиги ҳисобга олмоқ лозим. Шу сабабли инсон камолотида таълим ва тарбиянинг етакчилиқ қилишига имкон бериш даркор.Чунки таълим тарбия жараёнида киши организмнинг усиши ва мухитнинг стихияли таъсири бера олмайдиган нарсаларни урганиб олади. Лекин уқиш ва ёзишни маҳсус таълим йули билангина урганади,маҳсус меҳнат ва техника билим,куникма ва малакалари факат таълим жараёнида эгалланади.Таълим тарбия ёрдамида хатто кишининг баъзи тугма камчиликлардан керакли томонга узгартириш мумкин,чунончи баъзи бир болалар айрим камчиликлар билан тугилади.Лекин маҳсус уқтирилган таълим-тарбия ёрдамида уларнинг акли тула тараккий килади.

Демак,бизнинг асосий ва энг муҳим вазифамиз болаларни қобилият ва истеъдодларини уз вақтида пайқаб олиш ва уларни камол топишлари учун қулай шароит,таълим-тарбия беришдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. А.К.Мунаваров "Педагогика" Т."Уқитувчи" 1996 йил.
2. И.Каримов "Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори" Т.1998 йил.
3. Ғозиев Э."Психология"(уқув қулланма) Т.1994 йил.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

- 1.Тарбиядан қузланган асосий мақсад.
- 2.Ёшлар тарбиясида халқ ижодиёти тутган урни.
- 3.Шахсга таъсир этувчи омиллар ҳамда уларнинг бир бутунлиги.
- 4.Э. Торндайл хақида маълумот беринг.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Шахснинг шаклланиши, фаолият жараёни, умумбашарий кадрятлар, мухит, ирсият.

МАВЗУ № 4: ТАРБИЯ ОБЪЕКТИ ВА СУБЪЕКТИ.

РЕЖА:

1. Шахс тушунчаси.
2. Шахс эканлиги тарбиянинг объекти ва субъекти.
3. Тарбиялаш ва уз-узини тарбиялаш.
4. Кишилик жамияти тараккиётида шахсни тарбиялаш муаммоси.

Шахс деганда муайян жамиятнинг аъзоси тушинилади. Одам шахс булмлги учун рухий жихатдан тараккий этган, уз хусусияти ва сифатлари билан бошқалардан фарк килиши лозим. Хар бир одам шахс сифатида турлича номоён булади. У узининг характери кизикиши ва кобилияти аклий ривожланганлик даражаси, эхтиёжи, мехнат фаолиятига муносабати билан фаркланади. Булар шахсни узига хос хусусияти булиб, ана шу рухий хусусиятлари ривожланиб маълум бир боскичга етсагина уни мукамал камол топган инсон дейилади. Шахснинг ижтимоий воқеяликка мехнатга, кишиларга, жамиятга булган муносабати турлича, унинг фоаллик даражаси ва одоб-ахлоқ борасида етуклиги хам турлича.

Шахс номини олиш учун нималар даркор?

Одамнинг ижтимоий мавжудод сифатида шахс номини олиш учун унга ижтимоий-иктисодий хаёт ва тарбия керак. Шу сабабли педагогика фани боланинг шахс сифатида ривожланиши, унинг хар томонлама камолга етиш конуниятларини, унгда таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларини, ривожланиш жараёнига алоқадор даврларини аниқлаш керак. Шунга асосан педагогика фани шахснинг ривожланишда таълим укутиш, тарбия ва бола фаоллиги, уз узини тарбиялаш боскичларини аниқлаш лозим.

Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё хаёт ё мамот - ё нажот - ё халокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир". Буюк мутафаккирнинг бу сузлари асримиз бошида миллатимиз учун канчалик мухим ва долзарб булган булса, хозирги кунда биз учун хам шунчалик, балки ундан хам кура мухим ва долзарбдир.

Чунки таълим тарбия - онг маъсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини хам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини узгартирмасдан туриб онгни узгартириб булмайд. Онгни, тафаккури узгартирмасдан туриб эса биз кузлаган олий мақсад озод ва обод жамиятни борпо этиб булмайд.

Шахс тарбиянинг объекти ва субъекти хисобланади. Шахснинг камол топишида ва унинг халкидан ижтимоий ва биологик омилларнинг таъсир кучи бир хил булмайд. Шахснинг ривожланиш холатини тугри баҳолаш ва билиш учун уни турли муносабатлар домирасига куйиб тузатиш лозим. Педагогика шахснинг камолига етишишнинг мураккаб ва зиддиятли жараён деб биледи. Шахс кайси укувчиларда уз-узини тарбиялашда яъни уз устида онгли батартиб ишлашга эхтиёж пайдо булгандагина, тарбия жараёнини самарали деб хисобласа булади. Укувчиларни айниқса, урта ва катта ёшидагиларни уз билим ва малакаларини мустакил оширилишларига йуллаш керак.

Уз узини тарбиялаш укувчиларни узини - узи идора килиш органлари фаолияти катнашишлари, уларнинг ижтимоий фаоллик мавқеининг шакллантиришнинг таъсирчан воситасидир. Укувчиларнинг укушда, тарбияда, дам олишда уз-узини тарбиялаш усулларидан фойдаланадилар, уз узини тарбиялаш ташаббускорлик ва мустакилликка ундайд.

Уз-узини тарбиялаш сифатлари бола бунда тайёр булганда у узини шахс деб англай бошлаган, амалий ишларда мустакиллик курсата бошлаган вақтда пайдо булади. Уз-узини тарбиялашда (ахлокий, жисмоний, хиссий-иродавий ва интеллектуал) маслахат ва курсатмалар берилиши лозим. Бунда укувчиларни узларига, хатти харакатларига танкидий рухта муносабатта булишга ургатиш жуда мухимдир. Укувчилар муайян вақтда белгиланган вазифаларини бажариш учун мажбурият оладилар ва уларни кун тартибига ёзиб куяди.

УЗ-УЗИНИ ТАХЛИЛ КИЛИШ.

Уз шахсини, фазилятларини тахлил килишга хатти харакатлари хақида уйлашга ургатади. Уз узини назорат килиш учун укувчи узини юриш-туриши, интизоми, ижобий одатларини ортиб бориши ва аксинча салбий одатларини камайиб бориши хақида мумтазам равишда кундалигига ёзиб боради.

КИШИЛИК ЖАМИЯТИ ТАРАККИЁТИДА ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШ МУАММОСИ.

Узбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Республика Олий Мажлисининг 1чи чакирик 1 сесиясида қилган маърузасида хур Узбекистонда демократик тузумни барпо эта бориш билан бирга амалга оширилаётган улкан узғаришларни асосий иштирокчилари булган жамиятимиз аъзоларининг маънавияти бутунлай янги қарор топтириш лозимлигини таъкидлаган эди.

Келажаги буюк давлатни қуриётган кишиларни тафаккури, ахлоқи, янги иқтисодий муносабатларини таклашга, модий неъматлар ишлаб чиқаришга астойдил қиришиб доимо ёниб яшаш хиси билан сугорилган булиши лозим. Мана шундай ижобий ҳислатларга бой инсонни тарбиялаш педагогика ўқитувчиларини, ўқув юр்தларини, мактаб, лицей, гимназия, коллеж, институт ва университетларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Тарбия жамият вазифаси булиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатларини таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг гоёлари таъсирида аниқ шаклга эга булади, шунинг учун ҳам қўп жихатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижаси ифодалади. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилиқ жамияти пайдо булиши билан бирга тарқиб топган булса, таълим назарияси фан сифатида бир мунча кейинроқ шаклланди.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли роль ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида туплаган тажрибани алмаштириш эҳтиёжи тугилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга дурустроқ ва режали тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юр்தларини очиш зарурияти пайдо булиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Иптидоий жамоа даврида ҳам ижобий тарбия тажрибасини оммалаштиришга ўриниш қўртақлари булган. Масалан, катталар ва ёшлар ўртасидаги муносабатлар билан, кейинроқ турли обида маросимлар билан боғлиқ ўзи тутушни баъзи бир шакллари шакллана бошлаган.

Тарбияда назарий ўмумлаштириш илдини фалсафа қаъридан охтармоқлик дарқор. Фалсафа қадим замонлардан бошлаб давр, ҳаёт мазмуни, боғлиқнинг бирлиқни, ўнинг жамиятдаги ўрни ва роли, одамларни ҳаётда белгиланган вазифаси нималардан иборат деган саволга жавоб излар ва тайёрлаш билан шугулланди.

Қадимий ва ўрта Шарқ адабиёти намўндалари орасида назарий - педагогик тўсга эга қатор илмий қарашлар мавжуд булган. Улар орасида Ал Фаробий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Феодализм даврида тарбия асосан дин таъсирида булган. Шунинг учун ҳам таълим назариясини асосий гоёлари диний илм орқали ифодаланган. Тарбия назариясининг гоёлари анча олдиндан илгари сурилган булишига қарамай педагогик илмий билим - фан сифатида бир оз кейин шаклланди.

Педагогиканинг фан сифатида шаклланилиши буюқ чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) номи билан бевосита боғлиқдир. Коменский томонидан тақлиф этилган принциплар шакл (масалан, синф дарс тизими) ва услўблари "Педагогика"нинг олтин фондига қирган. Унинг машҳур "Буюқ дидактика" асари педагогика назарияси ва амалиёти соҳасида биринчи муҳим илмий асар ҳисобланади.

Мактабдаги ўқув жараёнида таълим тарбия ва маълумот ўзаро боғлиқ равишда амалга оширилади. Ҳар қандай фан ўргатилиши мобайнида ўқитувчи болаларга билим асосларини баён этади, шу материаллар мазмуни асосида тарбиянинг бирор томонини ҳал этади. Болалар дунёқарашини шакллантиради, маданият ҳулқ атворини тарбиялайди.

Педагогика фанинг предмети булган илмий билиш асосида жамиятнинг алоҳида функцияси тарбия мазмуни ётади.

"Педагогика" атамаси қадимий Юнонистондан келиб чиққан. Бу ерда қўлдорлар болаларини мактабга қўзатиб қўйдиган, олиб борадиган одамларни "Педагог" деб аташган. Кейинчалиқ бу атамани маъноси бир мунча ўзгарди. Махсус тайёрларлиқ қўрган ва тарбия билан шугулланадиган шахслар "Педагог" деб атала бошлаган. Қўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиянинг ўмумий принциплари фақат болалар тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам таълуқли эканлигини қўрсатади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва қатта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, ўларга маълумот бериш қонуниятларини ўргатувчи фан деб белгилаш одатга айланган.

Кишилик жамиятини кадимги иптидои,яъни бошлангич даврила одамлар тайёр махсулотдан фойдаланишган. Ов, турли туман ханармандчиликни ривожланиши одамлар меҳнат тажрибасининг ошишига олиб келди.Меҳнат фаолияти борган сари мураккаблаша бориб,одамларнинг шаклланишига ва кишилик жамиятининг ривожланишида муҳим роль уйнай бошлади.Меҳнат одамнинг тарбиясига таъсир курсатиб,тарбия ҳаётий зарурият килиб куйди.Одамларнинг меҳнат куникмалари ёш авлодага мерос булиб к4ола бошлади.Энди тарбия меҳнат фаолиятининг,меҳнат тажрибасининг маҳсулига бевосита боғлиқ булиб қолди.

Олдинга бола тарбияси катталар томонидан бевосита меҳнат фаолиятида амалга оширилган бўлса,жамият ривожлана борган сари бундай йул талабга жавоб бермай қолди.Энди тарбия билан билимдон тажрибаси ётарли одамлар шугуллана бошлади.Машгулотлар тобора ташкилий шаклларга,қуринишларга эга були борди.Секин-секин мактаблар пайдо бўлди.

"Мактаб" атамаси кадимий Юнонистондан келиб чиққан (мактаб юнонча:буш вақт, меҳнатдан дам олиш маъносини билдиради). Юнонистонда укувчиларни мутафаккирлар билан суҳбатини мактаб деб аташган,кейинчалик махсус укув тарбия муассасаларини ҳам мактаб дейишадиган бўлди. Мактабни шу маъноси хозиргача ҳам сакланиб келмоқда.

Мактабнинг таркиб топиши, тарбиянинг такомиллашиши билан бирга,тарбия фаолиятининг узи алоҳида касбий фаолиятга айланади,педагог касби эса алоҳида касб булиб ажрала бошлайди.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. И.А.Каримов "Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори".Т.1998 йил.
2. Турсунов И.,Нишонов У "Педагогика" Т. 1996 йил.
3. Гозиев Э "Психология"(укув қулланма) Т.1994 йил.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

- 1.Шаҳс ҳақида тушунча.
- 2.Уз-узини тарбиялаш сифатлари болада қачон пайдо бўлади?
- 3.Фарзанд тарбияси билан асосан қимлар шугулланади.
- 4.Тарбия объекти ва субъекти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Шаҳс,объект,субъект,уз-узини тарбиялаш,шаҳсни узига ҳос хусусиятлари.

МАВЗУ № 5: УКУВЧИЛАР ТАРБИЯСИДА ОИЛА, МАКТАБ, МАХАЛЛА ХАМКОРЛИГИ.

РЕЖА:

1. Укувчилар тарбиясида мактаб жамоасининг хамкорлиги.
2. Болалар тарбиясида оила, махалла хамкорлиги.

Мактаб болаларни ахлокий тарбиялаш дарс жараёни синфдан е мактабдан ташкари турли туман ишлардан олиб борилади. Укувчиларда билим ахборот, махорат, малака ва одатлар берилади.

Болалар одоб ва одобсизлик хакида тушунча олади. Улар ахлокий тушунчалар бадий ва илмий адабиётлар, хаёт кинофильм ва спектакллар оркали англайдилар.

Укувчиларни ахлокий рухда тарбиялаш характери хусусиятларини таркиб топтиради, Уларга максдага интилувчанлик, укиш ва ишда матонатли, катияли, ташабускорлик, уюшқоклик кийинчиликларда куркмаслик киради. Мактабда ахлоқ тарбия беришда хилма-хил усуллар кулланилади. Куйидаги усуллардан намуналар келтираамиз.

1) Ахлокий тарбия, укитиш жараёни билан куши олиб борилади. Буюк немис педагоги А.В. Дистервич айтганидек, яхши укита билган укитувчи яхши тарбиялайди хам.

2) Ахлокий тарбия жараёнини мувокиятли укувчилар ва укитувчилар жамоасининг савиясига боглик. Бунинг учун жамоа ахил ва инок, болалар интизомли булиши керак.

3) Тарбиявий ишларни режали булишни ва хамжихатлик билан амалга оширилиши ахлокий тарбияни мувафақиятини таъминлайди. А.С. Макаренконинг "Унта юкори малакали уз хтолича ишлайдиган укитувчидан малакаси паст бир ёкадан бош чикарадиган бешта укитувчи авзал" деганини унитмаслик керак.

4) Мактабда ижобий эмоционал шароит яратиш ахлокий тарбия жараёнида фойдали таъсир этади. Масалан, Республика мустакилиги куни, Навруз байрами.

5) Барча укувчиларни мактабдаги умумий ва ягона тартиб койдага риоя килишларига эришиш.

6) Ахлокий тарбияда онгни, тушунчаларни шакллантиришни тушунтириш, уктириш, сухбат, мунозар, лекция, рахбатлантириш, жазолаш усуллари билан фойдаланиш.

7) Ахлокий одатни шакллантиришда машк, болаларни турли фаолиятини уюштириш.

8) Тарбиявий соатлар, "Одобнома" дарслар савиясини ошириш.

9) Мехнат илгорлари, илм-фан ходимлари, мехнат ва уруш фахрийлари, хожилар, укувчилар учрашувларини уюштириб бориш.

10) Мактабда турли хил тадбирлар, адабий кечалар, олимпиада, фестиваль, мусобакала утказиш, кинотеатр, телевидения курсатувларидан, "Оталар сузи-аклнинг кузи", "Маърифатнома" эшитиришларидан янги ташкил этилган "Маънавият ва маърифат" маркази тавсияларидан фойдаланиш.

Мактабда таълим билан тарбияни ажратиш булмайди. Ватанимизни истиклол ва тараккиёти келгуси ёш авлодни хар томонлама етук билимли, онгли, тадбиркор, юксак ахлокий булишига богликдир.

Укувчиларни уз хулкини ахлокий жихатдан бахолаларини биринчи синфдан бошлаб ургата бориш керак. Улар мехнатни севиш, мулкни эhtiёт килиш, хурмат, ростгуйлик, софдиллик, вождон камтарлик маъноларини тушиниб олсин. Мактабда болалар ёши, савияси ва синфига кароаб "мартлик ва куркоклик", "жамоа нима?", "инсон гузаллиги нимада?", "Ахлоқ ва одоб", "Ахлоқ ва шахс эркинлиги", "Она юртинг омон булса...", "Барака купчиликда", "Жанат оналар оёги остида", "Инсон одоби билан", "Тижорат ва халоллик" мавзуларида сухбатлар утказиш маъкул. Укувчига кундалик юритишнинг тавсия этиш керак. Унда "Бугун кандай иш килдим?", "Бугун кандай ёмон иш килдим?", "Узимдаги кайси сифатни тузатишим керак ва кандай килиб" деган уч булим булиши керак. Хафтанинг охирида "Утган хафтадан каноатланаманми?" деган саволга жавоб ёзишни тавсия этиш даркор. У тарбиявий соатда ёки индивидуал сухбатда тахлил килинади.

Узок йиллар миллий тарбиямиз, минг йиллик урф-одатлар кадрларимиз камситилиши, динимиз, тилимиз оёк ости килиниши окибатида одамлар орасида мехр-окибат, диёнат, шарм-хаё, андиша, ор-нормус, халоллик, катталарга хурмат, кичкинага эhtiбор сусайиб кетди. Уз тилимиз колиб бошка тилда гапиришдек, марказнинг юборган укув дастурлари ва дарсликлар билан ишладик. Шунинг натижасида ёшлар маънавияти дарз кетди. Демак, ёшларни ватанпарварлик рухида

тарбиялаш иши аввало уларда миллий кадрларимизни хурмат қилишдан, узлгимизни, кимлигимизни англашни урганишдан бошланиши лозим экан.

Дарсда ва дарсдан ташқари ишларда Алпомиш, Тумарис, Широқ каби халқ қахрамонлари, Амир Темур, Бобур, Улугбек сингари саркарадаларимизни, Ибн Сино, Беруний сингари олиму - фузалоларимиз қарашларига тез-тез мурожат қилишимиз ёшларни Ватанга мухаббат руҳида тарбиялаш ишининг асосини ташкил қилади. Шу билан биргаликда тарбия борасидаги жаҳон стандартларига ҳам эътиборни қаратиш лозим.

Ота-оналарнинг уз ҳаётлар, турмуш тарзлари, бола шахсида илмий дунёқарашида маънавий, ахлоқий, нафосат, меҳнат ва бошқа ижтимоий омилларни шакллантириш мақсадида тизимли таъсир қурсатиш жараёнига оилавий тарбия дейилади. Бунда ижтимоий ва маънавий ҳаёт таъсирида оиланинг ҳам жиддий янгилашиб бораётганини эсдан чиқармаслик лозим.

Оилалар шахслар ва кишлоқларимизни ягона иқтисодий ва ижтимоий умумийлиги асосида ривожланмоқда. Айни пайтда оилавий ҳаёт ва оилавий тарбия узининг миллий хусусиятларига ҳам эгадир. Бу эса оилавий тарбия усуллари ва мазмунининг умумий ва хусусий томонлар ривожидан яққол кузга ташланади. Масаланинг мураккаблиги уқитувчи тарбиячи, халқ таълими ходимлари, кенг жамоатчилик оилавий тараккиётининг ҳисобга олган ҳолда оилавий тарбиянинг назарий ва амалий асосларини педагогик жиҳатдан тугри изоҳлаш ва тегишли усулий тавсиялар беришлари лозим. 2-томондан эса янги мустақил давлатимизнинг шахс тараккиётига қурсатаётган педагогик таъсирини аниқлаш, келгусида қутиладиган натижаларни чамалаб олиш ҳам лозим.

Агар оилада узаро ҳамкорлик, узаро ёрдам, бир-бирига ишонч ҳолати мавжуд экан, бундай оилалар ростгуй, самимий, меҳрибон, уртоқларига доимо ёрдам беришга тайёр булган инсон камол топади. Узида одобли кишига ҳос фазилаларини мужасамлаштирган кишиларнинг оилаларда доимо ҳузур ҳаловат ва самимий ҳурмат қарор топади.

Дарҳақиқат, оила жамят ҳаётини олға сурувчи янада юксак босқичларда қутариб раванқ топтирувчи келажак авлодарни тарбиялаб вояга етиштирувчи, камол топтириш учун маъсул булган гоят муҳим бошланғич гуруҳидир. Оила эркак ва аёлларни тула тенг ҳуқуқлиги оила учун баробар жавобгарлиги асосида қурилади. Оиладаги дароматларини ошириш бир томондан, ота-оналарни билим савиялари ва маданий ҳаётлари яхшиланишига сабаб булса, иккинчи томондан оила аъзоларини юқори маънавий эҳтиёжларини ижобий шаклланишига оилавий муносабатларининг такомиллашувига бойишига, катталар ва кичиклар орасидаги мулоқат мазмунига ижобий таъсир қурсатмоқда. Шу сабабли ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш давр талабига айланиб бормоқда. Атоқли педагоглар тарбияни мақсадга мувофиқ ташкил этиш шарт-шароитлардан бири ота-оналарини саводхонлигига деб ҳисоблаган эдилар. Масалан А.Авлоний узининг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" номли асарида шундай дейди: "Тарбияни кимлар кимлар қилур? Қаерда қилинур?" деган саволга келадур. Бу саволга биринчи уй тарбиясидир. Бу она вазифасидир. Иккинчидан мактаб ва мадраса тарбияси. Бу ота муаллим, мударис ва ҳуқумат вазифасидир деб жавоб берса бу киши дейюрки "қайси оилаларни айтурсиз билимсиз боши паҳмок қулоғи тухмок оналарни? Узларида йук тарбияни қандай олиб берурлар" дер. Отасига нима дерсиз, десак "Қайси ота?-Туйчи улукчи, базмчи, думбирачи, қарнайчи, сурнайчи илм қадрини билмаган илм учун бир пулни кузлари қиймаган замондан хабарсиз оталарни айтиурсиз? Аввал узларини уқитмок, тарбия қилмок лозимдир" дер.

Агар ота-оналарга умумий таълим тарбия беришдаги олимларни тавсиялари шахар туман меҳнат жамоалари, шунингдек меҳнат ва уруш фаҳрийларни маслаҳатлари, учрашувидаги тавсияларига таянилса сузсиз шу ишнинг самарадорлиги янада ошади. Тарбиявий маданиятни самарадорлигини оширишда ота-оналар мажлиси муҳим аҳамият қасб этади. Мактаб уқувчилари ота-оналар мажлисига пухта тайёргарлик қуришлари лозим.

Маълумки бола мактабга келгунча мактабда уқиш даврида ҳам, асосан оилада тарбияланади. Оила болаларнинг дунёқараши, ҳулки ва дидига қурсатиши таббий ҳолдир. Ота-оналарининг болаларни тарбиялашдаги энг биринчи вазифалари болалар соғлигини сақлашдир.

Айниқса, ота-оналар узларини меҳнат фаолиятларини, ҳулки атворлари орқали намуна булишлари лозим. Узаро оилавий жамода яхши иборали сузлашувни ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ота-оналар мактаб уқув вазифаларини яхши бажаришларини таъминлаш учун қуйидагиларга риоя этсалар маъқул булади:

-уқувчиларни машғуллардан кечикишларига ва дарсга кеч қилишларига йул қуймаслик.

-болаларнинг машгулоти учун уйда унга кулай жой танлаб бериш белгиланган, соатларда укув иши билан банд булиш. Билим куникмасини шакллантириш уй вазифаларини шошилмай, аник бажарилиш имконини вужудга келтириш.

-болаларни уй вазифаларига халоллик билан караш, ургатиш, болаларни гайрат билан чидамини ошириш.

-укувчиларни виждонли ва рустгуй булишига хам билмаган нарсани яшириш, алдаш, мустакил ишладан буйин товлаш, бошкалардан уй вазифасини кучириб олиш каби кандай уринишларига нафрат билан карашга ургатиш лозим ва х.к.

Оила, мактаб ва жамоатчилик хамкорлигида хозирги кунимизни долзарб масалаларидир. Чунки биринчидан оила тарбиясида оила, мактаб ва жамоатчилик хамкорлигини узи мураккаб жараён, бунда муаллимлардан ташкари ишлаб чикариш жамоалири, вакиллари, ёшлар касаба уюшмалари иштирок этадилар. Иккинчидан, ота-оналар ва кариндош уруглар турли мехнат жамоалари вакиллари булиб ишлаб чикариш ва ёру-дустларнинг маънавий хаётларида омилларни мухокама киладилар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Бола тарбиясида оиланинг роли?
2. Мактаб жамоачилигини махалла билан хам билан хамкорлиги.
3. Укувчиларни дарсга булган муносабатини ижобий шакллантириш йуллари.
4. Укувчиларни хулк - атворини ижобий шакллантиришда "Одобнома" дарсларини тутган урни.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Хамкорлик, тарбиявий соат, ахлокий одат, миллий тарбия усуллари.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. "Халк таълими" журналининг 6-7 сони Тошкент 1992 йил.
2. К. Хошимов, С. Нишонова, М. Иномова, Р. Хасанов "Педагогика тарихи "Тошкент " Укутувчи" 1996 йил.
3. И. Каримов "Баркамол авлод-Узбекистон тараккиётининг пойдевори" Тошкент 1997 йил.

МАВЗУ № 6: ТАРБИЯНИНГ МАДАНИЯТ БИЛАН БОГЛИКЛИГИ.

РЕЖА:

- 1.Тарбияда шаркона урф-одатлар.
- 2.Тарбияда маросим ва анъаналарнинг тутган урни.
- 3.Инсон камолоти учун зарур булган ахлокий фазилятлар.

ТАРБИЯДА ШАРКОНА УРФ-ОДАТЛАР.

Ўзбекистонда мустақиллик тантанаси туфайли таълим тарбия тизимида туп узгаришлар вужудга келди.Миллий кадрятларни тиклаш,миллий маънавиятни юксалтириш,айниқса шаркона одоб-ахлоқ анъаналарига эътибони кучайтириш шулар жамласидандир. Энг асосийси, умум таълим мактабларида ёшларни миллий урф одат,мехр-окибат рухида тарбиялаш муҳим аҳамият касб этади.

Утмишда халқимиз орасида етишиб чиккан комил инсонлар чинакам инсоний хислатлар соҳиби сифатида барчага намуна булишган.Тарбия тарихидан маълумки,жамиятнинг бир булагии саналмиш хар бир хонодондан болага ёшлигиданок шаркона одобнинг илк сабоклари эринмай ургатилган.Таассифларки,утган 74 йил давомида тарихимизнинг зар варақлари хисобланмиш ахлоқ-одобнинг минг йиллик тажрибаларидан, "эскилик сархити" дея воз кечилди.Шаркона миллий тарбия анъаналари авало мактаблардан,сунгра оилалардан сиқиб чиқарилди. Натижада катталарга нисбатан хурматсизлик, лоқайтлик, дин-диёнатни менсимаслик иллатлари кучайди.Мустақилликка эришилгандан сунг утган қисқагина давр ичида йул қуйилган хатоларини тугрилаш борасида жуда катта амалий ишлар қилинди.Айниқса,ота-боболаримиз учун Куръони Қарим ва Пайгамбаримиз Мухаммад алайҳиссаломнинг суннатлари дастури амал ҳамда уламо-ю ҳуқомларимизнинг китоблари тарбиямизнинг ишончли манбаи булиб хизмат қилмоқда. Асосийси-исломий одоб фарзандларнинг ҳалол,пок,мехнатқаш, илмга интилувчи,катталарни,айниқса, ота-оналарни хурматлайдиган руҳда тарбиялашни шарт қилиб қуйганди.

Миллий тарбия болани олти жихатдан тарбиялашни маслаҳат қуради:булар - соғлиқ ва бадан тарбияси,ахлоқий тарбия,ақлий тарбия,гузаллик тарбияси,виждоний-нафсий тарбия,диний-рухий тарбиядир.Юқорида айтиб утганимиздек,юртимиз мустақиллика эшигандан бери турмушимизда катта узгаришлар руй бермоқда.Тарихимизнинг бир умирга дуне юзини қурмасликка маҳкум этилган зарҳал саҳифалари очилиб,миллий урф-одатларимиз ва қадятларимиз қайта тикланыпти, буюқ аллома ва саркардаларимизнинг - Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Боҳовуддин Накшбандий, Исмоил ал-Бухорий, ат-Термизий, Амир Темур каби сиймоналарни ҳаёти ва фаолиятига булган қизиқиш ортиб бормоқда.

Ёшларни Ватанимиз кадрятлари,бой маданияти билан таништириш,маданий ва диний билимларини эгаллашга булган талабларни шакллантириш,малакаларини ошириб,тобора бой этиш,эстетик тушунчаларни шакллантириш жуда муҳимдир.

Ўзбек халқининг маданий меросини урганишда ва ривожлантиришда миллий узига хослиги,маънавий хусусиятлари ҳисобга олиниб,халқ педагогикаси анъаналарига суянган ҳолда иш қуришлик мақсадга мувофиқ. Кишилиқ жамиятига муҳаббат,табият муҳофазаси,маданий ёдгорликларини сақлаш ишларига жалб қилиш лозим.

Ўзбек халқи қуп асрлик тарихий тараққиётда катта маданиятни яратди.У яратган бойлиқлар ёшлар тарбиясида муҳим восита булиб хизмат қилади.Ал-Хоразмий, Беруний, Фаробий, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб,Аҳмад Юғнақи, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий ва бошқа буюқ мутафаккирларни асарлари орқали укувчиларга гузал ахлоқ,бахт,инсоф,поқлик,иффат,сабр-маътонат, мехр-шавқат, ота-онани хурмат қилиш қоидалари ҳақида кенг тасавурларга эга булади.Инсонийлик уз тарқибига инсонни энг яхши ахлоқий хусусиятларини,яъни одамлар уртасида узаро яхши муносабатда булиш,дустлик,ота-онага садоқатлик,мехнатсеварлик каби фазилятларини қамраб олади.Ота-боболаримиз болаларда ёшлиқдан ана шу гузал фазилятларни қарор топтиришга аҳамият берганлар.Илму-фан аввал Шарқда тараққий этган,хур фикрлик биздан бошланган."Шарқ Европанинг муаллимидир" деган эди олмон олими Херлер.Ҳақиқатдан ҳам шундай,узбек халқининг маданий мероси улкан бир денгиз.Дарҳақиқат,миллий кадрятларни умуминсоний кадрятлар билан уйғунлаштириш лозим.Чунки брор миллат уз кадрятини бошқа миллат кадрятларидан ажратиб олиб ярата олмайди.Хар бир миллат маънавиятида узига хос томонлари булса ҳам,у умуминсоний кадрятларнинг бир қисмидир.Шу билан бирга унитмаслигимиз керакки,биз қураётган янги жамият

"биноси"учун биринчи галда миллий кадрятлар устун булмоги лозим.Биз,энг авволо,миллий узлигимизни англамогимиз,уз тафаккуримизни кашф этмогимиз лозим.Утмишимизда унитилган шундай улкан сарчашмалар борки,уларни пахта,атрофлича урганмок биринчи галдаги вазифадир.

Ислом дини гоёлари таълим-тарбияга катта таъсир курсатади.Куръон-дунё маданиятининг улкан бойлиги,барча мусулмонларни мукаддас китоби булиб,араб тилида "Кироат" маъносини англатади."Куръон" кишиларни тенгликка,биродарликка,тинч-тотув яшашга эзгуликка ундайди.Шунга кура,у катта ахлокий кимматга эга,у инсоннинг маънавий камолга етишида мухим урин тутади.Шунинг учун у мана неча асрлардан бери инсониятнинг энг улуг кадряти сифатида эъзоланиб келинмокда.Ислом инсонни рухий тарбиясига хам,жисоний тарбиясига хам эътибор беради.Ислом одамларни яхшиликка даъват этади,ёмонликдан кайтаради.Инсонпарварикни таргиб этиб,разолатни коралайди,одоб-ахлоқ,рухий-маънавий поклик ва етукликка ундайди.У адолат,тенглик,тинчлик,эркни таранум этади.Инсон шахси,жамият илм билан камолга етади,тараккий этади.

Исломда тарбия,акл инсон камолотнинг мезони хисобланади.Хадисларда хам инсонинг маънавий камолоти мезони,унинг тафаккур доираси, дунекарашни кенглиги,илмий билимларни кай даражада эгаллагани,уз билимини атрофдагиларга жамиятга фойда келтирувчи шахс булиб етишишига мухим омил-тарбия деб хисобланади.

Республикамизнинг истоклолга эришуви натижасида узбек педагогикаси тарихида узок давр таъкикланган эътибордан четтда колган маданий меросга кизикиш кучайди.Ёшларни анъаналар асосида табият,жамият,рухият,кадрятга мухабатини,кизикиш ва ихлосини тарбияламай миллий кийфани шакллантириб булмайди.

Хар бир инсон болаликдан уз халқини,миллатининг кадрятларини тил бойликларини,унинг тарихини,огзаки ва ёзма адабиётининг хамма саънатини, урф-одатларини, илгор анъаналарини,халқчилик,рухий маънавий меросини ургансагина уша халқка ва миллатга мансуб була олади.

ТАРБИЯДА МАЪРОСИМ ВА АНЪАНАЛАРНИ ТУТГАН УРНИ.

Хар бир инсон ёшлигиданок уз миллати,халқнинг урф одати,кадряти,анъаналари,тил бойлиги,огзаки ва ёзма адабиёти,санъати ва мусикасини,хулас чукур маънавий меросини урганиб боради.Шундай килмас экан,у аник бир халқка мансуб эканлигини курсата олмайди.Шунинг учун хам халқ таълими тизимининг бошлангич давридаёк, яъни,болалар богчани бошлангич мактаблардан,ёуки хар бир оилага уз халқининг миллий гурури курашлари, орзу истаклари,дунёкарашларини миллий асослардагина шакллантира бормас экан кузланган максадга эриша олмайди.Биз дарс давомида,дарсдан ташқари тарбия соатларида укувчиларга маросим ва анъаналаримизни тушунтириб боришимиз зарур.Анъаналаримизда топишмок тез айтишлар, дostonлар куйланиши,шунингдек эртақ,афсона,ривоятдаги воқеа-ходисалар болалар рухиятига ижобий таъсир курсатади.Ёш авлодга динимизни,тилимизни урганишимиз зарур мактабларда эса анъанамиз, кадрлашимиз лозим.

Хадислардан парчалар ёдлатиш,хайитнинг кадимги байрам эканлигини, уни янада яхшироқ тайёргарликлар биланутказиш,миллий либослар хакида сухбатлар утказиш керак.Мусулмонларга хос удумлар,урф-одатларга оид хулк - одоб коидалари баён этилиши,турли маросимларни утказиш тартиби,маросимларда юриш-туриш,сузлаш утириш маданияти хакида турли тавсиялар,маслахатлар берилиши лозим.ДонишмандЮсуф Хос Хожиб хам инсоннинг турли маросим,йигинлар учрашув,зиёфатлад узини тутиш,хулк одоб коидаларига риоя этиши хакида хам фикр юритиб,инсоннинг мезмонлик вамехмонновозлик коидалари,шартлари,тртиб интизомлари хакида хам мухим угитларни беради.

Халқни ижтимоий жихатдан химоялаш хамда маънавийислохатлар утказиш,яъни отабоболаримиз кадрятларини тиклаб,уларга муносиб ворис булиш каби вазифаларни амалга ошириш йулида Республикамизда катта ишлар амалга оширилмокда.Айникса,И.А.Каримовнинг "Миллий истиклол мафкурасини яратиш ва хаётга тадбик этиш" хакидаги фикрларини биз тарбиячи - муаллимларнинг хам харакат дастуримиз.Чунки,истеъмом мафкураси биз шу вақтгача амал килиб келган мафкурадан фарк килиб,у халқимизнинг азалий анъаналарига удумларигабдинига ва тилига, рухиятига, умуминсоний кадрятларига садокат,келажакка ишонч, мебхр окибат, инсоф, адолат, маърифат туйгуларини кишилар онгига сигндиришга асослангандир. Хакикатдан, Республикаизнитарақкийёт даражасида кутарадиганчинаккам комил инсонни шакллантириш - бу унинг маънавиятини шакллантиришдир. Маънавият эса халқнинг асрлар давомида шаклланган хаёт тарзи булиб,халқнинг таълим тарбияга оид кадрятлари шу улкан тараккётнингузвий кисмибулиб

хисобланади. Унда ёш авлодни тарбиялашда кулланилган усуллар, миллий урф одатлар, анъаналар, тарбияга оид гоёлар мужасамлашган.

Ўзбек халқи беъбаҳо анъан ва удумларга эга. Унинг узига хос тую тантанаси, таъзия маросимлари, меҳмон кутиш, дастурхон тузаш, миллий таомлар пишириш одатлари бекиёсдир. Ўзбекитонс уз мустакиллигини кулга киритгунча халқнинг ҳар қандай расм русумлари, урф-одатлари, қадриятлари турли чеклашлар асосида яшаб авлоддан авлодга утиб келди, аммо йук булиб кетмади. Мустакилликка эришгач бу одатлар, удумлар, қадриятлар янада мукамаллашган ҳолда ривож топмоқда. Ўзбек халқнинг ана шундай маросимлардан бири - туй маросимидир. Туй - ҳаётнинг қатташодидеънаси бахт саодати ва фаравон турмушнинг гузал рамзи, инсон умрининг гултожи, ҳаётнинг энг бахтли онидир. Дунёдаги барча халқларда туй утқизиш удуми булиб, унинг моҳияти инсон моҳияти - ҳаётдаги муҳим воқеаларни тантана қилишдир. Ўзбек туйлари турли қуринишда булади. Улар "Бешик туйи", "никоҳ туйи", "суннат туйи" ва бошқалар. Туйларда тарбиянинг аҳамияти қатта булган, миллий расм-русумлар ҳам кенг урин олмоқда. "Суннат туйи" ўзбек халқининг қадимий анъаналаридан булиб, у мусулмончилик рамзидир. Шу бойис "Суннат туйи"лари ўзбек хонодонларда жуда маълум кун белгиланган ҳолда, одоб ахлоқ, тартиб қоида, интизом билан нишонланади. Туй маросимларида иштирок этиш одобини, аввало оилада ота, қолаверса мактабда уқитувчи устозларнинг ургатишлари ҳам фарз, ҳам қарз. Демак, ҳар бир кишининг тую тантаналарида байрамларида узини қандай тутиши, қийиниши, одоб ахлоқи орқали унинг қимлигини биллиб олиш мумкин экан.

ИНСОН ҚАМОЛОТИ УЧУН ЗАРУР БУЛГАН АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТДИР. (МАДАНИЙЛИК, ЖИСМОНИЙ БАРҚАМОЛЛИК ВА БОШҚАЛАР).

Инсонни чинаккам инсон қиладиган нарса унинг яхши фазилатидир. Боланинг ақлий ривожланиши, иродаси, ҳулқ атвори, умуман ахлоқий фазилатлари тарбия орқали шаклланади. Боланинг қим булиб етишиши унинг насл насабига эмас, балки унга бериладиган тарбияга боғлиқдир. Болани шундай барқамол киши булиб тарбиялаш учун уқитувчининг узи чуқур билимга эга, қобилиятли ва юксак ахлоқий фазилатли булиш керак. Маданийлик инсон ҳуснининг шартларидандир. Буларсиз инсонда на гузаллик бору ва на адабийлик. Дарҳақиқат, Ҳар бир одам ҳулқ атвори, ҳатти ҳаракати юриш-туриш, демак, маданий савияси жиҳатдан эл орасида ё яхши, ё ёмон ном қолдиради. Ҳурмат билан тилга олинишга ҳам одамнинг узи сабабчи. Одам боласи дунёга қатти яхши отлик булиш учун яъни, яхши фазилати, адолати, маданияти билан бошқаларга иборат булиш учун, бошқаларни яхши йулдан эргаштириб бориш учун қелади. Яхши фазилат шундай улуг нарсаси, уни ҳаётнинг маънавий ҳазинаси деса булади. "Инсон деганда биз маънавий бойлик ҳазинасининг ажойиб соҳибқиронларини тутамиз.

Эл орасида одам қаддини расо қилиб тутдирадиган фазилат дурдоналаридан бири маданийликдир. Одам шу яхши фазилатга эга булса, у ҳар қадамда қоқиниши, эл назаридан қоқиниши мумкин. Маданият магазинда сотилмайди, шунингдек, етуклик шаҳодатнома сизга ёки дипломга "Бу киши маданиятли" деб ёзиб қуйилмайди. Бу юксак ҳуқуқни одамга унинг ҳаётда тутган урни, меҳнати, ҳулқ атвори беради. Одам боласига сув, ҳаво, қуёш қанчалик зарур булса, унинг чинаккам инсон булиб яшаши учун ҳам ҳусусан маданиятнинг мана шу дурдонаси шунчалик зарур. Олижаноб фазилат ва сифат эгаларини яъни улуг инсоний маданиятга эришиши учун узида вақт ҳам қуч ҳам топа олган кишини чинаккам маданиятли деса булади.

Одам боласи билими, таҷрибаси, шижоати, ташқи қиёфаси билан кишида ҳавасу йотиш мумкин. Лекин ахлоқи бузук ҳулқи ёмон булса, бу яхши сифатларнинг ҳаммаси бир пул булиб қолади. Шунинг учун ҳар қим одамлар назаридан қолмасликка, бирон ноҳуя ҳаракат ё ҳуқуқ суз билан узини бадном қилмасликка тиришади. Уни шундай қилитишга ахлоқ шартли мажбур қилади.

Одам боласи инсоний гузаллик учун қурашиши, шу олий мақсад йулида қарчамай қурашиши керак. Чунки инсонга ҳақиқий ҳусунни инсоний ҳулқ атвор, инсоний фазилат беради. Бундай гузаллик инсон тириклигида ҳам дунёдан утганда ҳам, унинг айнимайдиган ҳусни, адабий сиймоси булиб қолади.

Инсоннинг қамолоти га эришишда жисмоний барқамоллик қамалоҳида урин тутади. Киши жисмоний тарбияга, саломат ва баққуват жасур ва эпчил булиб тарбиялашга қатта эътибор бериш керак - болаларнинг тоза ҳавода булишлари, атроф табиат гузулликларидан эстетик завқ ола билишларига ҳам аҳамият бериш лозим. Болаларни жисмоний тарбиясида турли ҳаракатли уйинлар қатта урин тутади. Ҳаракат ҳар бир киши учун зарурдир. Шунинг учун болаларнинг жисмоний қиниктиришда уларни айрим уйинлар билан машғул қилиш фойдалидир. Уларнинг дойим бир жойда

утиришлари, ҳаракат қилмасликлари уларни баданларини заиф бўлишига олиб келади. БУ уйинлар орқали болага ҳаётни ургатиш ақлий ва ахлоқий тарбия ҳам бериш мумкин, асосий болани жисмонан чиниктирилади.

Болаларнинг соғлом ва жисмонан етук бўлишлари учун тозаликнинг аҳамияти беъкиёсдир. Ифлослик ҳар қандай беморликни келтириб чиқарадиган манбаа бўлиб, ифлослик катталарга нисбатан болаларга ун баробар зиён етказади. Шунинг учун болалар ҳамиша тоза жойларда, соф ҳавода юришлари керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Мустақилликка эришганимиздан кейин таълим тарбия соҳасида қандай ўзгаришлар юзага келди?
2. Ёш авлодга шарқона урф-одатларимизни таъбири қандай?
3. Инсонни қинакам инсон қиладиган нима?
4. Болаларни етук, барқамол бўлиб етиштиришда жисмоний тарбиянинг роли қандай?
5. Маданият билан тарбия бир бири билан боғлиқми?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Таълим-тарбия, шарқона урф-одатлар, табиат, ижтимоий тарбия.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. "Педагогика тарихи" К. Хошимов, С. Нишонова 1996 йил.
2. "Педагогика" А. К. Мунавваров. Т. 1996 йил.
3. "Педагогик ихланиш" Н. Иванов. 1990 йил.
4. "Одобнома" О. Тураева, А. Назаров. 1997 йил.

МАВЗУ № 7:УЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚ ТАЛИМИ ТИЗИМИ.

РЕЖА:

- 1.Халқ таълими хақида тушунча.
- 2.Узбекистон ҳудудида халқ таълими тизимининг вужудга келиш тарихи.
- 3.Узбекистон халқ таълими тизимига тавсиф.

ХАЛҚ ТИЗИМИ ХАҚИДА ТУШУНЧА.

Халқ таълими тизими деб муаян мамлакатнинг ички ва ташқи таракқиётига таъсир курсатувчи ҳамда маълум бир коидалар асосида ташкил этилган барча таълим-тарбия муассасаларининг тузилишига айтилади.

Таъли инсоният тажрибасини маълум томонларини,яъни укувчилар ижтимоий таракқиётининг ҳозирги талабаларига мувофик даражада билим ва тарбияга эга булишларини таъминлайдиган фаолиятдир.

УЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШ ТАРИХИ.

Узбек халқи тарихан таълим-тарбия соҳасида узига хос дорилфунин яратган.Хатто ҳозирги узбек халқи яшаб турган заминга заридуштилик дини кенг ёйилган даврда ҳам некбин педагогик мафкурса су4рган.Бу зардуштийлик динининг мукаддас китоби "Авестонинг" бизгача етиб келган айрим саҳифаларида уз ифодасини топган.

Илму-фан аввал Шарқда таракқий этган,бир фикрлилик биздан бошланган."ШАРҚ ЕВРОПАНИНГ МУАЛЛИМИДИР" деганда ҳақ эди олмон олими Херлер.

Арсларда марказий осиюнинг араблар фатҳ эгач,ислом дини асосидаги сифат жихатидан янги тизимдаги эга булган таълим тарбия муассасалари вужудга келди.Араб тилини урганиш жорий этилди.Ислом дини етиб борган ерларга мачитлар улар қошига эса угил боблалар учун мактаблар ташкил килинди.

Араб булмаган ҳолларда ислом динини асосларин ургатиш масаласида марказий осие мактабларида "ХАФТИЯК","ЧОР КИТОБ" каби дарсликлар кенг таркатилади.Асрдан бошлаб ислом динини туркий тилларда езилган асарларда ҳам оммалаштириш бошланди.Ислом тариккасида Аҳмад Яссавийнинг "ХИКМАТ" асарини келтиришимиз мумкин.

1917 йил тушунтиришдан сунг марказий осиеда учта республика ташкил топди.

Янги шуру ҳукумати аввалги таълим,тизими укув-тарбиявий ишларни ислох қилиш,халқ маорифи тизимининг янги шаклини жорий этиш юзасидан бир катор вазифаларни белгилаб берди.

Бундай тадбирларни амалга ошириш Туркистонда халқ комиссарлари советининг 1918 йил 14 майдаги декрети асосида бошланди.Халқ маорифи тизими тасдиқ этиш Республика халқ маорифи коссарлигига ва унинг маҳалий советлар ҳузуридаги булимлариюкланди.Укувчилага илм - фаннинг зарур асослари билан бир каторда меҳнат куникмаларини ҳам бера оладиган ягона шуру "Меҳнат мактаби" халқ маорифи учун асосий негиз қилиб олинди.Лекин янги мактабларни вужудга келтириш бир қанча муаммоларга дуч келди.Айниқса,укитувчининг етишмаслиги,дарсликларнинг ва мактад жихозланинг йуклиги ишларни қийнлаштирди.

Туркистор республика халқ комиссарлари совети 1918 йил май ойининг бошида мактаб тубдан қайта қурилди,деб эълон қилди.

1917 йил тунтаришгача мавжуд мактаб ва умуман болалар ҳамда усмирларни укутиш ишининг ташкил этилишига хос булган синфий табақавийлик ҳамда камситувчиликни тезроқ бартараф этиш мақсадида шунга қарор қилдинди.Бу хақида чиқарилган ҳукумат мурожатномасида "Улка советлари съездининг иросдасини бажара бориб,дархол ягона ва ҳамма учун очик мактаб ташкил этишга қиришилди.Барча қириш имтихонлари бекор қилинди.Ҳамма босқич ва идора мактаблари эндиликда ёши,миллати ва динидан қатий назар уқишни истаган ҳамма қишилар учун очиб қуйилди" дейилган эди.

1918 йилнинг августида эса Туркистон республикасининг марказий ижроя қомитети мактабларида укувчиларин уз она тилида укутишга утиш тургисида декрет чиқардики бу улқа халқлари миллий маланиятлари,истикболи учун халқ қилувчи аҳамият қасб этди.

1918 йил ноябрь ойида халк маорифи кенгашлари укув юртларини, уларни турларини ҳисобга олган ҳолда, руйхатдан утказдилар ва шу асосида янги мактаблар очиш ҳамда уларни жойлаштириш эҳтиёжлари тугрисидаги таклифларни ишлаб чиқдилар.

Мактабларни ташкил этишда маҳалий аҳоли орасидан биринчи бўлиб етишиб чиққан муаллимлар Х.Х.Ниёзий, А.Авлоний, А.Шакурий, А.Фитрат, И.Рахматуллаев, И.Ибрат, Т.Н.Кори Ниёзий, Мунаввар Кори, И.Комилов, Т.Шермухамедов, О.Шарофидинов сингари зиёлилар фаол катнашдилар.

РСФСР халк комиссарлари советининг 1920 йил 7 сентябрдаги декретига биноан Тошкентда халк университети негизида Туркистон давлат университети (ҳозирги ТошДУ) ташкил этилди.

У улкада юкори малакали мутахассислар тайёрлаб берадиган чинаккам манба ва олий таълимни ривожлантириш учун негиз бўлиб қолди.

ТАВСИФ.

Октябр тунтаришдан ҳозирги давргача халк таълими тизимида куп узгаришлар юз берди. Жумладан, 1929 йили араб графикасида имломиздан лотин графикаси, 1941 йилда эса Кирил графикаси утилди. Турли куринишидаги урта, урта махсус ва олий укув юртлари очилди. Хунар техника таълим мактабалари купайтирилди.

Республикамиз учун 1958-1973-1984 йилларда халк таълими тизими юзасидан қабул қилинган қарорлар муҳим аҳамият қасб этди, лекин улар ушиб келаётган ёш авлоднинг халк таълимига бўлган эҳтиёжини қондира олмади.

1941 йил 1 сентябрда республикамиз ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Истиклол эълон қилинди.

Шу муносабат билан жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб биринчи навбатда мустақил республикамизнинг халк таълими соҳасида ислохот утказиш масаласи кутарилди. Нихоят, Ўзбекистон республикаси Олий Кенгашининг 1992 йил 2 июль қарори асосида Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тугрисида"ги қонуни таълим тизимини жиддий янгилашга сабаб бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан фарқли уларок, халк таълими тизими тузилишининг қуйидаги янги қоидалари жорий этилди ва бажарилиши мажбурий деб қайт этилди.

1. Таълим ва тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда демократлиги.
2. Таълим тизимининг узликсизлиги ва исчиллиги.
3. Давлат таълими тизимининг илмийлиги ва дуневийлиги.
4. Таълимда умуминсоний ва миллий-маънавий кадрларнинг устиворлиги.
5. Давлат таълим стандартлари қондасида таълим ҳаммани олиши учун имконият яратилганлиги.
6. Таянч таълимнинг мажбурлиги.
7. Таълим маънавий ва жисмоний тарбия дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ендашув.
8. Билимдонлик ва истедодни рағбатлантириш.
9. Таълим муассасаларида чет тилини урганиш, дин тарихи ва жаҳон маданияти соҳасида билим олиш учун шароитлар яратиш.
10. Таълим муассасаларининг сиёсий партиялари ва ижтимоий сиёсий ҳаракатларидан холи бўлиш.
11. Тарбияланувчилар ва таълим олувчиларни ҳурматлаш.
12. Педагог шахсини, унинг ижтимоий мавқеини ҳурматлаш.
13. Амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликни барча шаклларида таълим муассасаларининг ҳуқуқлиги, уларни мустақиллиги.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан она тилини чуқур урганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан ташқари мустақиллик йилларида Лотин графикаси ёзувига босқичма-босқич утилмоқда. Айниқса, таълимни ислох қилиш жараёнида Тест, Рейтинг усулларни қулланилиши иқтидорли болаларни аниқлаш ва уқитишда муҳим рол уйнайди. Мустақиллик йилларидаги муҳим воқиялардан бири яъни 1997 йил Олий Мажлиснинг IX сессиясида "Таълим тугрисидаги" Қонун ва "Қадрлар тайёрлаш миллий дастур"ни қабул қилиниши бўлди. Бу асосида таълим тизими босқичма-босқич ислох қилинади. Президентимиз

И.Каримов тасдиқлаганидек, "Ҳаётимизни хал қилувчи муҳим масалалар қаторида таълим-тарбия тизимини тубдан узгартириш, уни янги замон талабига қутариш, барқамол авлодимиз келажагига дахлдор қонун-лоихалари ҳам бор"-деган эди.

Бу муҳим ҳужжатлар асосида таълим тизимида катта узгаришлар содир бўлмоқда. Бу жараёнда, давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилади. Қадрлар тайёрлашни миллий модели

яратилди. Урта махсус касб хунар таълими, узлуксиз таълимни бир тури сифатида янги таълим йуналишларини яъни академик лицей, касб-хунар коллежларини барпо килди. Олий таълим хам икки боскили, яъни бакалаврият ва магистратурада иборат кайта тузилди.

Бу узгаришлар педагогика таълимнинг хам назарий хам амалий муаммоларини илмий асосда ишлаб чиқишни, педагогикага доир замонавий илмий ишлар, дарсликлар, кулланмалар яратилишни таказо килади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Халк таълими тизими деганда нимани тушунасиз?
2. Узбекистонда халк таълими тизими кай холда вужудга келган?
3. Кимлар янги мактабларни ташкил килишда уз хиссаларини кушган.
4. Нечанчи йилда "Таълим тугрисидаги конун" жорий этилади.
5. Халк таълими тизими уз ичига кандай коидаларни олган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Халк таълими тизими, худуд, хурфикрлилик, мактаб, муаллиф.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. "Педагогика" А.К. Мунавваров умумий тахрир остида. Т. 1986 йил.
2. "Педагогика тарихи" К. Хошимов, С. Нишонов Т. 1996 йил.
3. "Таълим тугрисида Узбекистон Респубикаси Конуни", "Маърифат" журнали 1992 йил.
4. "Таълим тугрисида Узбекистон Респубикаси Конуни", "Маърифат" журнали 1997 йил.

МАВЗУ № 8: УКИТУВЧИ ВА УНИ ЖАМИЯТДАГИ УРНИ.

РЕЖА:

1. Урта осие мутаффакирлари ижодида уқитувчи сиймосини тараннум этилиши.
2. Уқитувчи-устозга хос сифатлар.
3. Уқитувчи-устоз халкнинг ифтихори, давлатнинг ишончи, таянчи эканлиги.

УРТА ОСИЁ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА УКИТУВЧИ СИЙМОСИНИ ТАРАННУМ ЭТИЛИШИ.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач халқ таълими соҳасига жуда катта эътибор бера бошланди. Чунки келажакимиз пойдевори булган ёшларни тарбиялашустоз-уқитувчиларнинг кулидадир. Шу сабабли ҳам Президент И.А.Каримов 1995 йил февраль ойидаги Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг 1 сессиясидаги маърузасида кўйидаги сузларни таъкидлади: "Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсадида юртимизда яшаётган барча фуқоролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилишдан иборатдир. Айнан шу учун ҳам маънавий жихатдан ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш гоёсини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолади".

Албатта биз юқоридаги вазифаларни амалга оширишда Урта Осиеда яшаб ижод этган мутаффакирларимизни бой меросларидан фойдаланмай иложимиз йўқ. Шулардан: Ал Хоразмий, Фаробий, Ал Фарғоний, Ал Беруний, Ибн Сино, Аз-Замахшарий, Козизода Румий, Мирзо Улугбек, Али Кушчи, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур каби мутаффакирлар яшаб ижод қилганлар. Бу алломалар узларининг ижодларида уқитувчи уз устозларига сиймоларини тараннум этганлар.

Мирзо Улугбек узининг асосий асари бўлмиш "Зижи" фақат Козизода Румийнинг "Устозим" деб айтади. Козизодани "Ўз даврини Афлотуни" деб айтади.

У Самарқанда дафн этилган бўлиб, Козизодага юксак баҳо берган. Улугбекнинг фармонида кура унинг устига макбара қурилган. Бу макбара Шоҳи Зинда макбаралари яқинида жойлашган.

Улуг мутаффакир Алишер Навоий уз асарларида муаллимлар, мударислар, ҳамда устоз-мурабийларни мадҳ этади. Масалан: "Махбуб ул-қулуб" асарида уқитувчи меҳнатини огирлиги, Мурабий хақини холисона баҳолайди.

Унинг иши одам қулидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам била билмас. Бир қучли киш бир ожиз ёш болани саклашга ожизлик қиларди, у эса бир тудга болага илм ва одоб ургатади, қурқим бунга нима етсин. Шуниси ҳам борки, у тудда фахм-фаросати озлар булади, ундай кишига юзларча машаққат келса қандай булади. Хар қандай булса ҳам, ёш болларга унинг хақи қудир. Агар шоғирд подшоҳликка эришса ҳам унга қуллуқ қилса арзийди.

ХАК ЙУЛИДА КИМ СЕНГА
БИР ХАРФ УКИТМИШ РАНЖ ИЛА,
АЙЛАМАК БУЛМАС АДО
ОНИНГ ХАКИНГ ЮЗ ГАНЧ ИЛА.

Алишер Навоий уқитувчининг хурматини қанчалик жойига қуйса, унга булган талабни ҳам шунчалик оширади. Айниқса, мадраса мударисларининг билимли, фозил ва доно, қамтар маънавий пок бўлишларини талаб этади. "Мударис керакки, гарази мансаб булмаса ва билмас айтишга илмни айтишга уринмаса, ман-манлик учун дарс беришга хавас қурғазмаса ва огирлик учун гап суз ва гавго юргизмаса, нодонликдан салласи ва печи узун булмаса, гердаиш учун мадраса айвони боши унга урин булмаса...

Ярамастардан қурқса ва нопокликдан қочса, наинки узини олим билиб, неча нодонга турли хил фиск ишларини мумкин, балки ҳалол қилмас ишларники қилмоқ ундан содир булса ва қилар ишларни қилмаслик унга қойда ва одат бўлиб қолса бу мударис эмасдир, ёмон одат тарқатувчидир".

Алишер Навоий устозларини қанчалик хурмиат қилиш хақида бир қанча ривоятлар бор. Шулардан бирини келтирамиз: Бир қуни Навоий уз мулозимлари билан отда сайир хила ёрган экан, олдиларидан бир бола чикиб қолибди. Навоий отдан тушиб болага салом берибди, бу қолдан хайрон булган мулозимлар Навоийдан: - Устоз, нима учун ёш болага отдан тушиб, биринчи бўлиб салом

бердингиз,-деб сурашибди.Бубола устозимни фарзанди,мен устозимни канчалик хуррмат килсам,у-нинг фарзантларини хам шунчалик хурмат киламан",-деб жавоб берибди.

Булардан ташқари улуг олим Жалолиддин Давоний хам уз асарларида уқитувчи,мураббийларга алохида тухталган.Бола тарбиясида бир каторда мактабга чиккадан сунг муаллим хам жавобгар саналади,дейди олим бунинг учун муалимнинг узи хам яхши тарбия топган булиши шарт.Шу уринда Давоний муаллимнинг хаслатларига,бола ва унинг уртасидаги муносабатларида алохида эътибор беради. Давоний муаллимни "Маънавий падар"деб атайди. Чунки ота-болани жисми хаётга келтириб,уни жисмоний тарбияласа,муаллим уни маънавий жихатдан камолотга етказди дейди олим.Рух канчалик болга якин турса, муаллим хам тарбия борасида ота-онага шунчалик якин деб курсатади. У ота она тарбияси билан муаллим тарбиясини таккослар экан,муаллимнинг усули методлари ота-онаникидан юкорирокдир деб таъкидлайди. Чунки ота-она таълим-тарбия усуллари методлари билан муаллимчалик куроланмаган булади. Муаллим эса,тарбия бериш билан бирга илм чуқкиларини эгаллашда хам захмат чекади,шогирдларни олганг таълим-тарбияси умрбод унинг хаёт йулини беради деб атайди.

Кошифий энг аввало олимларнинг жамиятдаги урнига катта бахо беради,устозларни кадрига етиш зарурлигини уқтиради, 2чидан устозга хурмат,одоблилик намунаси сифатида хам каралади.

Воис Кошфий инсонни билим оркали тарбиялаш,унинг аклий фаолиятини устириш мумкин деб билимни инсонни шакллантириш мезони сифатида карайди.Шунинг учун хам болага тарбия берадиган муаллимнинг хам билимли,доно,ахлокан юксак булишини таргиб килади.Шунингдек хар бир муаллим таълим тарбия йуллари,улубини яхши билиши зарур деб айникса муаллим мурабийнинг мулойим,хушфел булиши зарурлигини уқтиради.

УКИТУВЧИ-УСТОЗГА ХОС СИФАТЛАР.ИЖОДҚОРЛИК,ТИНИМСИЗ ИЗЛАНИШ УЗ МАХОРАТИНИ ОШИРИБ БОРИШ.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида уртага куйилаётган вазифаларни бажариш куп жихатдан уқитувчига боглик.Янги иқтисодий сиёсатга утиш шароитда таълим-тарбиядан кузда тутиладиган максадларга эришиш уқувчиларни хилма хил фаолиятларини уюштириш,уларни билимли,одобли,эътиқоди,мехнатсевар,баркамол инсон килиб устириш уқитувчи зиммасига юклатилади.1997 йил 29 августдабулиб утган Республика Олий Мажлиси 9 сессиясида Президент И.А.Каримовнинг тарбиячи-уқитувчиларни замонавий билимга эга булиши, уларни маълумотини,малакасини ошириш кераклиги хақида таъкидлади.1997 йил 29 август куни қабул килинган "Таълим тугрисидаги" конунда хам юкорида таъкидланган масалалар киритилди.Шу йилдан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларда уқиш янги алифбода олиб борилди.Янги имло,алифбода уқитиш учун зарур дастур,кулланма ва дарсликлар яратилди.Шунинг учун хам уқитувчи уз махоратини хам ошириб бориш,ижодкор булишлигини давр тараккий этади.

Уқитувчилик шарафли лекин жуда мураккаб касбдир.Яхши уқитувчи булиш учун педагогик назарияни эгалашни узигина етарли эсам.Чунки ипедагогик назарияда болаларни уқитиш ва тарбиялаш хақида умумий конун-қоидалар,умумлаштирилган усул ва гоюлар баён этилади.Уқувчиларни ёш индивидуал хусусиятларни этиборга олиш таъкидланади.Мактаб хаёти,амкалий педагогик жараён эса жуда хилма-хил.Педагогик назарияга мос келмайдиган назариялар учраб туради.Бу эса уқитувчидан кенг билимдонликни пухта амалий тайёргарлик,юксак педагогик махорат ва иждоқорликни таълиб этади.

Педогогик,уқитувчилик фаолиятини,ёшларни уқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш,ота-оналар ва болаларнинг иззат хурматида сазовор булиш учун кишида бу ишга лаёкат,қобилият,қизиқиш булмоги лозим.Бошка касблар қаби уқитувчилик касбига хам ёшлар орасида педагогик аолиятга лаёкатли,болалар билан тил топишиб муаммола киладиган,илимли кишиларни танлаб олиш керак.Педагогик касбини танлаган киши энг аввало соғлом булиши,сузларни тугри ва яхши талаффуз кила олиши,асаблари жорйида,вазмин бу4лиши даркор.Шунингдек болаларни ёктириши,улар билан бирга ишлашга мойилиги борлиги,бошкалар билан мулоқот кила олиши,хушмуомалалиги,кузатувчанлиги,кенг фикирлай олиши,узига ва бошкаларга нисбатдан талабчанлиги хам кишининг педагогик ишга яроклигини курсатади.

Муваффақиятли ишлаш учун хар бир уқитувчи педагогик махоратга эга булиши хзарур.Педагогик махорат эгаси оз мехнат сарф килиб,катта натижага эришади.Иждоқорлик хамиша унинг хамкорлигибулади.Педагогик ишга қобилиятли,истеъдодли кишиларгини педагогик махорат

булиши мумкин.Укитувчилик касби бир қолибда ишлашни замон таълабидан ортида қолишни ёктирмайди.Умрини шунга тиккан одам уз тарбияланувчиларида етиштиришни истаган фазилатларни хаммаигузи эга булиш керак.Янгича одамни факат янгича тарбиялаб устириши мумкин.Бизнинг жамиятда укитувчи - болаларни келажак хакидаги орзу-умидлар билан рухлантириш келажак идеалларни хозирдан мустахамлашни уларга ургатиш учун келажак болалар қошида келган киши.Укитувчини узи бир шахсият булиши керак,негаки шахсиятни факат шахсиятгина тарбиялаб бериши мумкин;Унинг узи юксак инсонпарварбулиши керак,негаки болага инсонпарварликни калб мехригина бериши мумкин;у албатта кенг маълумотли ва ижодий киши булиши керак;негаки билим иштиёкини факат шу иштиёкда енган кишигини ёкиши мумкин;укитувчи Ватанпарвар булиши керак,негаки Ватангша мухабатни уз юртини сеган кишигина йуготиш мумкин.Укитувчи болаларга муносабатда сохталик,носамимийлик булишига, куполлик сабрсизлик,каҳр-газаб булишига йул куймаслик керак. Тез-тез овозини балантлатиб турадиган,узини тутолмай қоладиган педагог-укитувиларни хушмуаммолали ва мехрибон булишга ургатилмайди.

Кичик мактаб ёшида болалар учун энг катта обр-буукитувчи. Кичик ёшли укувчилар уз укитувчиларга,унинг билимига,жанжаллик масалаларни хал этишдаги,улардан хар бирини хатти харакатини ва ютуқларини бахолашда адолатлилигига ишонадилар.Укитувчининг биринчидан болалар уртасидаги уз обрусини саклаши ва мустахамлаши, иккинчидан болалар уртасидаги шахсиятини шакллантиришга яхши таъсир курсатиш учун уз обрусидан фойдаланиш жуда мухимдир.

Суюкли укитувчи билурдай тиник,топ-тоза шиша булиб,хаётга шу оркали карайди,укувчила укитувчининг болаларни,уларни хаммасини ва хар бирини тушуниш махоратини сезишлари керак.Укитувчи укувчилари билан мулоқотда булиш нақадар кизик ва кувончли эканини,унинг хамма вақт ёрдамга келишини, уларни ютугидан кувонишини, брин мувоффақиятсизлик булса,далда беришини сеза боришлари керак.Укитувчини олий химмат,яхши,куйинчак,мехрибон эканини сезишлари керак.Укитувчи талабчан булиши,унинг олдида болалар узини гайри-табиий килиқларидан, ёмон уринишларидан,тутиб турадиган булишлари керак.Болалар бир бирини тушиниш,дустлик,узро ёрдам мехрибонлик ва куйинчаклик рухи батамом укитувчига,унинг укувчи билан муамоласи инсонилигига боглик.

УКИТУВЧИ-УСТОЗ ХАЛКИНИНГ ИФТИХОРИ,ДАВЛАТНИНГ ИШОНЧИ,ТАЯНЧИ ЭКАНЛИГИ.

Мустакил Узбекистонимизда ислохотлар тобора кенг кулоч ёймоқда Республикаимизнинг ижтимоий иқтисодий камолоти ёш авлоднинг сайи харакатларига боглик эканлиги энди хеч кимга сир эмас.Усиб келаятган ёш авлод болаларни келажакда кандай касб эгаллашларига караб,Республика келажакгини тасаввур килса булади.Келажак ёшларникидир.Ёшлар фаолияти фаровон хаётимиз мезонидир.Худди шу маънода ёшларнинг таълим тарбиясига жиддий эътибор бермогимиз лозим.Ёшлар таълим тарбияси ота-онанинг,укитувчи тарбиясининг Ватан олдидаги муқаддас бурчларидир.

Узининг фидокорана меҳнати билан ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш сифатини оширишга катта хисса кушиётган жодкор укитувчилар сони йил сайи ортиб бормоқда.Айниқса,ислохотлар даврида бундай мураббийлар эл-юртга танилмоқда.Укитувчиларга "Методист укитувчи" "Катта укитувчи", "Узбекистонда хизмат курсатган укитувчи","Узбекистон халқ укитувчиси" унвонлари берилмоқда.Халқимизнинг келажакдаги мустакил Узбекистоннинг истикболи куп жихатдан укитувчига, унинг саиясига тайёргарлиги, фидоийлиги, ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш ишига булган муносабатига боглик.Шунинг учун хам мустакил Узбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган укитувчи:-педагогик фаолиятга қобилиятли, ижодкор, ишбилармон;

- Миллий маданият ва умуминсоний кадрларини,дунёвий билимларини муқаммал эгаллаган,диний илмлардан хам хабардор,маънавий барқамол.
- Узбекистоннинг мустакил давлат сифатда тараккий этишига ишонадиган, Ватанпарварлик бурчини тугри англаган;
- Ихтисосга доир билимларини,психологик,педагогик билим ва махоратни, шунингдек назарий илмларни муқамаллаган;
- Укитувчилик касбини ва болаларни яхши курадиган;
- Эркин ва ижтимоий фикирлай оладиган, талабчан, адолатли,одобли булмоғи даркор.

Педагогик фаолият ёш авлодни ҳаётга, меҳнатга тайёрлаш учун халқ олдида, давлат олдида жавоб берадиган, болаларга таълим тарбия беришга махсус тайёрланган одамларнинг муҳим фаолиятидир. Мактаб уқитувчиларининг фаолияти инсон шахсини шакллантиришга қаратилган.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Ёшларни тарбиялашда устоз ва уқитувчиларни роли.
2. Педагогика фанига Урта Осиё мутаффакирларини қўшган ҳиссалари.
3. Илгор педагог бўлиш учун қандай ёшлар танлаб олинishi керак?
4. Мустиқликка эришганимиздан сунг маҳоратли педагогларга курсатилган гамхурликлар.
5. Уқитувчи бўлиш учун у албатта дуневий илм билан бирга диний билимга ҳам эга бўлиши зарурми?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Маънавият, муаллим, мударис, таълим-тарбия, дуневий билимлар, ижодкорлик.

АДАБИЁТЛАР:

1. А.К. Мунаввор "Педагогика" Т. "Уқитувчи" 1996 йил.
2. К. Хошимов, Нишонова, Иномова, Хасанов "Педагогика тарихи" Т. 1982.
3. Амоношвили Ш.А. ва бош. "Педагогик изланиш" Т. "Уқитувчи" 1990 йил.

МАВЗУ № 9: БОШЛАНГИЧ СИНФ УКИТУВЧИСИНИНГ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА СИФАТЛАРИ.

РЕЖА:

1. Укитувчи-устознинг асосий вазифалари: таълим бериш, укувчиларни хар томонлама камол топтириш, тарбиялаш.
2. Укитувчи-устознинг илмий-методик изланиши.
3. Бошлангич синф укитувчиси махоратининг шаклланишининг асосий боскичлари. (Илгор педагогик тажрибаларни урганиш).

УКИТУВЧИ - УСТОЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ: ТАЪЛИМ БЕРИШ, УКУВЧИЛАРНИ ХАР ТОМОНЛАМА КАМОЛ ТОПТИРИШ, ТАРБИЯЛАШ.

Узбекистон мустакилликка эришгач халк таълими соҳасига жуда катта эътибор берилди. Чунки келажакимиз пойдевори булган ёшларни тарбиялаш устоз-укитувчиларини кулидадир. Республикаимиз ҳукумати халк таълими соҳасида қуяётган вазифаларни бажариш куп жихатдан укитувчига боглик. Янги иктисодий сиёсатга укиш шароитида таълим-тарбиядан кузда тутилаётган максадларга эришиш, укитувчиларнинг хилма-хил фаолиятини уюштириш, уларни билимили, одобли, этикодли, меҳнатсевар, баркамол инсон килиб устириш укитувчи зиммасига юклатилган.

Укитувчи хакида хар канча гапирсак, уни хар канча мадх этсак-да оз. Негаки илк бора кулимизга калам тутказиб, алифбодан сабоқ берган хам ана шу улуг зотдир. Укитувчи укувчига нафакат таълим беради, уни камол топтириш учун кулидан келган барча ишларни килади, тарбияни хам дарс мобайнида тенг олиб боради.

Укитувчининг куёшга ухшатиш мумкин. Чунки устозлар хам куёш сингари уз зиёси билан барчани ва бутун коинотни мунаввар этади, хаммани калбида илм чирогини ёкади.

Укитувчи-устозни вазифасини куйидаги турт катор шеър оркали тушуниб олиш хам мумкин:

Сизнинг таълимингиз олмаган ким бор,

Сизку юракларда илм зиё ёккан.

Олим-ми, шоирми ёки санаткор,

Илк бор сизга томон устоз деб боккан.

Узини фидокорона меҳнати билан ёш авлодни укитиш ва тарбиялаш сифатини оширишиб катта хисса кушаётган ижодкор укитувчилар сони йил сайин ортиб бормокда. Айниқса ислохатлар даврида бундай мураббийлар эл-юртга танилмокда.

Укитувчилик касби шарафли, лекин жуда мураккаб касб. Яхши укитувчи булиш учун педагогика назариясини эгаллашни узигина етарли эмас. Чунки педагогик назарияда болаларни укитиш ва тарбиялаш хакида умумий конун-қоидалари умумлаштирилган усулларда баён этилади. Укитувчиларни ёш индивидуал хусусиятларини этиборга олиш таъкидланади. Мактаб хаёти, амалий педагогик жараён эса жуда хилма хилдир. Педагогика назарияларига мос келадиган ва келмайдиган вазифалар учраб туради. Бу эса укитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик махорат, ижодкорликни талаб килади. Шунинг учун хам мустакил Узбекистонимизнинг умумий таълим мактабида ишлайдиган укитувчиларига турли талаблар куйилмокда.

- педагогик қобилиятга эга, ижодкор, ишбилармон;
- миллий маданият ва умуминсоний кадрларини, дуневий билимларини мукаммал эгаллаган, маънавий баркамол;
- Узбекистоннинг мустакил давлатлигига ва тараккиёти хали юксалишига ишонган, ватанпарварлик бурчини тугри англаган, этикодли фуқаро;
- ихтисосга доир билимларни, психологик ва педагогик билим ва махоратга мукаммал эга булган.

Халқимизда: "Устоз отангдан улуг"-деган гаплар бежиз айтилмаган. Шохми, гадоми, Олимий, дехканми хамма-хамаси устозлар кулида таълим олади.

УКИТУВЧИ-УСТОЗНИНГ ИЛМИЙ МЕТОДИК ИЗЛАНИШЛАРИ.

Бирор касбнинг устаси булиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва рухий хислат жо булиши зарур.

Укитувчилик касбини эгаллаш учун аввало болаларни севиш, уларни тушуниш, характерларини билиш зарур. Укитувчи бу нарсалардан ташкари изланувчан, уз устида ишлайдиган, ижодкор булиши керак, чунки укувчиларга таълимни содда фикрлар оркали етказиш керак.

Укув материални укувчиларга тушунарли килиб баён эта олиши, укувчиларда муस्ताкил фикрлашга кизикиш уйготиш учун, дарсни кандай тушунтиришни ижод килиб яратади.

Укитувчи зарур холларда укув материални узгартириши, кийин нарсаларни осон, мураккаб нарсани оддий кийлиб тушунтириши керак. Бунинг учун укитувчи изланиши кандай усуллардан фойдаланса булишини аниклаб олиши лозим. Дарсни бир хил усулда олиб борилиши болаларни зериктириб куйиши мумкин. Шунинг учун турли кургазмали куроллар, турли уйинлар билан дарс услубини узгартириш керак.

Педагогик фаолият уз мохиятига кура ижодий характерга эга. Маълумки, инсон олдида бирор муаммо тургандагина ижодкорликка эhtiёж тугилади. Укитувчининг фаолияти ана шундайдир.

Педагогик ижодкорлик манбаи-бу педагогик тажрибадир. Педагогик тажриба муаммоли вазиятларга жуда бойдир.

Илгор педагогик тажриба деганда биз укитувчининг уз педагогик вазифасига ижодий ёндашишни, укувчиларнинг таълим тарбиясида янги самарали йул ва воситаларни кидириб топишни тушунаимиз.

Илгор педагогик тажриба укитувчи томонидан кулланадиган иш шакли ва усулида, услуб ва воситаларидир. Улар воситасида укув - тарбиявий ишларда энг юкори натижаларга эришади. Илгор педагогик тажрибани урганиш унга асосланиб янги педагогик ходиса ва конуниятларини очиш укв тарбия жараёнига яхши, сифатли узгаришлар киритади, укувчиларинг билим фаолиятини бошқариш янги куринишсидаги укув жараёнини моделлаштириш муаммоларини ечишга сабаб булади. Ижодий ишлайдиган укитувчи факатгина болаларни мувоффакиятли укитиш ва тарбиялаш, илгор укитувчилар иш тажрибаларини урганиш билангина чекланиб колмай, тадқиқотчилик куникма ва малакаларига хам эга булиши зарур. Хозирги замон фан ва техника тараккиёти укитувчининг ижодкор булишини, фаннин мухим муаммоларини эркин фикирлай олиши, ниҳоят укувчиларни хам ижодий фикрлашга хам, тадқиқот ишларига ургата олишини талаб килади. Шунинг учун укитувчи аввало тадқиқотчилик малакаларини эгаллаши зарур. Укитувчи илмий тадқиқот ишларини олиб бориш давомида омилларни туплайди, тахлил килади, улар асосида хулосалар чикаради.

Укитувчи фан хулосаларидан узининг амалий фаолиятида фойдаланиши жараёнида, узи турли усуллар ва методлардан фойдаланади.

БОШЛАНГИЧ СИНФ УКИТУВЧИСИ МАХОРАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ, АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ.

Мувоффакиятли ишлаш учун хар бир укитувчи педагогик махоратга эга булиши зарур. Педагогик махоратга эга булиши учун озмехнат сарф килиб катта натижага эришади.

Укитувчилик касбини битирган билан бу сохада ишлаш осон булмайди. Куп йиллар укитувчилик килгани билан махоратсиз укитувчилар хам булади. Укитувчи махоратли, укитувчи номини олиши учун уз устида доимо ишлаши керак. Махоартли укитувчилар дарсини кузатиб, уз дарсини унга таккослаб хулоса чикариш керак. Бошлангич синфларга дарс беришдан анчагина арк килади. Укитувчи улар учун тахлид киладиган идеал, намуна улар нусха олишга интиладиган ахлоқ сохиби хисобланади. Бошлангич синф укитувчиси доимо болалар орасида булиб, унинг харакатини назорат килиб боради, уз нутқини кузатади ва шахсий хулк адоби билан болаларди коллективдаги узаро муносабатларини тугри булишига даъват этади. Бошлангич синф укитувчиси укувчилар учун кизикарли ишларни ташкилотчиси ва ижрочиси ролини бажаради, чунки укувчилар хали куп нарса билмайди. У синфдан ташкари ранг баранг фаолияти жараёнида мехтансеварлик, ишда орқада колувчиларга ёрдамга кела олиши намунасини курсатади.

Агар мактабнинг бошлангич синфларида болалар коллективи билан олиб бориладиган барча тарбиявий ишни укитучи олиб борса, бошка синфларга директор буйруги билан мазкур синфларда дарс берадиган энг тажрибали педагоглар синф рахбарлари килиб тайинланади.

Кобилият фаолияти жараёнида пайдо булади ва ривожланади. Кобилият малака ва уддабронлик, машқ, укиш натижаси хисобланса, кобилиятнинг ривожланиши учун эса яна истеъдод, лаёкат ва зехн, яъни инсон нерв тизимида анатомио-физиологик хусусият булиши хам булиши зарур. Ана шу табиий заминда кобилият деб аталувчи рухий хусусият тараккий этади.

Билиш қобилияти - фаннинг тегишли соҳаларига оид қобилият-лдиридир. Бундай қобилиятга эга булган уқитувчи фанини уқувкурси хажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқуррок билади, уз фани соҳасидага кашфиятларини хамиша кузатиб туради, материални ипидан игнасигача билади, унга ниҳоятда кихзикади, оддий тадқиқот ишларини ҳам бажаради.

Тушунтира олиш қобилияти-уқув материални уқувчиларига тушунарли қилиб баён эта олиши уқувчиларда мустақил равишда фаол фикрлашда қизиқиш уйғотиш қобилиятидир. Уқитувчи зарур ҳолларда уқув материалнинг узгартила олиши, қийин нарсани тушунтира олиши, тушунарли қилиб уқувчиларга етказа олиши зарур.

Уқитувчи юқорида курсатилган қобилиятлардан ташқари бир канча ижобий сифатларига аниқ мақсадни кузлаш, камтарлик қабилар булиши керак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Бошланғич синфларни уқитишда педагогларнинг олдиға қуйилган вазифалари.
2. Уқитувчи ва унинг педагогик фаолиятидаги изланишлари.
3. Маҳоратли педагог булиши учун уқитувчиларға қуйиладиган талаблар.
4. Бошланғич синф уқитувчиси булимда назарияни эғашшашни узи билан ифояланиши зарурми?
5. Бошланғич синфларда уқув материалнинг роли.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Устоз, эътиқод, педагогик фаолият, миллий маданият, тадқиқот.

ФЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР.

1. А.К. Мунавваров "Педагогика" 1996 йил.
2. "Халқ таълими" журнали 1998 йил.
3. С.П. Баранов, Р.Л. Болотина, В.А. Слостенин. "Педагогика" 1990 йил.
4. Узбек педагогикаси антологияси. 1995 йил.

МАВЗУ № 10: МИЛЛИЙ МАКТАБ.

РЕЖА:

1. Миллий мактаб - ҳаётий эҳтиёж.
2. Миллий мактабни ташкил этиш муаммолари.

Нима учун сунги йилларда миллий мактаб ҳақида қуп гапирадиган булиб қолдик? Нима сабабдан Болтиқбуғи жумҳуриятларида, бошқа миллий улқаларида миллий мактаб масаласи алоҳида аҳамият қасб қилмоқда? Нега бугун бизнинг мустақил Узбекистонимизда ҳам миллий мактаб йуналишларини ишлаб қикиш ва мавжуд мактаб моҳиятини узгартириш учун ҳаракатлар қучайиб бормоқда?

Ахир, қадимий узбек халқининг мумтоз мударислари-ю, жаҳонга машҳур алломаларини асарларини хижжалаб таҳлил қилсанғиз ҳам миллий мактаб хусусидаги фикрларини жуда кам ишлатасиз-қу! Ҳамма гап шундаки улар мактабнинг миллийлигини тарбия бир ҳол сифатида тасаввур қилганлар ва уз асарларини шунга асослағиб яратганлар. Минг афсуски, биз кейинги 70 йил ичида ана шу табиий асосдан ажралиб қолдик.

Таълим-тарбия тизимидан ҳар бир миллатнинг узига ҳос турмуш тарзи, иқтисодий, маданий аҳволи, урф-одати, тарихи, анъанаси, ҳатто миллий табиати сезирарли урин олмаган эди. Энг даҳшатлиси шуки, мактаб болани ота-онаға, утмишимизға, миллий кадрятларимизға, урф - одатларимизға, узбекона руҳиятимизға қарши тарбиялай бошлади. "Ота рози-худо рози" деға олтин қоида эскилик деб қораланди. Бу мактабнинг миллийлигиға зуровонлик қилиш, нафакат мактабнинг, балки бутун бошлиқ халқнинг миллийлигини уйқотишдан иборат мустақид сиёсатнинг оқибати эди.

Миллий мактаб яратиш борасидаги қупгина фикрла гоят диққатға сазовор булиб, қелғуси ишларимизда қул қелиши турган гап. Аммо бази уртоқлар анча юзақи ёндашиб туб моҳияти билан миллий мактаб яратишға хизмат қилмайдиган масалалар хусусида қизиқишиб баҳслашмоқдалар. Яна бир гуруҳ уртоқлар эса угил ва қиз болаларнинг ажратиш уқитиш, уқувчиларға миллий қиймлар қийдириш, эски узбек ёҳуд лотин ёзувиға қайтиш, мактабда ислом динини олиб қириш, фақат уз олимларимиз илмий ишлари асосадиғина дарслиқларни яратиш, шу асосида уқитиш, уқиш жараёнини тарихий утмишға мослаштириш фақат Шарқ педагогикаси билан чекланиш фикрларини уртаға ташламоқдалар ва шу тарикан мактабларни миллийлаштиришға ҳаракат қилмоқда. Бу фикрларини ҳар

бирида муаян окилона магиз бор.Чунончи котиб колган,миллий мазмунда тузилган зурма-зураки тенглаштиришга каратилган таълим-тарбия усулларидан вос кечишга шу оркали тараккиёт йулида белгилашга интилиш албатта зарур.

Она тили миллий ифтикорни,миллий фикрлашни асосидир.Барча миллий кадрятлар,анъаналар замирида она тили ётади.Шу боис узбек тилин,унинг барча бойликларини ,гузаллигини мактабларда чукур,атрофлича урганишни йулга куймок доркор.Акс холда миллий мактаб яратиш борасидаги хамма харакату ниятларимиз бекор кетиши хеч гап эмас.Унинг учун тилимизнинг илдизлари-ю гузал ва бекиёс имкониятларини-ю куз-куз киладиган оммабоб рисоалар чоп ётиб боришни хам унитмаслик керак.

Миллий мактаб хар бир укувчининг калби ва шуурига узбек халки тарихи маданий меросининг бутун улугворлиги хамда гузаллигини олиб кириши билан бирга миллий анъанавий ахлоқ коидаларини укувчи хаётининг мазмунига айлантормок керак.Бу эса мактабдаги жуда куплаб коида ва мезонларни кайта куриб чикишни таказо этади.Укув дастурлари,укитиш усуллари,дарсликлар мазмуни ва бошка жуда куп нарсалар узгариши керак.Масалан,жисмоний тарбия дарсида укувчилар купрок уз миллий уйинлари билан машгул булмоклари зарур.

Хар бир миллий,халкнинг узига хос тафаккур тарзи мавжуд.Хар бир тил вакили дунёни узича куради.Шундай экан факат она тили,адабиёт ва тарихдагина эмас,балки табиий фанлардан хам умумжахон хамда махаллийфан ютуқларига асосланган она тилидан оригинал дарсликлар яратиш зарур.Дарсликларда Ал Хоразмий,Ибн Сино,Беруний,Улугбекдан тортиб Хабиб Абдуллаев, Кори Ниёзий, Обид Содиков,Собир Юнусов, Тошмухаммад саримсоков,Махмуд Салохиддинов ва бошка замондош олимларимизнинг фан ва маданиятга кушган хиссалари уз аксини топиш керак.Миллий мактабнинг укув режалари,дастурларида,жумладан,мехнат дарслари замонавий ихтисосликлар билан бирга кулолчилик,ганч уймакорлиги,мисгарлик,наккошлик,завргарлик каби миллий касб хунарлар хам хисобга олинган булиши максадага мувоикдир.

Миллий мактабни яратиш учун хозирги таълим мазмуни ва укитиш жараёнидаги купгина камчиликларни тузатиш,муаммоларни хал килиш зарур.Бунинг учун куйидаги тамойиллар ва устивор йуналишларни хаётга тадбик этиш максадга мувофикдир:

-Хар бир фвн укутувиси уз сахаси буйича маданий ва тарихий меросни чукур билишга эътиборни кучайтириш,кайта тайёрлаш курсларида уларни малакасини ошириш:

-Биринчи синфдан бошлаб миллий замин,халк турмуш тарзи билан брoгланмаган материалларни дарсликдан чикариб ташлаш,улар урнига халк педагогикаси,тарихий хикоятлардан киритиш:

-Бошлангич синфдан бошлаб она тили билан бир каторда хорижий(араб,Форс,инглиз,испан,немис ва бошка) тилларни укитишни,кироатхонликни ургатишни йулга куйиш:

- Мактабда миллий касб хунарни ургатадиган тугараклар бирлашмалар ташкил этиш(масалан:уймакорлик,ганчкорлик,сопол ва чинни идишлар ясаш,гилам тукиш,миллий чеварчилик,косибчилик ва хакозо):

- Мактабда барча учун таълимнинг уч боскичини куллаш,бехуда маблаг сарфланишига йул куймаслик,укиш истаги булмаган ёки фан асосларини узлаштиришга кийналаётганлар бошлангич маълумот билан чекланган холда уларни касб хунарга ургатиш масаласини хал этиш:

- иктидорли укувчиларда иборат синфлар ташкил этиш:

- "Таълим хакида"ги конунда кад этилган таълим тизимининг саклаган холда,мажбурий 12 йиллик таълимни амалга ошириш ва шу мажбурий таълим асосида 9 йиллик мактаб базасини кучайтириш.

- Хар бир мактабда "Мерос музейи"ни ташкил этиш.Уш бу музейда илм-фан,санъат,утмиш тарих хакидаги материалларини жойлаштириш.

- Хар бир синфда "Маданий ва тарихий меросимизни урганамиз"рукнии асосида кизикарли бурчак ташкил этиш:

- Хар бир мактаб биносининг залини миллий,маданий ва тарихий мебросни акс эттирувчи кургазмали материаллар билан безаш.

- Синфдан ташкари утказиладиган тарбиявий тадбирларда миллий урф-одат,анъаналрга эътиборни кучайтириш:

- "Халк педагогикаси" факультатив курсини жорийэтиш.

Юкоридагилардан куришиб турибдики,хар бир инсон болаликдан уз халкини,миллатини кадрятларини,огзаки ва ёзма адабиётини хамда санъатини, урф-одатларини,илгор

анъаналарини, халкчил, реухий, маънавий меросини ургансагина, уша халкка ва миллатга мансуб була олади. Шу сабабли оила, болалар яслилари, богчалари ва бошлангич синфдан бошлаб мактабни тугатгунча болаларга халкни гурури, миллий карашлари, эрка хамда кадрятларини сингдира олмасак, бу борада кузланган максадга эриша олмаймиз. Фарзандларимизнинг баркамоллиги ва юксак одоблилигига эришиш учун эса миллий таълим тарбияга асосланган мактабнинг булиши максадга мувофиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, миллий мактабни яратиш хусусиятидаги даслабки хакараклар ижобий натижа бермокда. Мазкур эзгу ишга купгина иктидорли олим ва укутувчилар, халк таълимининг ташкилотлари уз хиссаларини кушмокдалар.

1996-1997 йилдан бошлаб мактабларнинг биринчи синфларида укиш янги алифбода олиб борилади. Янги имло, алифбода укитиш учун зарур дастур, кулланма ва дарсликлар яратилди.

Шу давр мобайнида 300 га якин янги турдаги таълим муассасалари очилди. Олий укув юртлари кошида 46 та лицей ташкил этилди, 800 га якин укувчи чет элларда таълим олди. Купгина укутувчилар хорижий давлатларининг тажрибаларини урганиш макседида чет мамлакатларига бориб кайтди.

Жойларда мактабларга ва укутувчи мураббийларга, моддий ва маънавий рахбатлантириш, ёрдам бериш масалаларига эътибор анча кучайтирилди.

Шу уринда Республикамиз Президенти Ислон Каримовнинг Узбекистон Республикаси Олдий мажлиси IX сесиясида 1999 йил 29 августда сузлаган нутки ва унинг асосида кабул килинган "Таълим тугрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тугрисида" конунлар кабул килингач, узлуксиз таълим тарбия тизини жорий этиш ва унинг асосини ташкил этувчи миллий мактабнинг шакллантириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилди. Жумладан: мактабнинг I-IX синфлари доирасида сифатли унумли урта таъли олишни таъминловчи давлат таълим стандартлари ишлаб чикилиб жорий этилмокда.

2000 йилни "Соглом авлод йили" деб аталиши, ёш авлодни маънавий ахлокий тарбиялашда халкни бой миллий маданий-тарихий анъаналари, урф-одатлари хамда умумбашарий кадрятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чикилиб амалиётга жорий этиш натижасида миллий мактабни шакллантириш учун яхши шарт-шароитлар яратади.

Узбекистон мустақиллиги принципларига садокатли хамда жамит тараккиётига муносиб хисса кушишга кодир хахсинг шакллантириш макседида таълим муассасалари, ота-оналар, оила, махалла кумиталари, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик маркази, жамоа ташкилотлари, фондлар билан узаро пухта хамкорлик килмокдалар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Миллий мактаб тугрисида олимлар фикри.
2. Укувчилар онгида миллий мактабнинг шаклланиши.
3. Миллий мактабни ташкил этиш принциплари.
4. Мактабда миллий касб хунарни ургатадиган тугараклар ташкил этилиши.
5. Миллий мактабга куйилган талаблар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Миллий мактаб, миллат, принцип, укув режалари, урф-одатлар.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. "Халк таълими" журналининг 6-7 сони Т71992 йил.
2. К. Хошимов, С7 Нишонова бва бош. "Педагогика тарихи" Укутувчи Т 1996 йил.
3. И. Каримов "Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг тараккиёти" Т. 1997 йил.

МАВЗУ №11: ДИДАКТИКАНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Дидактика хақида тушунча.
2. Таълим назариясининг асосчилари (Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Ушинский, Каменский, Ж.Ж.Руссо, Пестолоци).

ДИДАКТИКА ХАҚИДА ТУШУНЧА.

Дидактика педагогиканинг таълим жараёнини умуний қонуниятларини урганувчи қисмидир. Дидактика грекча суз булиб, уқитиш, -урғатувчи деган сузлардан келиб чиққан.

"Дидактика"нинг сузма-суз таржимаси таълим назариясининг англатади. Таълим назарияси қуйидаги масалаларни: таълим жараёни тушунчаси ва мохиятини, таълим принципларини, мактаб таълимининг мазмунини, методлари ҳамда ташкилий формаларини уз ичига олади.

Таълимнинг асосий вазифаси ёш авлодни умуний билимлар, қуникма ва малакалар системаси билан қуроллантиришдан иборат. Билимлар одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида тупланган умумлашган тажрибасидир. Илмий билимлар объектив оламнинг анча тугри акс эттиради. Илмий билимлар доимий эмас, улар ҳамиша узғариб туради ва такомиллашиб туради.

Билимлар асосида уқувчиларнинг қузатувчанлик, тафаккур, хотира сингари билиш қобилиятлари ривожланади, уларда эътиқод ҳосил булади, илмий дунёқарашни шакллантирувчи гоёлар системаси таркиб топади.

Таълим жараёнида брор фан соҳасида инсоният томонидан эришилган ҳамма нарсаларни урганиш керак, деб уйлаш мутлақо нотугри булур эди. Уқув жараёнида энг асосий, энг муҳим нарсалар фанларнинг асослари урганилади.

Таълим жараёнида уқувчилар билимлар системасини эгаллабгина қолмайдилар, балки бир қанча қуникма ва малакалар ҳосил қиладилар. Мактабларимизда таълим мазмуни такомиллаштириб борилаётган ҳозирги вақтда уқувчиларда қилма-қил қуникмаларни таркиб топтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

ДИДАКТИКАНИНГ АСОСИЙ КАТЕГОРИЯЛАРИ.

Қуникмалар - мактаб уқувчиларининг олган билимларига асосланиб қуйилган вазифалар ва шартларга биноан бақарадиган ҳаракатларнинг йигиндисиدير. Демак, қуникма ҳосил қилиш, меҳнат қилиш йуллари ва усулларини билиб олиш уз билимларини амалда қуллай билиш демақдир.

Қуникмалар муаян вазиятдагина эмас, балки даслабки шарт-шароитлар узгарган вақтда ҳам маълум хатти-ҳаракатлар қилиш қобилияти билан характерланади.

Педагогика ва психологияга оид илмий тадқиқотларда қуникмаларни эпчиллик, ҳар томонламалик, илгари муҳим ҳоссалари ҳақида фикр юритилади. Бу ҳусуиятлар уқувчига ҳаргал янги шароитда керакли хатти-ҳаракатлар қила олиш учун зарур. Масалан: уқувчи план тузиш қуникмасини эгаллаб олганидан кейин ҳар қандай тексени ҳам планини туза оладиган булади.

Меҳнат қуникмалар ҳам худди ана шу сифат билан ажралиб туради. Скамейка ясаш қуникмаси фаолият натижаси ҳақидаги аниқ тасаввурни, уни планини фикран белгилаб олиш, материални характери билан боғлиқ эҳтимол тугилган қийинчиликларни олдиндан қура билишни уз ичига олади.

Табиийки қуникмада фойдаланиладиган билимлар ҳам шундай булмоғи лозим. Бу таҳлил қилиш, бир буюмни бошқаси билан таққослаш, диққатни асосий нарсага жалб этиш, уз ишини намуна билан солиштириб қуриш, уз иши ва уртоқлари ишининг сифатига баҳо бериш қуникмасидир.

Қуникмаларни билимлар билан аралаштириб юбориш ярамайди. Ҳар қандай қуникма ҳам билим булишини талаб этади. Аммо билимнинг қуникма билан боғланиши шарт эмас. Билимлар фикр мулоҳазаларда қуникма эса асосан хатти-ҳаракатларда ифодаланади. Бу хатти-ҳаракатлар ақлий ёки муқул хатти-ҳаракатлари булиши мумкин.

М А Л А К А - онгли хатти-ҳаракатларнинг автоматлаштирилган таркибий қисми. Малака бир хатти-ҳаракатларни узини бир қил шароитларининг узидан қула марта таққорлаш натижасида ҳосил қилинади. Масалан: устахонада утқизиладиган меҳнат машғулотларида болта ёрдамида темир қесиш малақаси қул билан қилинадиган бир қил ҳаракатларини қула марта қил таққорлаш вақтида ҳосил булади. Бунда фаолиятнинг қисман автоматлашуви юз беради. Лекин ҳаракатни батамом автоматлашган нарса деб тасаввур этиш ярамайди. Чунки хатто дурустгина таркиб топган малақани ҳам онгли маълум даражада қонтроль қилиб туради.

Темир кесиш пайтида уқитувчи болгани қандай ушлаш кераклигини қулларини ҳаракатланиши қандай бўлиши, қарга қараш кераклигини тушунтиради. Бинобарин, даслабки пайтларда уқувчи уқитувчининг тайинланган гапларини унитмасликка ҳаракат қилади. Кейинчалик эса онг томонида буладиган контроль зайифлаши, ҳаракатлар автоматлашиб кетади. Малака қанчалик пухта бўлса одам ишни шунчалик тез ва тугри бажаради.

Қунима ва малакаларнинг умумий ҳамда фарқ қилувчи томонлари бор. Умумийлик шундаки, қуникмалар ҳам малакалар ҳам уқувчиларни олган билимлари асосида қилинадиган фаолиятларини ташкил этади, бошқача қилиб айтганда бу билимлар амалиётга утади. Фарқи шундаки, уқувчиларнинг фаолияти ҳар хил характерда бўлади.

Уқувчиларда ҳосил бўлган қуникмалар, малакалар янги қуникма ва малакалар таркиб топтиришга ижобий таъсир қурсатади. Бунда таъсирни психологлар малакалар ва қуникмаларнинг қучиш ходисаси деб айтадилар. Қучиш ходисаси эса мактаб уқувчиларининг билиш фаолиятида муҳим аҳамиятга эга.

Агар мактаб уқувчилари қупайтириш жадвалини яхши билмасалар оғзаки ҳисоблаш жараёнини узлаштириб олишда қийналадилар. Бинобарин, ургатиш ишини шундай ташкил этиш керакки, уқувчиларнинг илмий билимлар олиш, қуникма ва малакалар ҳосил қилиш жараёни узвий бирликда утсин, ҳамда мактаб программаларида муаян ёшдаги уқувчиларининг анатомик-физиологив ва психологик хусусиятларига мос системада қатъий амал қилинсин.

Таълим - диалектик тарзда тараккий этиб борадиган ички зиддиятлар жараёнидир. Унда ҳамиша бир томон ва унинг қарама-қаршиси бўлган уқиш ва уқитиш, эскилик ва янгилик, яққа ва умумий нарсалар мавжуд.

Таълим жараёни икки томонлама бўлиб, унда икки шахс уқитувчи ва уқувчи бўлади. Улар муаян жараёнгина ҳос бўлган муносабатда бўладилар. Уқитувчи билан уқувчи бир - бирига мутлақо зид ролларни уқитиш ва уқиш ролларини бажарадилар. Таълим бериш уқувчиларга билим бериш, уларда қуникмалар ва малакалар ҳосил қилиш янги ҳақиқатларни оча олишга қодир бўлган ижодий, мантикий тафаккур тарбиялашдир.

Уқиш уқувчиларни узлаштириш, узида билиш қобилияти, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошабинлик эмас, балки уқувчига номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган актив, ижодий фаолият жараёнидир.

Уқиш жараёнида уқувчилар узлари мустақил равишда билимлар эгалашларида улардан фойдаланиш қуникмасини мужасамлаштириш ақлий ҳамда жисмоний меҳнат маданиятини ҳам эгаллайдилар. Уқувчи материални урганишга қиришаётганда ҳали унинг қанақа материал эканлигини билмайди. Урганганидан кейингина у материални била олади. Шундай қилиб уқиш билмаслик ва билиш зиддиятларининг бирлигидир.

ТАЪЛИМ НАЗАРИЯСИНING АСОСЧИЛАРИ.

Абу Али Ибн Сино Х-асрнинг охири XI асрнинг бошларида яшаб ижод этган мутафаккирдир. Ибн Сино 16 ёшидан бошлаб барча фанлар соҳасида мустақил мутолаа қила бошлади. Бу даврда у қундузлари тинмай, кечалари ухламай қитоб уқишга қиришади. Бу кезлари брон кеча ҳам қун давомида ухламас эди, қундузлари ҳам бошқа нарса билан шугулланмас эди. "Кечқурунлари олдимга қирокни қуйиб олиб, то уйқу босқунча уқиш ва ёзиш билан банд бўлар эдим. Ухлаётган вақтимда ҳам уша унгимдаги масалаларни қурак эдим. Шу тахлитда қуп масалалар тушумда аён бўлур эди. Шундай қилиб ҳамма илимларни мустақкам эгаллаб олдим. Инсоннинг қобилияти имқон берар даражада улардан қабардор бўлдим".

Шу сабабли у 18 ёшида етук олиб бўлиб етишди. Ибн Синонинг ижодий фаолиятини урганувчи олимларимиз уни 300дан ортиқ илмий асарлар ёзганлигини аниқладилар. Булардан 58таси фалсафа, 20таси тиббиёт, 11таси астраномия, қимё, физика ва бошқалар, 4таси шеърятга, 2таси педагогикага доир эди. Ҳамма асарларининг негизида инсон, унинг қамолоти ва тарбиси масалалари алоҳида урин эгаллаган.

Ибн Сино уз тарбияси системасини яратди, бунда одоб, астрономия, тиббиёт, мантиқ, фалсафа, табиатшунослик, тил ва унинг грамматикаси, мусулмон қонуншунослиги фанларини қиритди.

У тарбия жараёни ақлий, жисмоний, ахлоқий, эстетик ва меҳнат (хунар ургатиш) тарбияларининг бир бутунлигини ташкил этади деб қурсатган эди. У мактабда уқиш, тарбия ишларини жамоат тарзида ташкил этиш гоёсининг олға сурди, уқитиш жараёнини дидактик асосларини яратди.

Унинг фикрича болани китобга банд қилиб қуймаслик, уқиш секин-аста, енгилдан оғирига қараб бориш орқали олиб борилиши керак. Уқитувчилар билан олиб болриладиган машқлар улани ёшига мос булиши керак. Уқувчиларнинг майин ҳамда қобилиятларини ҳисобга олиш зарур.

Ибн Сино этика ва ахлокий тарбия масалаларини фалсафий педагогик асосда чуқур ёритиб берди. У доимо инсондаги яхши сифатларини кура олди. Яхшилик, одобли булиш, қамтарлик ва инсонийлик масалаларига қўй асарларида тўхталиб ўтган эди.

Айниқса, Ибн Сино оила тарбиясида ота-онанинг ўрнини олоҳида курсатади. Бола тугилгач аввало, ота унга яхши ном қўйиши, сўнгра эса уни тарбиялаб, яхши тарбия қилиши керак, - деб таъкидлаган эди.

Ибн Сино "Китоб- ал Қонуни фит-тиб"(Тиб қонуни)"Донишнома""Хай як Яқзон" қиссаси, "Хидоят", "Қлунч", "Қисола - тул тайр", "Тадбири манозил" ва бошқа асарларидан ўзининг педагогикага доир қарашлари ва таълимотларини баён қилади.

Фаробий манбаларда "Ал-файласув вт-туркий" деб юритилади. Фаробийнинг миллати дарҳақиқат турк бўлиб, Моворуннаҳрда Фарб вилоятининг Қасиб қишлоғидаги хижрий 257 (мелодий 870) йилда тугилгани, отаси армия қумондони бўлгани айтилади. Фаробий даслаб Қарвда таҳсил қўрган. Кейин Қоддўга кетди. Қасфага теран бир қизиқиши бор эди. Абу Қашр Қоттабин Юнусдан мантиск дarsi олди. Оралиқда бир бора Қарронга кетди. Қасфарда Юхонна бир Қайлон билан танишди. Ундан мантиск ва фалсафа илмини ўрганди. Илм таҳсилини қаттиқ севганидан фалсафий маданиятни ортириш ўчун яна Қоддўга қайтди; Юнон файласуфини ва айниқса Арасту (Аристотель)нинг асарларини синқиқлаб ўрганди. Ислом илмларини ҳам яхши билар эди. Яхшилик қилишни севар эди. Қалифа Қутадир қамонида атрофига зиё тарата бошлади.

Талай фалсафий асарлар ёза бошлади. Баъзи асарларни ҳам қулай англашилсин дея шарҳ этди. Бир асно Шом(Сурияга) ва Қисрга кетди. Шомга қайтди. Қалаф (Алеппо) ва Шом ҳудудларининг султони Сайф ад-Давлат Фаробийга қўй ҳурмат курсатади. Ниҳоят Фаробий хижрий 339 (мелоди 950) йилда ҳаётдан қўй юмди. Ундан жуда қўй асарлар мерос қолган. Турли илм соҳаларида қамоннинг энг машғур олими эди. Айниқса, фалсафа, мантиск, психология, мусика, математика ва тиб билимларига доир тадқиқотлари билан қенг шўхрат қозонган.

Абу Қаср Ал Фаробий қаламига мансур асарлари 160 дан ортиқдир. Улар "Талқису Қавомису Афлотун" (Афлотун қонуниларини моҳияти) "Нуфўзли шаҳар ақолисининг маслави", "Баҳт саодатга ёришувчи қисола" ва ҳақозолардир. Ал Фаробий ўзининг қўй қиррали ижоди билан қелажак авлодни билим ва маданиятга ёришишида инсон қамолдотига алоҳида этибор берди.

Фаробий инсоннинг қадр қиммақтига, ўнинг ақл зақованининг иждодий ва бунёдқорлик қўйига юқсақбаҳо беради: инсон Фаробий ўчун шўнчаки биологик бир мақжудод эмас, у ўз моҳиятига қўй ақл идроки туфайли файвонот дунёси қегараларидан ташқарига қикади. Унинг ақл идроки меҳнати билан бир қаторда уни ижтимоий қихатдан фаол қилиб қўйяди. Инсоннинг ҳаёти стихияли тарзда қетиши мумкин эмас. Бу ҳаёт онгли ва аниқ мақсадни қўйлаган бўлиши, қакат шаҳсий эмас балки, ижтимоий аҳамиятга ҳам молик бўлиши лозим.

Фаробий педагогик қарашларида инсоннинг барча ахлокий имқониятлари(яхшилик ва ёмонлик, фойда ва зарар ҳақидаги мулоҳозаларни) баҳтга ёришишдан иборат бирдан бир мақсад мевази деб қилади. Унинг фикрича бир қишининг баҳти бошқаларнинг шаҳсий роҳат фа-роғатига ёришишнинг зарур шартидир. Ижтимоий ва шаҳсий қихатларнинг бирлиги орқалигина ялпи баҳтга ёришилади.

Фаробийнинг фикрича барча ахлокий нормалар ва қоидалар, яхши ёки ярамас, ижобий ёки салбий, ахлокий ҳатти ҳаракатлар, ҳуллас инсоннинг барча ҳаракатлари ўнинг ўз баҳтига ёришишига қандай муносабатда бўлиши билан баҳоланади.

Абу Райҳон-Мўхаммад ибн Аҳмад ал-Беруний Қоразим қойтахтида 362 йилда мелодий 973 йилда тугилган. Унинг тарбияси билан Абу Қаср Ирокий шўгулланади. У ўстози ёрдамида қўёшнинг энг тик қолатини ўрганади, ҳамда глобус яратади. Беруний форс ва араб тилларини қўй ўрганиб қамонасида арабқаниннг фан тили сифатида мақке қозонганини алоҳида таъкидлаган.

Арабча шеърлар ёзган Беруний араб тилига қирган аҳнабий атамалар ўстида тўхталган. Беруний "Ўтмиш ёдқорликлари", "Қоразмнинг машғур зотлари", "Қеодезия", "Минералогия", "Қиндистон", "Қонуни Маъсудий" ва бошқа асарлар яратади.

Берунийнинг асарларида ўлуг олимларга ҳос икки ҳусуият бор:

1. Қур ва бетараф муомалада бўлиш.

2. Мусбат билимга номувофик ва ақлга уйғун булмаган буш ва асосдир фикрларга боғланиб колмаслик. Мавзунини танқидий зехн билан тадқиқ этмоқ, етарли далиллар топиладигандан кейин ҳақиқатни тасдиқламоқ лозим.

У инсоний кадр қийматини улуглаган, инсонларни ишонч ва маъмурликлари бир-бириникидан фарқ қилишга диққатни тортган, аммо дунё маданияти такомил ва шу ранг-баранглик натижасида бунёд булганлигини тасдиқлаган. Унинг фикрича инсонлар уч сабаб бахтизликка дучор буладилар:

1. Инсон ер юзида яратилганлар орасида энг мумтозидир. Аммо инсонлар қизганчилик сабаб билан бир-бирининг кулларида булган нарсаларга куз тикадилар. Бу ҳам ижтимоий хузурсизликка сабаб булади.
2. Уз ишончини, мансабини ва қабиласини бошқалардан устун қуймоқ инсонлар орасида нифокларга йул очадилар.
3. Хурофотлар ва буш (асоссиз) ишончсизлик инсонликнинг такомилни орқага сурмоқда ва тушунмовчиликларни юзага келтирмоқда.

Беруний фалсафа билан ҳам машғул булган. Хинд, Юнон ва Ислом фалсафасининг баъзи мавзуларини муқояса қилган. Фалсафага у барча илм натижаларининг системага солигани деб қараган ва инсонни бахт соадатга етакловчи бир билим соҳиби деб ҳисоблаган.

Беруний ахлоқ тарбиясига катта аҳамият берган. Унга қура мардлик, жасорат фақат узини эмас бошқаларни ҳам уйламоқдир.

Беруний замонасининг турли билимлари тугрисида теран тадқиқотлар қилган. Дунёда кам учрайдиган олимлардандир. 1153та асар ёзган.

К.Д.УШИНСКИЙ ПЕДАГОГИКА ФАНИ ВА ТАРБИЯ САНЪАТИ ТУГРИСИДА.

Тарбия предмети булган одам тугрисида чуқур илмий билимлар билан қуролланган кенг маълумоти бор Ушинский педагогика назариясини ишлаб чиқишга киришди.

Ушинский педагогика назарияси анатомия, физиология, психология, фалсафа, тарих ва бошқа фанлар қонунларида фойланишга асосланган булиш деб лозим деб қурсатди. Бу назария педагогик рецетлар билангина чегарланиб қолмасдан, балки тарбия қонунларини очиб бериш керак эди. Унинг замонидаги педагогика билан Ушинский яхши танишдир.

Ушинский педагогика назариясининг мавҳум, кабинетдан ташқарига чиқмай тузилишига қарши булди, шунинг сингари, педагогикада эмпиризмга қарши булиш кераклигини огоҳлантирди, мувафаккиятли булса ҳам фақат шахсий тажрибагагина асосланиш етарли булмади деб қурсатди. У назария билан практикани бирлигини талаб қилди. Ушинский "Хеч қанда хулоса чиқариб булмайдиган брн бир идеядан келиб чиқмайдиган ва узи ҳам хеч қандай идея яратмайдиган тажриба хеч нимага арзимайдиган бир нарса булиб қолиши сингари, хеч нимага асосланмаган қурик назария ҳам пуч бир нарса булиб қолади. Назария воқеъликдан ажралмаслиги, фактлар мулоҳазани рад қилмаслиги керак" деб ёзган эди. У назариясиз педагогик практиканинг медицинадаги қийинчиликка ухшатади.

Ушинский "Педагогик тарбиянинг маълум принципларини ва тарбия ишларининг конкрет қоидаларини узлаштириб олишгина қифоя қилмайди" дейди. У яна "Қиши табиатнинг асосий қонуниятларини билиши ва уларни ҳар бир конкрет ҳолларда ишлата билиш керак,"-деб жуда тугри айтган эди.

Ушинский "Агар педагогика қишини бир жихатдан тарбия қилмоқчи экан, у энг аввал қиши ҳар жихатдан билиши керак"-деган эди.

Ушинский бу талабни амалга ошириб "Инсон тарбия предмети сифатида" номли 2 томли капитал асарини ёзди ва 3чи томини ёзмоқчи булиб, материаллар туплади ва тайёрлади. Аммо бевақт улим 3чи тоғмни ёзишга имқоният бермади.

ЖОН - ЖАК РУССО.

Табиий ва эркин тарбия. Руссонинг фикрича, болалар табиатиға мувофик равишда табиий тарбияланиши лозим. Бу гапнинг маъноси шуки - болага тарбия беришда унинг табиатиға қараб иш олиб бориш, унинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш керак. "Табиат болаларни ушиб катта булишларидан олдин уларнинг бола-сифат булишларини истайди"-деб ёзади Руссо. У болалар тарбиясини 3 манбаадан, табиатдан, тевақал-атрофдаги одамлардан ва нарсалардан оладилар деб ҳисоблайди.

Руссонинг фикрича, табиатнинг тарбияси инсон қобилиятларини "ички" устиришдан, сезги органларини устиришдан иборат булади. Одамларнинг берадиган тарбияси одамни шу қобилиятлар ва

органларнинг усувидан фойдаланишга ургатишдан иборат булади ва нихоят нарсалардан олинадиган тарбия одамнинг узига дуч келаётган ва унга узи таъсир курсатаётган нарсалардан хосил килган тажрибасидир. Мана шу 3 омилнинг хаммаси (табиатнинг, одамларнинг нарсаларнинг ёки ташки вазиятнинг бераётган тарбияси) бир-бирига уйгун равишда битта йулга амал килганидагина тарбия тугри тарбия булади.

Руссо табиий билан бевосита боглаб эркин тарбия масаласини хам куйди. "Эркинлик, - деди Руссо, - одамнинг табиий хукукларидан энг биринчисидир". Руссо шу койдага асосланиб одамни сиқиб куйган феодал тартибларига, схоластик мактабга ва бу мактабдаги ёдлатиш, каттик интизом, тан жазоси бериш ва боланинг шахсини бугиб куйиш каби тартибларга карши чикади. У бола шахсини хурматлашини, унинг кизикиш ва истаклари билан хисоблашини талаб килди. Унинг эркин тарбияни таргиб этишининг ижобий томони хам ана шундадир.

Руссо тарбиячи-укитувчининг етакчилик ролига катта ахамият беради, лекин бу ролни узига хос тарзда тушунади. Руссонинг фикрича, тарбиячи уз тарбиясидаги болани факат масалаларини хал килишга йуллайди. Унинг кизикишларига рахбарлик килади, буни боланинг узи хам сезмай колади. Тарбиячи болага асосан бевосита таъсир этади. У болага таъсир этувчи мухитнинг унинг атрофидаги барча таъсирларни шундай бир тарзда ташкил килади.

ЯН АМОС КОМЕНСКИЙ.

Мактаб таълимини ташкил этиш. Синф дарс системаси. Коменский мактабда укув йили ва уни укув чоракларига булиш тугрисидаги тушунчани, каниклики киритди, укув кунини кандай ташкил этиш белгилаб берди. (она тили мактабида 4 укув соати лотинча мактабда 6 укув соати), укув машгулотларининг синф-дарс системасини назарий жихатдан ишлаб чикди ва бу темани амалда куллади.

Уша вақтлардаги мактабларда укувчилар мактабга бутун йил давомида турли вақтларда кабул килина берар эди. Укувчилар гарчисинфда бирга утирсалар хам, лекин купинча синфнинг хамма укувчилари билан коллектив машгулотлар олиб борилмас эди, хар бир укувчи узига берилган дарсни укир, мактабда хар бир укувчи синфдан-синфга узининг вақтига яраша алохида-алохида кучирилаберар эди. Укутувчи хар бир укувчини хузурига чакириб, у билан якка тартибдашугуланар эди. Коменский мактабга укувчиларнийилда бир мартда кабул килиш, укутувчи бутун синф билан коллектив иш олиб боришни талаб этди. У укув машгулотларини утказишнинг синф-дарс системасига асос солди, дарсни кандай планлаштириш ва олиб бориш тугрисида курсатмалар берди, дарснинг бир кисмини укувчилардан сураш йули билан уларнинг билимларини хасобга олишга ажратишни, бир кисмини эса янги материални бериш ва машқлар утказишга ажратишни таклиф килди.

У хар бир дарснинг уз темаси ва уз вазифаси булиш лозимлигини айтди. Укутувчи хамма укувчиларнинг машгулотларда активкатнашишларини диққат билан кузатиб боришни ва дарс вақтида синфда интизом саклашлари лозимлигини Коменский алохида укутириб утди.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Таълим назариясининг масалалари ва асосий максади.
2. Дидактиканинг асосий категориялари.
3. Таълим назариясига асос солган Урта Осиёлик мутаффакирлар.
4. Абу-Али Ибн Сино таълим-тарбия тугрисида.
5. К. Д. Ушинский буюк асарига таъриф беринг.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Таълим назарияси, категориялар, Урта Осиё мутаффакирлари, Жан Жак Руссо таълимоти, Я. А. Коменский таълим тарбия хакида.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов "Узбекистон мустақил тараккиёт йулида" Т. 1994 йил.
2. И. А. Каримов "Баркамол авлод Узбекистон тараккиётининг пойдевори"
3. "Узбек педагогикаси антологияси" Т. "Укутувчи" 1995 йил.
4. А. К. Мунавваров "Педагогика" Т. 1996 йил.
5. А. А. Ибн Сино "Таълим-тарбия тугрисида".

МАВЗУ № 12: ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МОХИЯТИ,ТУЗИЛИШИ ВА УНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

РЕЖА:

1. Таълим жараёнининг мохияти ва вазифаси.
2. Таълим максadini аниқлаш.(Таълимий ривожланувчи ва тарбиявий).
3. Билимларни эгаллашнинг асосий боскичлари.
4. Таълим жараёнида илмий дунёкарашни,ахлокий,эстетик тарбияни ва эътиқодни таркиб топтириш.

ТАЛИМ ЖАРАЁНИНИНГ МОХИЯТИ ВА ВАЗИФАСИ.

Инсонни тарбиялашда,инсон шахсини камол топтириш вашакллантиришда уқитиш ва илм бериш катта роль уйнайди.Таълим бериш ва уқитиш (дидактика) назарияси мактаб уқувчиларни билим олишнинг ва уқитувчи фаолиятининг қонунларини очиқ беради,уқитиш жараёнининг мохияти, принциплари,мазмуни,методлари ҳамда ташкил этилишини белгилайди ва изоҳлайди.

Таълим бериш кишилик жамиятида унинг илк ривожланиш боскичларида пайдо булди.Болалар каттаёшдагиларга таклид қилиб ,уларнинг иш-харакатини ,мехнат қуролларини яшаш ва ишлатиш жараёнларини такрорлашар, уларнинг ҳулқ-атворларидан андоза олишар, сузлашув терминларини ва уларнинг маъносини эслаб қолишарди.Катта ёшдаги одамларга таклид қилишиб,уса борган сари болалар табиат қонунларини билиб олади,уз билимларини чуқурлаштиради ва янада оширади.

Билимлар-одамларнинг ижтимоий-тарихий амалиёт жараёнида туплаган умумлашган тажрибасидир.

Таълим жараёнида уқувчилар инсоният ижтимоий-тарихий тажрибасининг муайян жихатлари-идеологиясини, сиёсатини, фанни, ахлоқни, мехнатни, адабиёт васанъатни,умумий ва жисмоний маданиятни узлаштиради. Хозирги пайтда таълим шахснинг ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун негиз яратади.

Таълим-диалектик тарзда тараккий этиб борадиган ички зиддиятли жараёндир.Унда ҳамиша бир томон ва унинг қарама-қаршиси булган(иккинчи томон)уқиш ва уқитиш,эскилик ва янгилик,яққа ва умумий нарсалар мавжуд.

Таълим жараёни икки томонлама булиб,унда икки шахс-уқитувчи ва уқувчи булади.Улар муайян жараёнгагина ҳос булган маълум муносабатда буладилар.Уқитувчи билан уқувчи бир-бирига мутлақо зид ролларни-уқитиш ва уқиш ролларини бажарадилар.Таълим бериш уқувчиларгабилимлар бериш,уларда қуниқмалар ва малақалар ҳосил қилиш,янги ҳақиқатларни оча олишга қодир булганижодий,мантикий тафаккур тарбиялашдир.

Уқиш-уқувчиларнинг узлаштириш,узида билиш қобилиятлари,фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир.

Уқиш-фаол билиш жараёни булиб,унда уқувчининг ақлий қучи,характерининг ахлокий ва иродавий ҳислатлари,шахсий ва темпераменти ҳусусиятлари намоён булади ва шаклланади.Уқиш жараёнида уқувчилар узлари мустақил равишда билимлар эгаллашларида улардан фойдаланиш қуниқмасини мужассамлаштирган ақлий ҳамда жисмоний мехнат маданиятини ҳам эгаллайдилар.Уқувчи материални урганишга қиришаётганида ҳали унинг қанақа материал эканлигини билмайди. Урганганидан кейингина у материални билиб олади.Шундай қилиб,уқиш билмаслик ва билиш зиддиятларининг бирлигидир.Дарс бериш ва уқиш-мактабдаги ягона уқув-жараёнининг иккита жихатидир.Уқувчилар тугрисида уйламасдан,уларнинг активлигига,ривожланишига,имқониятларига,билими ва малақасига таянмасдан уқитувчилик фаолиятини амалга ошириб булмайди.

Мактабдаги таълим болани илмий билимлар,тушунчалар,қонуниятлар оламига олиб қиради. Уқувчи қиска вақт мобайнида инсоният тарихида асрлар давомида урганилиши мумкин булган нарсани билиб олади.Масалан,тилнинг грамматик шакллари минглаб йиллар давомида таркиб топади,уқувчи эса уларни бир неча йиллик уқиш жараёнида урганиб олади.Бундай тарздаги уқув фаолияти мактаб уқувчисининг ақлий ривожланишини анча тезлаштиради.

Шу қунларда тугилган бола бундан бир неча асрлар олдин тугилган боладан принципаал тарзда фарқ қилмайди.Лекин хозирги бола мактабни тамомлаган пайтда замонавий илмий-техникавий тараккиётга яқин булиб қолади ҳамда бундан бир неча аср олдиняшаган тенгқурларидан принципаал тарзда фарқ қиладиган булади.Уқитиш илмий билишдан фарқ қилади. Уқитишнинг мохияти уқувчининг билим олишидан,уқув фанлари мазмунини узлаштиришдан иборатдир.

Таълим бериш жараёнида уқитувчи уқувчиларга тушунарли булган умумий таълим материалдан фойдаланади. Муайян ёшга хос усулларни ва таълимда энг яхши самараларга эришиш имконини берадиган мактаб дидактикаси методларини куллланади.

Уқитиш-таълим бериш, камолга етказиш ватарбиялаш каби учта функцияни уз ичига олади:

1-си билимларни эгаллаш, уқув куникмаларини ва малакасини шакллантириш жараёнидан иборат.

2-си уқувчиларнинг аклий жихатдан ривожлантирилишини уз ичига олади. Бир хил турдаги билимлар йиғндиси аклий ривожланишнинг турлича даражасига олиб чиқиши мумкин. Бу уқувчи аклий кучи ва қобилиятларини шакллантиришнинг диалектик жихатдан мураккаб ва зиддиятли жараён эканлиги сабабли руй беради. Уқиш уқувчилар ривожланиши умумий даражасини доимий равишда ошира бориши шарт-ривожлантириш функциясининг мохияти ана шундадир.

3-си тарбиялаш функцияси шундан иборатки, уқув фаолияти уқувчини тарбиялайди, унда ватанпарварлик, ахлокий фазилатлар, нуқтаи назар, эътикод, идеал, эстетик туйғу, интизомлилик, меҳнатсеварлик шаклланади.

Вазифа шундан иборатки, болаларда зарур фазилатларни ҳосил қилиш мақсадида ушбу функцияларни бошқаришга, болаларнинг онгига, ҳиссиётига, иродасига собитқадамлик билан системали тарзда таъсир утказишга урганиш керак.

Уқитишнинг таълим бериш, ривожлантириш ва тарбиялаш функциялари амалга оширилиши натижасида мактаб уқувчиси шахсини шакллантириш жараёнига комплекс ёндашувига эришилади.

Мактаб уқувчиларига таълим бериш жараёнида албатта, тарбия ҳам берилади. Таълим ва тарбия доимо биргаликда, ҳамжихатликда олиб борилади. Республикаимизнинг ёш авлодини келажакка етук инсон қилиб шакллантириш энг асосий вазифадир. Маънавий баркамол инсон қилиб яратиш, ҳар бир педагогнинг бурчи деб ҳисобланади. Юқорида таълим жараёнининг вазифалари санаб утилди, лекин шунга яна бир қушимча қилмоқчи ман.

Мустақилликка эришиб мамлакатимизда жуда қуп узғаришлар булди. Миллий анъаналаримиз, урф - одатларимиз, буюқ боболаримизни англаб етишига имкон яратилди. Ёш авлодга утмишни танитмасдан туриб, улардан биз янги нарсаларни талаб қиола олмаимиз. Президентимиз айтганларидек "Утмишн билмай туриб келажакни қуриб булмаиди". Ҳозирда миллий мактаблар ташкил қилиш, дарс тизимини таълим жараёни мохиятини миллийлаштиришга катта эътибор қаратилаётган экан, уқитувчи уқувчиларга буюқ утмишимизни, буюқ бобоқалонларимизни, буюқ анъаналаримизни оёқ ости булишига йул қуймасликни, уларни сақлаб ва янада ривожлантиришни ургатиш лозим. Умуминсоний кадрларга содикликни ургатиб бориш керак. Ва албатта, ватанпарварлик туйғусини ҳар бир уқувчида шакллантириш зарур.

ТАЪЛИМ МАҚСАДИНИ АНИКЛАШ, (ТАЪЛИМИЙ, РИВОЖЛАНУВЧИ ВА ТАРБИЯВИЙ).

Уқитиш процесининг қонуниятларидан бири унинг ривожлантирувчи ва тарбиялавчи характеридир. Шахснинг психик ривожланиши уқитишга боглиқлиги аллақачон аниқланган булиб, у тадқиқотларда янада тасдиқланмоқда. Ҳозирги замон олимлари Л.В.Занков, А.А.Смирнов, В.В.Давидов, Д.Б.Эльконинг уқувчиларнинг ривожланиш даражасининг ва уқитиш процессида унга актив таъсир қурсатишни ҳисобга олиш зарурлигини қайд қиладилар. Юқори даражадаги қийинликда, узлаштиришнинг тез суъратларида, уқувчиларнинг юксак активлигида амалга ошириладиган уқитиш уларнинг ривожланишида прогресс булишига ёрдам беради. Шунингдек уқитиш процессида шахснинг янги сифатлари маъсулиятни ҳис этиш, уюшқоқлик, қизиқувчанлик ва бошқалар таркиб топади. Буларнинг ҳаммаси уқитишнинг тарбияловчи характерини ҳақида гапиришга имкон беради. Тарбия иши уқитишнинг мазмуни, форма ва методлари орқали, шунингдек шахснинг ва у бошқарадиган коллективнинг бевосита таъсири туфайли амалга оширилади. Уқитиш юксак гоъвийлик ва чинакам илмийлик характерда булган тақдирдагина уқитиш мазмуни орқали тарбияловчи таъсир қурсатиши мумкин. Уқитувчи тарбиянинг умумий мақсадларига амал қилиб, ҳар бир дарсда аниқ тарбиявий вазифаларни ҳал қилиши керак. Ҳар бир уқув фанининг мазмуни шугулланувчилардан илмий дунёқараш таркиб топишига таъсир қурсатиши лозим. Бунда у дунёқарашга оид муҳим гоъни узлаштириб олади. Инсон узини, уз гавдасини маҳсус равишда шахсий онги ва иродаси объекти қилиб олса, уларни такомиллаштириши мумкин.

Уқиш процессида уқувчилар онгига доимо изчиллик билан муаян мақсадлар қуйилади, кейин эса барча воситалар билан уларга эришиш таъминланади. Бу ироданинг, қатийликнинг ривожланишига

ижобий хулк-атвор одатлари ва характер хислатларининг таркиб топишига имкон беради. Системали билим олиш таъсирида укувчиларнинг билиш қобилиятлари: идрок, диққат, хотира, тафаккур, нутқ ва хоказолар ривожланади. Жисмоний тарбия процессида бу қобилиятлар узига хос равишда ривожланади. Купчилик жисмоний машқларни бажариш тезлик билан диққатни туплаш, ҳаракат хотирасини сафарбар этиш, тактик тафаккурни куллаш ва хоказоларни талаб қилади. Жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш процессида нутқ махсус терминалогия билан бойиб боради.

Уқитиш методлари ва унинг ташкил этилишига катта тарбияловчи таъсир курсатади. Машгулотларнинг аниқ ва уз вақтида бошланиши муаян равишда контроль қилинган ҳолда асбоблардан фойдаланиш қоидаларга риоя қилиш ҳам тарбияловчи элементларга эга.

Уқитувчи шахсининг укувчиларга курсатадиган таъсирида ортикча баҳо бериш мумкин эмас. Уқитувчининг уз ишини севиши, билмимлари, ҳаққонийлиги, юксак ахлоқ маданияти, тарбиялонқувчиларга ҳурмат билан қушиб олиб борадиган талабчанлиги, ғамхурлиги, педагогик одоби, барча уқитиш методларига алоҳида таъсирчанлик бахш этади. Дарснинг мазмуни қанчалик чуқур ва қизиқарли бўлмасин, агар уқитувчига фанга нисбатан шахсан қизиқиш, билиш зарурлигига ишонч бўлмаса, унинг укувчилар фикри, туйғулари ва иродасига таъсири ҳам чекланган бўлади.

Уқувчилар коллективининг коллективдаги айрим аъзоларга курсатадиган таъсири каттадир. Яхши коллектив доимо юқори даражадаги ишчанлиги, уюшқоклиги, интизоми билан ажрналиб туради. Бу шахсга тарбиявий таъсир курсатишда керакли вазиятни вужудга келтиради. Мустақкам бирлашган коллективда шон-шараф ҳисси узаро талабчанлик юқори даражада ривожланган бўлади, коллективнинг бу хислатлари укув ишининг сифати ва натижаларига доимо ижобий таъсир этади.

Таълим мақсадини аниқлашда албатта унинг мазмунини чуқур англаб етиш зарур. Мактабдаги барча предметлар таълим йуналишига эга. Бунинг маънаси шуки, укувчиларнинг билимларини узлаштиришидагина эмас, балки ҳар бир предмет укувчилар ривожланишининг умумий даражасини оширишда қандай аҳамиятга эга эканлигини англаб етишларига ҳам интилиш керак. Баъзан укувчиларда, айниқса V-VII синф укувчиларига, уларнинг келгуси ҳаётида масалан, чизмачилик ёки ашула дарслари керак эмасдек туйилади. Шу сабабли уқитувчи ҳар қанча ҳаракат қилишга қарамай, улар бу предметлар билан истар-истамас қизиқмасдан шугулланадилар. Бундай шароитда ана шу предметнинг аҳамияти пасаяди. Барча предметларнинг чуқур ва муфассал урганиш фикр доирасини кенгайтиради, дунёнинг ривожланиш имконини беради. Эътиқодни олий жанаб ахлоқий фазилатларини, ватанпарварлик туйғусини, меҳнат қилиш иштиёқини шакллантиради. Умумий ривожланиш ана шундан иборатдир.

БИЛИМЛАРНИ ЭГАЛЛАШНИ АСОСИЙ БОСКИЧЛАРИ.

Уқувчиларнинг укув ёрдамида билиш фаолиятига раҳбарлик қилишга урганиш учун уқувчининг билимларни эгаллашнинг асосий босқичларини яхши билиши керак.

Биринчи босқич-бу идрок этишда. Психологиядан маълумки, идрок этиш-бу мақсадга йуналтириолган тарздаги билиш жараёни демақдир. У сайланма характерга эга бўлади. Шунинг учун ҳам укувчиларга аввало мавзу ҳақида хабар бериш, яъни улар нимани урганажаклигини айтиш керак. Вазифа қуйиш ва уни тушунтириш шарт. Агар укувчилар укув топширигини англаб етмасалар, укув материали билан таништиришга унитмаслик керак. Идрок ҳамиша болалардагимавжуд тажрибага таянадиган муаян мақсадни қузловчи жараён бўлиши шарт. Сунгра укувчилар уқитувчи раҳбарлигида тайёргарлик ишларини бажаришади. Уқув материаллари билан дақслабки тарзда таништириш бошланади. У реал ёки тасвири тушурилган нарсалар, ҳодисалар, вазиятларни қузатишдан, содда тажрибалар утқазидан иборат бўлади.

Уқитувчининг вазифаси билиш вазифаларини қуйиш йули билан укувчиларни актив фаолиятига тайёрлашгина эмас, балки билиш вазияти бутун дарс давомида ҳуқумронлик қилиши яъни таълим жараёнида ҳал этиладиган саволларнинг пайдо бўлиши учун укувчиларнинг идрокига доимо раҳбарлик қилиб туриш ҳамдир.

Биринчи босқич-қачонки укувчилар қайси ҳодисалар, воқеалар, нарсаларни урганишни кераклиги ва укув топширигини қанчалик англаш олиганлиги ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлган пайтда тугалланади.

Иккинчи босқич-бу укув материални идрок этиш босқичи ҳисобланади. У билимларнинг назарий томонларини алоҳида ажратиб курсатишда ва таҳлил қилишдан иборатдир. Асосий фикрни

топиш,тушунчаларни ажратиш курсатиш,уларнинг белгиларини асослаб бериш,изохловчи материалнинг характерини тушуниб олиш,мисоллар ва тушунтирувчи фактлар йигиндисини урганиш керак.

Учинчи броскич - бу ёд олиш ёки мустахкамлашдир.Вазифа олинган билимларни узок вақт давомида саклаб қолишдан иборатдир.Бу борада билиш фаолияти асосан машқлар,мустикал равишда ижодий иш қилиш тарзида юз беради.Назарий материал тушунчалари,қоидалар,исботлар,хар хил машқлар такрорланади.Тушунчаларни белгилари мустахкамрок урнашиб қолади,қоидалар,теоремалар,қонунлар яхшироқ эслаб қолинади.

Учинчи боскич якунида укувчилар назарий материални биладиган ва уни машқларни бажаришда масалаларни ечишда,теоремаларни исботлашда ва х.к. қуллаш оладиган бўлишлари керак.

Туртинчи боскич - билимлар,малака ва қуникмаларни амалий фаолияти айниқса мактаб қошидаги участкада,укув устахоналарода лабораторияларда ишлаш чоғида,шунингдек тракторларда,қомбайнларда,станокларда ва бошқа машиналарда ишлашга урганиш жараёнида қулланишдан иборатдир.

Болаларнинг этиборини уй-рузгор меҳнатнинг баъзи бир содда тарларига жалб этиш муҳимдирки,уларнинг бундай меҳнатда иштирок этиши уқиш жараёнида олган билим ва қуникмаларини мустахкамлайди.

Уқитишнинг укувчилар амалий фаолияти билан боғлиқлиги,ахлоқий фазилатларни шакллантиришга,қизиқиш ва мойилоқни ҳосил қилишга,уқишга ижобий тарзда асослашга ёрдам беради.

Идрок жараёни укувчи онгида теварак атровдаги воқеликнинг сезги органлари орқали шунчаки ақс этиши эмас.Англаш элементлари,қанақадир янгиликни,сабаб оқибат боғланишларини аниқлаш идрокни негизини ташкил этади.Бинобарин,идрокда ҳис этиб билиш тафаккурнинг умумлаштирувчи абстрактлашган фаолияти билан узвий боғланган бўлади.

Билишнинг бошланғич босқичи булган идрокка этиборсизлик билан қараш ярамайди.Уни яхшилаб йулга солдиш ва малака ошириш,унга факат идрок мабағина эмас,балки фикр мулоҳаза манбаи деб қараш ҳам лозим.

Теварак аτροφдаги воқелик нарса ва ҳодисаларни онгда тулик ҳар томонлама ақс эттириш учун мактаб укувчиларнинг сеҳги органлари орқали олган идроклари ҳамда тасаввурларини узи қифоя қилмайди.Яна фикрлашни урганиш ҳам зарур.Укувчиларнинг фикрлаш қобилятини дарсда амалий машғулотлар утқизиш йули билан устириш лозим.Мактаб укувчилари тафаккур жараёнида анализ,синтез қилшни,бир буюмни бошқаси билан таққослашни бир бирига қарама - қарши қуишни билимларни узлари учун тушунарли соҳаларидаги сабаб оқибат боғланишини аниқлашни билиб оладилар.

Анализ - нарса ва ҳодисаларни тарқибий қисмга элементларига ажратиш.Укув жараёнида укувчилар ҳаракат билан ва фикран анализ қилишлари мумкин.

Синтез - анализга қарама-қарши булган фикрлаш жараёнидир. Синтез жараёнида укувчилар урганган нарсалар ва ҳодисаларнинг айримқисмлари, элементларни бир бутун қилиб бирлаштирадилар.Биринчи синфда уқитишни урганаётганда укувчилар товушлар ва ҳарфлардан бугинлар,бугинлардан айримт сувзлар,сузлардан эса жу4млалар тузишни билиб оладилар.Синтез ҳам,анализ ҳам мактаб ёшидаги қичик укувчиларнинг укув ишида қатта урин тутади.Укувчиларнинг фикрлаш фаолияти таққослашларида ҳам номоён бўлади.

Таққослаш - нарсалар ва ҳодисалардаги тафовут ҳамда ухшашликни тенглик ва нотенглик топа олишда ифодаланадиган фикрлаш операцияси К.Д.Ушинский укув материалларини тушуниб олиш жараёнида таққослашнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб,бундай деб ёзади:"...таққослашлар ҳар қандай тушуниш ва ҳар қандай фикрлашларнинг негитзидир. Дунёдаги ҳамма нарсанга факат таққослаш воситасидагина билиб оламиз..."

ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ АХЛОҚИЙ ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ ВА ЭЪТИКОДНИ ТАРҚИБ ТОПТИРИШ.

Ислоҳда таъкидлаганидек боланинг илк ёшидан онгига талабчанликни,ҳалоликни ва ҳаққонликни,хурлик ва матонатни,жасоратни сингдира олиш гоят муҳимдир. Тарбия жараёнида укувчиларни ахлоқий тарбияси турмуш ва фаолиятнинг турли соҳаларида амалга оширилади.Бола оилада тенгдошлари орасида,мақтбда,қучада ахлоқий таъсирини сезади.Қупинча эса бу таъсир ахлоқ

талабларига монанд булмайди. Юксак ахлокий шахсни сурункали тарзда собит кадамлик билан вояга етказиш, мактабда уюшган болалар орасида руй беради. Мактабда шахсни хар томонлама камол топтиришга каратилган махсус тарбиявий иш амлга оширилади.

Укувчилар ёш авлодни хаётга, мехнатга тайёрлар экан, уларни хар вақт камтар, халол булишга ургатадилар.

Вақтни севишни, мехнат кила олишни, одамларга нисбатан меҳрибон ва гамхур булишни ургатадилар.

Ана шу маънавий фазилатлар ахлокий жихатдан тарбияланган инсонга хос булади. Мактабнинг махсус тарбиявий фаолияти ана шундай шахсини тарбиялашга каратилган булиб, у ахлокий тарбиянинг куйидаги вазифаларни хал этади:

Миллий ахлокий онгни, мустахкам ахлокий этикодларни тарбиялаш; Ёш авлоднинг ватанга, жамиятга, мехнатга, узига ва одамларга муносабатини англаб олишга каратилган ахлокий туйгуларни тарбиялаш, одоб куникмалари ва одатларини тарбиялаш; Миллий ахлоқ фазилатларини тарбиялаш;

Ахлокий тарбиянинг максади ва вазифаси - бу хар бир кида активхаётий нуктаи назарни хоилс килишдант иборатдир.

Ёш авлод ахлокий тарбиясининг барча вазифаларини мустахкам бирлигида, тарбиявий ишга ёндашиши доирасида хал этилади. Ахлокий муносабатларининг хар бир группаси муаян ахлокий фазилатларни уз ичига олади. Чунки маънавий фазилатлар ахлокий онг, ахлокий туйгу ва одоб бирлигидан иборатдир. Шундай килиб, ахлокий тарбиянинг мазмуни яхлит одобли шахсни ышакллантиришга каратилгандир.

Инсоннинг жамиятга муносабатини белгиловчи ахлокий фазилатлардан бири - эстетик тарбиядир. Табиёт - гузалликнинг беназир манбаидир. У эстетик туйгуларни, болаларнинг кузикувчанлиги ва тасаввурини ривожлантириш учун жудабой материал беради.

Санъат асарларини идрок этишдан бадий мамуният олмайдиган ва табиат билан мулоқотда бундай мамуният туйгусини хис килмайдиган кишида эстетик туйгунинг уткирлигига тула асос билан шубхабилдириш мумкин.

Инсоннинг бадий ва эстетик имкониятлари санъатда энг тула ва изчилнамоён булади. Инсон мехнати билан вужудга санъат муайян тарихий боскичда ижтимоий онг формаларидан бири булган, фаолиятнинг узига хос булган сифатида моддий ишлаб чикаришдан ажралиб чикади. Санъат инсоннинг воқеиликка эстетик муносабатдаги барча жихатларни мужасамлаштиради. Бадий гузаллик хақидаги хар кандай мулохазалар, хар кандай лекциялар бу гузалликни бевосита идрок этишчалик эстетик таъсир курсата олмайди.

Санъат воситаси билан эстетик тарбиялаш педагогикада бадий тарбия деб аталади. Бундай тарбия бевосита санъат асарларига мурожат килиб, инсонда гузаллик оламини тугри талкин эта олиш куникмасининг ривожлантиришни талаб этади.

Бадий дидни эстетик таъсирчанлигини тарбиялашнинг кучли воситаларидан бири укиш маданиятини ривожлантиришдир.

Шундай килиб тарбия жараёнида илмий дунёкарашнинг ахлокий эстетик карашларини тарбиялаш ва этикодни таркиб топтиришда бадий дид болаларни эстетик фаолиятига рағбатлантирилади, бу фаолият муайян натижалар билан характерланади, хамма санъат машгулотлари вақтида укувчилар англаб олган гузаллик элементларини хаётга тадбик этишларини тақозо этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Таълим жараёнини мохияти.
2. Таълим максadini аниқлаш.
3. Билимларни эгаллашни асосий боскичлари.
4. Таъхлим жараёнида ахлокий тарбияни таркиб топтириш.
5. Эстетик тарбияни таркиб топтириши.

МАВЗУ № 13: ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛАРИ ВА УНИНГ ДИДАКТИК КОНУНИЯТЛАРИ.

РЕЖА:

- 1 Таълим конуниятлари тарбиянинг ажралмас қисми эканлиги.
- 2 Шарк ва Гарб олимлари таълим принциплари (Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Коменский).

ТАЪЛИМ КОНУНИЯТЛАРИ ТАРБИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ ЭКАНЛИГИ.

Таълимнинг қуйидаги қонунилари мавжуд: тарбияловчи таълим қонуни; ҳар қандай таълим фақат уқитаётган, уқийётган ва урганаётган объектив маълум бир мақсадга йуналтирилган узаро таъсири ёрдамида амалга оширилади; таълим фақатгина уқитувчининг фаолияти ва уй фикрларига муофиг равишда уқувчиларнинг актив фаолиятлари давомида юз беради; уқув жараёни уқитувчи ҳамда уқувчининг мақсадларига мувофиқ келган ҳолда юз беради; алоҳида бу шахсни у ёки бу фаолиятини урганишга йуллаш уни ушбу фаолиятга жалб этиш орқали эришилади; таълимнинг мақсади, билим олишнинг мазмуни ва таълим методлари орасида доимий боғлиқлик мавжуд бўлади; таълимнинг мақсади таълим мазмуни ва методини белгилаб беради. Таълим жараёни қонуний равишда у содир бўладиган, амалга ошадиган ташқи шарт-шароитларга ҳам боғлиқдир. Мақтабда таълим учун мувофиқ келадиган махсус уқув-моддий, ахлокий-рухий ва эстетик шарт-шароитлар яратиш керак. Таълим уқитувчиларни узига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

Инсон ва унинг уқув-билиш фаолияти ҳақида ҳамма фанларнинг ютуқлари бизнинг дидактик қонуниятлар ҳақидаги тасаввурларимизни бойитишга таъсир қурсатади.

Таълимнинг қонуниятларидан дидактиканинг принциплари келиб чиқади.

Таълим ва тарбия тушунчалари бир-бирига ҳамма боғлиқ тушунчалардир. Бизнинг муқтакил Республикамиз мисолида таълим ва тарбия умуминсоний қадриятларга йуналтирилган бўлиб, уқувчиларда барча инсонларга мос ижобий ҳислатларни шакллантиришни қўзда тутлади.

Истиклол мафқураси узбекона таълим тарбиянинг асоси қилиб олинади. "Шу Ватан барчамизники", "Ватанни севмок иймондандир" гоялари, хур Ўзбекистон мадҳияси, Ўзбекистон Республикаси миллий байроғи таълим ва тарбиянинг асоси ҳисобланади. Муқтакиллик-ислохот-таълим-тарбия, булар бир-бирига эғизакдир.

Шунинг учун таълим жараёнида утиллаётган қатта ва қичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонлари тугри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутнликда амалга оширишни таъминлаш жуда муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият қасб этади.

ШАРК ВА ГАРБ ОЛИМЛАРИ АСОСИДА ТАЪЛИМ ПРИНЦИПЛАРИ (ФАРОБИЙ, БЕРУНИЙ, ИБН СИНО, КОМЕНСКИЙ).

Шарк ва Гарб олимлари асосларида таълим принциплари. Улг Шарк мутафаккири Абу Наср ал-Фаробий (870) 160 дан зиёд илмий мақола ва асарлар ёзган. Улар орасида "Тахлису Навомису Афлотун" ("Афлотун қонуниятларининг моҳияти"), "Бахт-саодатга эришувчи рисола" қабди унлаб асарлари эғтиборга молиқдир.

Ал-Фаробий фикрига қўра, таълимнинг асосий шакли ишонтириш методларидир. Улгурадиганлар учун-мавҳум фикрлар ёрдамида, уртачалар учун-қурғазмалар ёрдамида, яъни образли шаклда амалга ошириш лозим. Урганиш бахт келтириши керак. Ал-Фаробийнинг ушбу тезиси уқишда кейинчалик булмаслиғи, балки қувонч ва лаззат келтириши, қамолотга етишувига ҳамда ҳақиқий бахтга эришувига олиб бориши лозим деб қурсатадиган бугунги қуннинг педагог-новаторлари гояларига қушилиб қетади.

Абу Али Ибн Сино XI аср бошларида яшаб ижод этган мутафаккирдир. Унинг 300 дан ортик илмий асарлари мавжуд. Бу асарларнинг неғизида инсон қамолоти ва тарбияси масалалари алоҳида урин тутлади. У мақтабда уқиш, тарбия ишларини қамоа тарзда ташкил этиш гоясини олға сурди. Уқитиш жараёнининг дидактик асосини яратди. Унинг фикрича, болани бирданига қитобга банд қилиб қуймаслик, уқиш аста-секин енгилдан-огирга қараб бориши керак. Машқлар уқувчилар ёшига мос бўлиши, уқувчининг майл ҳамда истак қобилиятини ҳисобга олиш керак.

Шарк олимлари билан бир қаторда Гарб олимлари ҳам узига ҳос таълим принциплари яратишган. XVI асрда Я.А. Коменский таълим принциплари тарбияга қиёслаб урганишни, яъни

уқувчиларга табиат куйнида бевосита таълим беришни,табиатда кандай мутаносибликка эришишни таклиф этади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

- 1.Таълим қонуниятлари хақида.
- 2.Таълим принциплари.
- 3.Фаробий таълим тугрисида.
- 4.Беруний ҳамда Ибн Сино таълим назарияси.
- 5.Коменский таълимоти.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Таълим, таълим ва тарбия бирлиги,Шарқ ва Ғарб олимлари.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.Й.И.Турсунов,У.Н.Нишоналиев"Педагогика курси".Т."УКИТУВЧИ"1997.
- 2.А.К.Мунавваров "Педагогика". Т."Укитувчи". 1996.
- 3."Ўзбек педагогикаси антологияси".Т. "Укитувчи".1995.
- 4."Педагогика тарихи".Хошимов ва бошқалар.Тошкент.1995.

МАВЗУ № 14: МАКТАБ ТАЪЛИМИНИНГ МАЗМУНИ ВА УНИ МИЛЛИЙЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.

РЕЖА:

1. Ўзбекистон мактабларида таълим мазмунининг илмий асослари.

2. илмий - техникавий ва маданий тараккиётнинг таълим мазмунига таъсири.

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДА ТАЪЛИМ МАЗМУНИНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ.

Мактаб таълимининг мазмуни тарихий ва синфий хусусиятга эга булиб, у фан ва техниканинг жамиятдаги тараккиёт даражаси, давлатнинг сиёсати билан белгиланади. У мактаб шахсининг гармоник суратда ҳар томонлама ривожланиши учун асос солади. Таълим жараёнида укувчилар инсоният тажрибаси системалаштирилган ва умумлаштирилган билимларни узлаштирдилар. Укувчилар мактабдалиқ йилларида жамиятдаги фан ва техниканинг замонавий даражасига яқинлашади. Таълимнинг мазмуни укувчиларга кенг политехник билим беради. Укувчилар баъзи бир меҳнат куролларини ишлатиш қуникмаларини эгалладилар, замонавий саноат ва кишлок хужалиқ ишлаб чиқариши станоклар, машиналар билан топишадилар.

Политехник маълумот мактабни битириб чиққанларнинг техникавий касбларини муваффақият билан урганиб олишлари имкон беради.

Ҳозир таълимнинг мазмуни чуқурлашиб ва қийинлашиб бормоқда. Бу ҳозирги замон жамиятида фан ва техниканинг зур бериб ривожланаётганлиги натижасидир.

Жамиятдаги фан техника билимлари даражаси билан мактабни битириб чиққан укувчи оладиган билим даражаси уртасидаги узилиш ортмоқда.

Узилишни камайтириш, мактаб таълимини ҳозирги замон илмий билимлари даражасига яқинлаштириш учун укув предметларининг мазмунини чуқурлаштирилмоқда.

Тажриба шуни курсатадики, агар укув материалнинг мазмуни ва уни урганиш методлари шахсий ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган бўлса, бошлангич синф укувчиларининг ижобий қучлари ва қобилиятлари яхшироқ усар экан.

Назарий билимларга қупрок аҳамият берилса, таълим катта қийинчиликни енгишга ва материални тез суратда узлаштиришга асосланган бўлса, укувчилар уқиш натижаларини англасалар укув материали кичик ёшдаги укувчилар аклининг усишига катта ижобий таъсир курсатади. Бу талабларга риоя қилинса, бошлангич таълим мазмуни укувчилар умумий усишининг қудратли воситаси булиб қолади.

Бошлангич синфларда укув материални программалаштириш, маълум мавзу ва бўлимларга доир программалаштирилган қуланмалар яратиш имкониятлари бор.

Программалаштирилган укув материални яратиш натижасида бошлангич таълим мазмунини такомиллаштириш учун қушимча имкониятлар қулга қиритилди.

Бош таълимнинг мазмуни ҳозирги замон илмий маълумот негизини қуради, сунгра укувчилар бу билимларни мактабнинг урта ва юқори синфларида оладилар.

Болаларнинг келажаги, унинг аклий усиши, қизиқишлари ва уқишга муносабати, кейинроқ эса меҳнат фаолияти ҳам муносабати қуп жихатдан мактабдаги бошлангич таълимнинг мазмунига боғлиқ бўлади. Бошлангич таълимга ҳисоблаш, ёзиш, уқиш юзасидан оддий қуникмалар бериладиган мактаб деб эскича қараш кичик ёшдаги укувчиларни ривожланиш имкониятларини чеклаб қуяди. Бундай ҳолда таълимнинг маърифий ва тарбиявий функциясидан етарлича фойдаланиб бўлмайди.

Аммо бунинг аксича уйлаш, яъни бошлангич мактабнинг вазифаси-боланинг аклини устириш, унда муайян аклий иш ҳаракатларини ва фикрлаш операцияларини шакллантиришдир, деб ҳисоблаш ҳам нотугри. Бошлангич таълимнинг мазмуни укувчиларга математика, она тили, табиат-шунослик, адабиёт ва санъатга доир бошлангич илмий маълумотлар бериш вазифасини бажаради.

Бу билимлар яхши узлаштирилиши қерак, шундагина улар, урта ва юқори синфларда утиладиган укув материални қуқуррок узлаштириш учун асос бўла олади.

Ҳисоблаш, уқиш, ёзиш, ашула айтиш, расм солиш, қузата билиш, дарсада диққат билан утириш, уз укув ишини тугри ташқил эта билиш қабии қуникмаларни ҳосил қилмай туриб, бошлангич таълимни узлаштириб бўлмайди.

Бошлангич мактаб дастлабки илмий маълумотларни бермаслиги ва уқиш қуникмаларини ҳамда малақаларини шакллантирмаслиги мумкин эмас.

Уқитувчи укувчи билиш фаолиятини муайян структурасини олдиндан уйлаб шакллантиришдагина бошлангич таълимнинг янги мазмуни укувчиларни қучлироқ

ривожлантиришларига олиб келади. Укитувчи укувчига мураккаброк материал берар экан унинг аклий усиши уз устидан стихияли равишда юкори даражага кутарилади,деб уйламаслиги керак.

Бошлангич таълимнинг мазмуни укувчиларни аклий,ахлокий политехник,мехнат,эстетик ва жисмоний жихатдан ривожлантиришга ёрдам беради.

Мактаб таълимининг мазмуни укув планида-укув программаларида,дарсликлариди акс этирилади.Урта умумий таълим мактабининг укув плани давлат хужжати булиб унда укув предметларининг маълум микдори ва номлари,уларни синфлар буйича урганиш изчиллиги барча укув предметларининг,хар бир алохида предметнинг, факультатив машгулотларининг хафтасига ажратиладиган укув вақтининг соатларида улчанадиган нормалари тасдикланади.

Укув йили неча хафта давом этишини билган холда хар бир укув предмети буйича бир йилги соатлар умумий микдорини хисоблаб чикиш мумкин.

Мактаб таълимининг мазмуни ягона укув плани билан таъминланади.Укув планининг илмий педагогик асослари куйидагилардан иборат:

Таълим мазмуни илмийлиги, системалилиги ва тушунарлилиги; Укувчининг гоаявий-сий,психологик-педагогик ва социал жихатдан чукур тайёргарлиги,урта таълим мактабининг укувчиларининг камол топтиришнининг умумий системасидаги урнини яхши англаб олиб,бошка укув предметлари билан чукуррок ва асосли тарзда узаро алока боглашга эриша олади.

Укув предметининг мазмуни программада очиб берилади.Укув программасида,укув программаси темалар номи, уларни баён килиш тартибини белгилаб,хар бир теманинг мазмунини кискача характерлайди,назарий,амалий,лабаратория машгулотлар нисбатини белгилайди.Кандай экскурсиялар,кузатишлар,мустикал ишлар ва топширикларутказилиши кераклигини курсатади.Мажбурий ва кушимча укув адабиётини тавсия этади.Хар бир укитувчи уз предметининг программасини материал мазмуни,билимлар чукурлиги ва хажми,уларнинг системаси ва мантикий изчиллигини,укувчини шахсий тажрибаси билан алока боглаш имкониятларини,назарий ва фактик материаллар соатини укув жараёнида амалий куникмалар ва малакалар ролини асосли равишда урганиб чикади.Укитувчи программани урганар экан,укув предметини тарбияловчи ва ривожлантирувчи функцияларни аниқлайди.

Программани урганиш укитишни асосий методларини,укувчиларни фикр юритиш фаолиятини фаоллаштириш йулларини,билиш кучи,кобилиятлар,кизикашлар вамайлларини ривожлантириш имкониятларини белгилаш учун имкон яратади.

Укув предметларининг мазмуни дарсликларда очиб берилади.Дарслик укув предмети мазмунини программага муофик баён килиш ва характерлаб беришдан иборатдир.

Яхши дарсликнинг асосий белгилари куйидагилардан иборатдир: Тушунарли илмий баён укувчида фикрлашнинг мантикий, исботли

булишини, билим олиш сохасидаги фаоллик ва кизикашларни шакллантириш; Амалий куникмалар ва малакалар системаси ва характерини белгиловчи назарий коидалар етакчи роль уйнаши;

Илмий материал мазмунини узлаштириш имконини берадиган фактлар,тушунтиришлар,мисоллар,расмларнинг пухта танланиши;

Кизикарли машклар,амалий ишлар,топкирлик,фикр уткирлиги буйича топшириклар;

Яхши безатилган булиши;

Дарслик мактаб программасига мувофик булиши керак.Бошлангич,урта ва юкори синфларнинг купгина дарсликлари манашу хусусиятларга эга.Бир предмет буйича бир неча дарслик булиб улар бир программанинг узини турлича баён килиши,уларда материалнинг анализ килишнинг турли методларидан, исботлар, машклар, мисолларнинг турли воситалари ва усулларидан фойдаланилган булиши мумкин.

Бу нарса укитувчининг илмий билимларига,педагогик махорати ва тажрибасига боглик.

2.ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ВА МАДАНИЙ ТАРАККИЁТНИНГТАЪЛИМ МАЗМУНИГА ТАЪСИРИ.

Фан-техника тараккиёти,замонавий фан ва ишлаб чикариш,маданият,санъат мактаб таълими мазмунига доимо таъсир курсатмоқда.Мактабнинг вазифаси хам укувчилар билимини замонавий фанга,замонавий ишлаб чикаришга,замонавий маданиятга якинлаштиришдан мехнат килиш иштиёки тарбиялашдан ва келгусидаги мехнат жараёнига жалб этишдан иборат.Шу сабабли мактаб таълимини укув материалининг системаси ва структурасини такомиллаштиришга барча иккинчи даражали ва такрорланувчи нарсалардан холи килишга,энг оммабоп укув программалари ва дарсликлари яратишга каратилган доимий тенденция вужудга келаётир.

Фан-техника тараккиёти талаблари муносабати билан мактаб таълимнинг мазмуни такомиллашиб боради.Замонавий мактаб укувчиларининг янги ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатлари тизимига тезроқ мослашишига унумли меҳнати актив катнашишига уларга турли меҳнат куникмаларини беришига қаратилган бўлиши керак.

Зеро,жаҳон педагогик уюшмаси укувчиларининг унумли меҳнатини урта таълим мазмунини янгилашда муҳим омил эканлигини аллақачон тан олишган.

Юқори интеллектуал заковатни шакллантиришдан иборат бўлган. Укувчилар унумли меҳнатининг тарбияловчи ва ривожлантирувчи йуналиши педагогик раҳбарликни мақсадга мувофиқлигига,укитувининг професионал фаолиятининг махсулдорлигига ва умуммиллий ва иктисодий билимларнинг кенглиги ва тулаллигига боғлиқ.

Укитувчининг укувчилар меҳнат фаолиятига раҳбарлик қилишда асосий педагогик мақсад қуйидагича:

-Замонавий ишлаб чиқаришнинг илмий-техникавий асосини тушунтириш:

-Умумий политехникавий билим ва куникмаларни,илмий дунёқарашни шакллантириш;

-Техник-технологик қонуниятларни махсулот ва буюмлар ишлаб чиқаришнинг оммавий практикасида қўллаш куникмасини ҳосил қилиш;

-Меҳнат жараёнига нисбатан ижодий муносабатларни ривожлантириш;

-Қорхона ва хужалиқлар билан ижтимоий муносабатларни ривожлантириш;

Қорхона ва хужалиқлар билан ижтимоий ва ишлаб чиқаришнинг узроқ муносабатларини урнатиш, гуманизм руҳидаги ишонччи,ахлоқий нормаларини,инсонпарварликни ривожлантириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иктисодий-ижтимоий ўзгаришлар мактаб таълим мазмунини ҳам тубдан янгилашга,унинг мақсад ва вазифаларини аниқроқ ифодалашга ёш авлодни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш жараёнини такомиллаштиришга,таълимни укувчиларнинг унумли меҳнати билан боғлашни мувапққлашга зарурий имкониятлар яратиш бермоқда.

Таълимни миллий руҳда олиб бориш ҳам жадаллик билан олиб боришмоқда.

Мактабларни миллийлаштириш ва миллий мактабда тарбиявий таълим-муомала,одоб,муошарат қоидалари худди математика,жисмоний тарбия каби мажбурий урганилиши керак.Бунинг сабаби замонавий ва борган сари индустриллашуви шарт бўлган Ўзбекистонда бундан буён ота-оналарнинг вақти зик бўла боради.

Тарбиявий таълим бу янгилик эмас ва бунда урнат олса арзигулик мисоллар бор. Масалан:Япония мактабларида"япон хулқ-атвори"дарси маҳсул,мажбурий утилади.Бу дарсда муомала,одоб ахлоқнинг энг нозик қирралари маҳсул ургатилади,машқ қилдирилади.

Биз шарқона хазина хикматларга,ҳадисимизга қанча қўпроқ амал қилсак,илм ва тарбия шунча қўпроқ илғарилаб кетамиз.

Шу уринда қадимги дунё донишманди Демократнинг қуйидаги сўзларини тез-тез ёдга тушириш ва унга амал қилсак,мувапққлигимизга ўз ҳиссамизни қўшишимиз мумкин.

"...хикматларда қандайдан қуйидаги ўқ қўбилият ҳосил бўлади"..

1.Энг тўғри ҳулоса чиқармоқ.

2.Нуксонсиз гапирмоқ.

3.Нима қилиш кераклигини аниқ қилмоқ".

3.ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХАҚИДАГИ ҚОНУН.

Таълим олиш ҳуқуқи шахснинг асосий ҳуқуқларидан биридир.Таълим Ўзбекистон Республикасида жамиятни ижтимоий иктисодий,маънавий ва маданий ривожлантиришнинг устивор соҳаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги давлат сиёсатини умуминсоний қадриятларни,халқнинг тарихий тажрибасини,маданий ва фан бобидаги қўпроқ асрлик ананаларини,жамиятнинг истиқболдаги ривожини ҳисобга олган ҳолда юргизади.

Таълим илм бериш ва тарбияни ўз ичига олади,у Республиканинг ақл-заковат ва илм борасидаги қўпроқ қувватини ривожлантириш,жамият оила ва давлат олдидаги ўз масъулиятини аниқлайдиган,ҳар қандайдан барқамол эркин шахсни шакллантириш мақсадини қўлайди.

"Таълим тўғрисидаги қонун" нинг асосий вазифаси:

1.Фукороларнинг илм олиши ва конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

2.Жисмоний ва юридик шахсларнинг таълим тугрисидаги узаро муносабатларининг принциплари,хукук ва ваколатлари ва масъулиятларини,Узбекистон Республикасида таълим эркин ривожланишнинг хукукий кафолатларини белгилаб беради.

Бу конун Узбекистон Республикаси Олий Кенгашида 1992 йил 2-июлда қабул қилинган.У 7 бўлим 44 моддадан иборат.

1-чи бўлим "Умумий қоидалар" деб аталади ва 6 моддани уз ичига олади.Унда таълим ҳақидаги қонунларнинг вазифалари,таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари,илм олиш хукуки,таълимнинг давлат стандартларида белгилаб қуйилган. Хусусан,4-моддада шундай дейилган.

"Узбекистон Республикаси келиб чиқиши, тили, жинси, ёши,ирки, миллати, эътиқоди ва динга муносабатидан ижтимоий аҳоли, машғулотининг тури турар жойи Республика ҳудудида қанчадан бери яшаётганлигидан қатъий назар, барчанинг таълим олиши учун тенг ҳуқуқларни кафолатлайди.

2-бўлим "Таълим тизими" деб номланади.Узбекистон Республикаси таълимнинг ягона тизимига амал қилиб,у қуйидагиларни уз ичига олади :

Мақтабгача тарбия;

Умумий таълим;

Мақтабдан ташқари таълим;

Хунар-техника таълим;

Урта махсус таълим;

Олий таълим;

Илмий ва илмий педагогик ходимлар тайёрлаш;

Кадрларнинг касбқор малақасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш;

Оиладаги таълим;

Мустақил таълим;

Бу таълим турларига алоҳида моддалар ажратилган."Таълим тизимини бошқариш" ҳақида 3-бўлим маълумот беради.Унда Республиканинг таълим соҳасидаги ваколатлари маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларини таълим соҳасидаги ҳуқуқ-ваколатлари,таълим муассасаларини бошқаришда жамоатчиликнинг иштироки ҳақида суз юритилади.

Таълимни бошқариш давлат идоралари буйсинувида бўлган таълим муассасаларида таълимга доир қонунларнинг ижро этилиши назорат қилиб борилади.

4-бўлим "Таълим жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқлари,масъулиятлари ва вазифалари" ҳақида бўлиб,таълим олувчиларни ижтимоий жихатдан химоя қилиш,уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш,педагогик ходимларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари уз ифодасини топган.

Жумладан,педагогик ходимлар узларининг касбқор шаъни ва кадр-қимматларини химоя қилиш,қасб фаолияти учун шарт-шароитлар билан таъминланиши,якка тартибда педагогик фаолият билан шугулланиш ҳуқуқига эгадирлар.

5-бўлимда "Таълим ва таълимнинг алоҳида шарт-шароитига,муҳтож болалар ва усмирларни ижтимоий жихатдан химоя қилиш" ҳақида айтиб утилган.Етим болалар турмушда ва ишга жойлашишида Узбекистон қонунларида белгиланган тартибда давлат қумагидан фойдаланадилар.Жисмоний ёки рухий жихатдан нуқсонли болалар ва усмирларга таълим бериш,уларни тарбиялаш ҳамда даволаш учун махсус таълим муассасалари барпо этилади ва иш олиб боради.

6-бўлим "Таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми.Таълимнинг моддий баъзаси ва уни пул билан таъминлаш" масалаларини хал этади.Таълим муассасаси мустақил юридик шахс бўлиб, қонунда белгиланган тартибда барпо этилади.Давлат тасарруфидаги таълим муассасаларини пул билан таъминлаш республика ва маҳаллий бюджетлар ҳисобидан, қорхона,бирлашма,ташқилот ва айрим шахсларнинг маблағлари асосида амалга оширилади.

7-бўлимда эса"Таълим тизимида халқаро ҳамқорлик" 44-моддада қурсатиб берилган.Таълим мувофиқ таълимга доир юзасидан халқаро ҳамқорликда иштирок этадилар ва валюта счётларига эга бўладилар.Бу қонун эълон қилинган пайдан бошлаб амалга киритилган

4.МАҚТАБЛАРДА УҚУВ РЕЖАЛАРИ,УЛАРНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

Мақтабларда бериладиган маълумотнинг мазмуни тарихий характерга эга. Жамият таракқиётининг ҳамма босқичларида мақтабларда ёшларга бериладиган маълумотнингмазмуни

ҳажми уша ижтимоий тузумнинг иктисодий талаб ва ёхтиёжлари,фан ва техника тараккиёти даражаси билан белгилаб келинган.

Мактабда илмий билимларнингасослари уқитилади ва шунга кура,уларни укув предметлари деб юритилади.Бунинг боиси шундаки,укув предмети маълум бир фаннинг тула мазмунини уз ичига олган яхлит курс эмас,уша фаннинг илмий асосларидир.

Укув режаси-барча умумтаълим мактаблари сузсиз амал килиши лозим булган давлат хужжатидир.Унда синфлар буйича урганилиши лозим булган укув предметлари,уша предмет учун ажратилган хафталик соатлар курсатилган Укув режасида табиий фанлар-табиий география, биология, физика, астраномия,химия,айникса математика марказий урин эгаллайди.

Ижтимоий фанлар тарих,жамятшунослик,иктисодийгеография, тил хакида билимлар,она тили,рус тили,тасвирий санъат,мусика ва ашула, меҳнат таълими шу жумладан юкори синфларда ишлаб чиқиш практикум ,мактаб устахонаси,лаборатория вакабинетлар ишлаб чиқариш колхоз ва совхозларида олиб борилади. Булардан ташқари укув режасида айрим табиий фанлар физика, математика, гуманитар фанлар, укувчиларнинг кизиқишларини, хошишларини кониктириши ва қоби-лиятларини ривожлантириш мақсадида факултатив машғулотлар ҳам курсатилган булади.

НАЗОРТ САВОЛЛАРИ:

- 1.Мактаб таълими мазмуни ва уни миллийлаштириш.
- 2.Илмий-техникавий ва маданий тараккиётнинг таълим мазмунига таъсири.
- 3.Бошлангич синфларда укув материални программалаштириш.
- 4."Таълим тугрисидаги қонун" нинг моҳияти.(хар бир булими)
- 5.Мактабларда укув режалар ва уларнинг илмий назарий асослари.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Таълим мазмуни,илмий-техникавий ва маданий тараккиёт,укув прог-раммаси,миллийлаштириш,укув предмети.

АДАБИЁТЛАР:

- 1.И.А.Каримов"Барқамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори".Т.1997.
- 2.Х.Абдуллаев таҳрири остида"Педагогика".1992.
- 3.А.К.Мунавваров"Педагогика"Тошкент 1996.

МАВЗУ № 15: ТАЪЛИМ УСЛУБЛАРИ ВА УКУВЧИЛАРНИНГ БИЛИМ ФАОЛИЯТИНИ ФАОЛЛШТИРИШ.

РЕЖА:

1. Таълим услублари хакида тушунча.
2. Таълим уқитиш усуллари ва йуллари.
3. Дарслик ва китоблар билан ишлаш.
4. Техник воситалардан фойдаланишнинг педагогик асослари.

ТАЪЛИМ УСЛУБЛАРИ ХАКИДА ТУШУНЧА

-Таълим жараёнида укувчилар муайян билимлар,қуникма ва малакаларни эгаллайдилар,укув материалнинг битта мазмунини узи таълимнинг турли воситалари ёрдамида,турли усуллари билан узлаштирилиши мумкин.Шу сабабли уқитувчи олдида мувафаккиятлирок ва самаралирок.уқитиш ва уқишга ёрдам берадиган йулларни танлаш масъулияти туради.Таълимни билим бериш ва ривожлантириш вазифаларининг амалга оширилиши методни танлашга боглик.Материални билим олишнинг назарий ёки амалий фаолиятидаги муайян формаларидагина\м сухбат ёки амалий ишларнинг бажариш формасида,ёхуд бевосита кузатишлар ва шу сингариформада узлаштириш мумкин.Материал мазмунини узлаштиришнинг манашу формаси таълим услуги хисобланади.

Таълим методининг икк и жихати: Биринчи жихати-бевосита кузатиладиган ташки томони. Иккинчи жихати-кузатиш ва тахлил қилиш учун қийин булган ички томони булади.

Таълим услублари уқитишнинг умумий ва аник мақсадларига боглик. Укув вазифаси қанчалик конкрет булса,уқитиш методининг белгилари шунча қуп булади.Шу сабабли уқитувчи методларнинг умумий белгиларинигина эмас,балки аник мавзу урганиш вақтида вужудга келадиган қушимча белгиларни ҳам билиши лозим.

Таълим методининг умумий ва аник белгилари уртасидаги узаро алоқа таълимнинг турли шароитларида унинг махсулдорлигини таъминлайди.

Таълим методлари уқитишнинг умумий ва аник мақсадларига боглик. Таълим методлари мактаб таълимнинг мазмунига боглик.

Таълим методларини узаро алоқаси гармоник қамолот барча томонларининг узаро алоқаси ва бирлигини таъминлайди.

Таълим услублари қуп жихатдан укувчиларнинг психологик ва ёш хусусиятларига боглик.

МАСАЛАН:-бошланғич синфларда айникса 1-синфда,таълим методларини танлаш укувчининг хиссий тажрибаси асосида тафаккурнинг абстракт формаларини ривожлантириш имкониятлари билан белгиланади.

Таълим методлари укувчилар организмнинг анатомик-физиологик хусусиятларига боглик булиб,уларнинг шу қобилиятларини,чарчашни организмнинг нерв томир ,суяк мушак,жинсий системалари хусусиятини хисобга олади.

Таълим методларини танлаш мактабнинг моддий техника таминостига ҳам боглик. Уқитувчи таълим методини танлар экан,мактабда мавжуд булган техника воситалари ва улардан фойдаланиш имкониятларини хисобга олади.

Таълим усуллари-уқитувчи ёки укувчиларнинг алоҳида операциялаори,ақлий ёки амалий харакатлари булиб муайян метод тақдим этадиган материални узлаштириш формасини тулдиради.

Масалан:-Уқитувчи ёдлашни муайян мнемоник усуллари ,қуникма ва малакаларини шакллантиришда уз ахамиятини йукотади.

2.ТАЪЛИМДА УҚИТИШ УСУЛЛАРИ ВА ЙУЛЛАРИ.

-Уқитиш усуллари куйидагича тақсимлаш мумкин.

-Тафаккур, диққат, хотирабтасаввурнинг айрим операцияларини шакллантириш ва активлаштириш усуллари.

-Укувчиларнинг тафаккур фаолиятида проблематик ,изланишни талаб қиладиган вазифаларни вужудга келтирадиган усуллар.

-Укувчиларни укув материални урганиш билан боглик кечинмалари,хис-туйгуларини активлаштирувчи усуллари.

-Укувчиларни назорат қилиш ,уз-узини назорат қилиш, узини-узи ургатиш усуллари.

-Укув жараёнида укувчиларнинг коллектив ва шахсий узаро муносабатларини бошқариш усуллари.

Укитиш муайян ташкилий формалари амалга оширадиган, биз уларни дарс утиш, экскурсия, амалий лаборатория машгулотлари, семинар, лекция, ишлаб чиқариш ва педагогик практика, уй иши ва бошқалар тарзида тушунамиз.

Группа усулида ва индивидуал тарзда укитиш тарихан таркиб топган ва ривожланмоқда. Индивидуал тарзда укитиш деганда укитувчи ёки мураббий ҳар бир укувчини унинг укув материаллини узлаштиришда шахсий суръатига ва қобилиятига қараб алоҳида укитиш тушунилади. Индивидуал тарзда укитиш укувчи шахсининг хусусиятини ва унинг билиш хусусиятларини чуқурроқ урганишга ёрдам беради.

Группа усулида укитиш укитувчининг укувчилар группаси билан иш олиб боришини таказо қилади. Аввалдан энг аввало вақт, яъни укитиш ишининг унимдорлиги масаласидадир. Бир укитувчи айни бир вақтнинг узида бир эмас балки укувчиларнинг бутун бир группасини укатади.

Мактабда укув машгулотларини ташкил этишни дарстан ташқари бошқа формалари ҳам мавжуд: амалий ва лаборатория машгулотлари, мустикал уй иши, экскурсиялар, укув устахоналар ва цехларда ишлаш қабилар. Машгулотларни бундай турлари синф дарс системасини тулдиради ва такомиллаштиради. Сунги йилларда олимлар томонидан нашр қилинган педагогик адабиётларда дидактик принциплар турлича группалаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қуйдагича таълим принциплари курсатиб утиш мумкин:

1. Таълимнинг илмий бўлиши принципи.
2. Таълим ва тарбиянинг бирлиги принципи.
3. Таълимнинг системали ва изчил бўлиши принципи.
4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши принципи.
5. Таълимда онглик, активлик ва мустикаллик принципи.
6. Таълимда курсатмалилик принципи.
7. Таълимда укувчиларга мос бўлиш принципи.
8. Таълимда билим, қунокма ва малакаларини пухта ва мустикалманиш принципи.
9. Укувчилар коллективга таълим бериш жараёнида ҳар қандай укувчига ҳос хусусиятларни ҳисобга олиб укитиш принципи.

3 ДАРСЛИКЛАР ВА КИТОБЛАР БИЛАН ИШЛАШ.

Мактабда урганиладиган ҳар бир предмет инсоният ижтимоий тарихий тажрибасининг бир қисмидир. Асосан бу фанлардан бири бўйича билимларнинг махсус ишлаб чиқилган системасидир. Шунга биноан укув предмети рус тили, математика, химия ва шу қабил номларни олади, укув предмети инсоният тажрибасининг бошқа томонларининг: санъат ва маданиятни, меҳнат, жисмоний тарбия ва ҳокозоларни ҳам ақс эттириши мумкин.

Ҳар бир предмет билимларни узлаштиришни, амалий қунокмалар ва малакаларни шаклланишини қузда тутуди. Мактабнинг муайян типига урганиладиган барча укув предметларни ҳам укувчилар эгаллайдиган билимлар, қунокмалар малакаларни белгилайди.

"Умумий таълим ва ҳунар мактабларини ислох қилишнинг асосий йуналишлари"нинг мазмуни укувчилар, айниқса, усмирларни қасб танлаш ва меҳнатга йуллашга эътиборни қаратади. Ҳукуматнинг қарорларига биноан мактабларида укувчиларнинг меҳнатга жалб этиш учун шароитлар яратилмоқда. Ҳар бир урта мактабни бирор қорхона оталиққа олиб, укув жараёнини техника воситалари ва замонавий усқуналар билан жиҳозлашга, шунингдек, юқоир синф укувчиларнинг умумий меҳнатда иштирокини ташкил этишга ёрдам курсатади. Професионал малак ва қунокмаларни шакллантириш учун қулай шароитлар вуждга қелади. Масалан, қишлоқ мактабларининг юқори синф укувчилари автомобил, агро техника, қорвачилиқ асослари, тарқатор қомбайн ва бошқа машиналарда ишлашни урганиш имқониятига эга бўладилар. Мактаблар аро укув ишлаб чиқариш қомбинатлари вужудга қелтиралаётгандир.

Фан-техника таракқиёти, замонавий фан ва ишлаб чиқариш маданияти, санъат мактаб таълими мазмунига доимо таъсир курсатмоқда. Мактабнинг вазифаси ҳам укувчилар билимини замонавий фанга ишлаб чиқаришда, замонавий маданиятга яқинлаштиришдан, меҳнат қилиш иштиёқини тарбиялашдан ва қелғусидаги меҳнат жараёнига жалб этишдан иборатдир. Шу сабабли мактаб

таълимнинг, укув материалнинг системаси ва структурасини такомиллаштиришга, барча иккинчи даражали ва такрорланувчи нарсалардан холи килишг, энг оммабоп укув программалари ва дарсликлари яратишга каратилган доимий тэнденция вужудга келаётдир.

Укув предметларининг мазмуни дарсликларда очиб берилади. дарслик укув предмети мазмуни прогаммага мувофик баён килиш ва характерлаб беришдан иборатдир. Укувчиларнинг билимларини узлаштириш мувоффакияти дарсликалр сифатига боглик.

Яхши дарсликнинг асосий белгилари куйдагилардан иборат: тушунарли илмий баён укувчида фикрлашнинг манткиий, исботли булишини, билим олиш сохасидаги активлик ва кизикишларини шакллантириш:

Амалий куникмалар ва малакалар системаси ва характерини белгиловчи назарий коидалар етакчи рол уйнаши:

Илмий материал мазмунини узлаштириш имконини берадиган фактлар тушунтиришлар, мисоллар, расимларнинг пухта танланиши:

Кизикарли машклар, амалий ишлар, топкирлик, фикр уткирлиги буйича топшириклар:

Укув материалнинг кишиларнинг мехнат турмуши ва хаётининг янги жамият курилишидаги мувоффакиятлар билан алокаси:

Яхши безатилган булиши:

Дарслик мактаб прогаммасига мувоффик булиши керак. Бошлангич, урта мактаблар юкори синфларнинг купгина дарсликлари ана шу хусусиятларга эга.

Бита предмет буйича бир неча дарслик булиб,уларда битта программанинг узини турлича баён килиниши, улар материални анализ килишнинг турли методлардан, исботлар, машклар, мисолларнинг турли воситалари ва усулларидан фойдаланилган булиши мумкин. Бу нарса укутувчининг илмий билимларига ,педагогик махорати ва тажрибасига боглик.

Замон фан ва техника тараккиёти халк хужалигининг хамма сохасида,шу жумладан укиш-укитиш сохасида хам янги-янги техника воситаларидан фойдаланишни,маактаб таълими самарадорлигини оширишга какратилган ижодий изланишларни тобора купрок талаб килмокда.Шу муносабат билан мактабларда олиб борилаётган ташаббускорлик узининг яхши натижаларини курсатаётир.Хозирги кунда программалаштирилган таълим икки йуналишда:

машина воситаси билан ёки машина воситасисиз олиб борилади.

Машина воситасидапрограммалаштирилган таълим укувчилар программа хажмидаги илмий билимларини узлаштириб олишлари учун зарур булган иш,харакат ва операцияларни шунга боглик куникма ва малакалар билан курулантириш хамда укувчиларни билиш кобилиятиниузлаштиришга каратилгандир.Хозирги кунда бундай дидактик максадларни амалга оширадиган машиналар асосан уч группага булинади:

1.Информация(илмий маълумотлар) берувчи ва унинг узлаштиришини текширувчи машина;

2.Машк килдириш учун ишлатиладиган "тринажер" деб аталадиган машина,худди шу вазифани бажарадиган"репетитор"деб аталадиган машина;

3.Узлаштиришни текшириб курадиган(экзаминатор)деб аталадиганмашина;

Юкоридаги хар уччала машинанинг хизматини бажарувчи алохида машина хам мавжуд.

Информация берадиган машиналар оркали маълум бир варақдаги текстни укиш,чет тиллардан килинган таржималарни,формулаларни ,ракамларни ва турли тасвирларни баён килиб бериш мумкин.

Шундай килиб фан-техника ривожии мактаб таълимининг самарадорлигини оширишда улкан урин эгаллайди.

4.ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ.

Таълимнинг кургазмали булиши мактабларимиз тарихида узок вақтлардан бери давом этиб келади ва унинг ахамияти гоят каттадир.Кейинги йилларда мактаб таълими самарадорлигиниоширишга каратилган янги ва купдан -куп техника воситалари яратилди ва улар улкан ижобий натижалар бермокда. Сунгги йилларда мактабларимиз практикасида Аудиовизуаль яъни эшитиш хам куриш техника воситалари (кино фильмлар ,телевидения хам радио эшиттиришлари патефон магнитофон ленталари)кенг куламда кулланилмокда.

Кинофильмлар,шу жумладан :укув кинофильмлари купдан бери укув жараёндан урин олиб келмокда.Айникса,рангли тасвирлар ва оддий куз билан куриш мумкин булмаган объектларнинг намоийиш килиниши таълим жараёнида мухим ахамиятга моликдир.

Шунингдек укувчиларнинг узлари ҳам кинога олиш аппаратлари оркали таълим учун зарур булган объектларнинг кинога олишлари табиат ходисаларининг тадбирийд ривожид, ер катламлари табиий манзаралар, тарихий жойлар ва ёдгорликлар, ишлаб чиқаришдаги операцияларни урганишда катта имкониятлар яратиб беради.

Телевидение-таълим самарадорлигини оширишда муҳим рол уйнайди. Аввало шуни айтиш керакки, телевидение воситасида бир йула куп сонли укувчилар группалари йирик мутахасислар, фан, техника ва санъат арбобларининг лекцияларидан фойдаланишлари мумкин. Телевидение ниҳоятда катта имкониятларга эга: унда турли муасасалар, экин майдонлари, фермерлар, илмий лабораториялар, музей ва выставкалардан олиб курсатиш имконияти мавжуддир.

Бу гоят муҳим дедактив аҳамиятга эга. Минглаб укувчиларимиз мактабларда ажратилган алоҳида хоналарда, мактабдан ташқари белгиланган муҳсус жойларда Республикамизда ташкил этилган укув эшитиришлари, айниқса математика, чет тиллари буйича утказилаётган машгулотлардан кенг суръатда фойдаланиб келмоқдалар.

Айниқса ишлаб чиқариш, кишлок хужалиғи ва уларнинг кенг тармоғида олиб бориладиган иш жараёнлари яъни техникадан фойдаланиш шунингдек, мактаб лабакратория ва кабинетлари амалга ошириш мумкин булмаган тажрибаларни телевидение оркали намоиш қилиш жуда муҳим дедактив қимматга эга. Тугри телевидение машгулотларида тингловчилар билан алоқа урнатиш мумкин эмас.

Шунга қарамай уқитувчи машгулот олдидан укувчиларни баён қилинажак масалалардан хабардор қилиши вამалум даражада тайёргарлик қуришлари, шунингдек, эшитиришдан сунг машгулот юзасидан суҳбатлар утқизиш хулосалар ясаши, ях=ши самара беради.

РАДИО- марказий ва маҳаллий радио станциялар оркали мактаб укувчиларга оид эшитиришлар бериб борилмоқда. Шунингдек, айрим мактаблар уз радио узелларига эга. Радио оркали физкультура, музыка ва чет тиллари буйича дарс олиб бориш катта урин эгаллайди.

Чет тиллар юзасидан олиб борилган машгулотлар уквчиларни чет сузларини тугри талаффуз қилиш, ифодали уқиш ва умуман болаларнинг нутқини устиришда муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, радио узелларида укув грам запислари, фанограммалар, эшитириш, классик адабиётлар намуналаридан ёзиб олинган парчалар текстни эшитириш, ашулла ва физкультура дарсларда ёзиб олинган музыкалардан кенг фойдаланилмоқда.

ПАТЕФОН ВА МАГНИТАФОН ленталари (пластинкалар)га ёзиб олинмаган материаллар, хусусан, чет тилларини урганишда кенг қуланилади. Булар айниқса, чет сузларини тугри талафуз қилишда гап тузишда зарур булган малакалар билан қуроллантиради. Адабиёт, музыка, ашулла дарсларини утъишда машхур артислар, бастакорлар, хонандалар ижросида ёзиб олинган бадий уқишлар, музыка ва қушиқларни эшитириш кенг қуланилади ва у катта самаралар бермоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1 С. П. Баранов, Л. Р. Болотина, Слостенин " Педагогика".

Тошкент." уқитувчи" 1990й.

2 С.Р.Ражакбов. "Педагогика". Тошкент. " уқитувчи"1981й.

САВОЛЛАР:

1 Уқитиш усулларини қандай тақсимлаш мумкин ?

2 Группа усулида ва индивидуал тарзда уқитишнинг бир-биридан фарқи нимада?

3 Мактабда укув машгулотларини ташкил этишнинг дарсдан ташқари қандай формалари мавжуд? Уларнинг аҳамияти?

4 Уқувчи телевидение ва радио оркали қандай имкониятларга эга булади?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Группа, идевидуал, укув машгулотлари, дидактив, таълим методикаси.

МАВЗУ № 16: ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

РЕЖА:

1. Укув жараёнини ташкил этиш хакида.
2. Таълимда синф дарс тизимининг келиб чиқиши ва такомиллашиб бориши хакида.
3. Дарсда укув жараёнининг тузилиши.
4. Дарс турлари ва тузилмалари.

УКУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИШ ХАКИДА.

Мактабнинг тарихан тараккий этиш даврида таълимни ташкил этиш шакллари турлича булган. Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос холда шаклланди. XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги И.А.Коменский (1592-1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф-дарс тизимини яратди.

Я.А.Коменский таълими ташкил қилиш хақидаги қарашлари бир қатор хиссий қаршиликларга учраган бўлса ҳам, Гарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил этишни бирдан-бир шакли деб эътироф этилди. Ўзбек мактаби октябр тунтаришидан кейин синф-дарс тизимига ўтди. Октябр тунтаришига қадар марказий осийда урта аср мактабларига ҳос таълим тизими давом этиб келди. Бир ўқиш хонасида 6 ёшдан 15-16 ёшгача болалар гуруҳи билан бир вақтда машгулот олиб бориларди. Шунингдек, бир ўқиш хонасида ги укувчининг билим даражаси ҳам турлича булар эди. Эндиликда мустақил жумхуриятимиз халқ таълими олдига қўйган талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан холда мактаб таълимини ташкил қилишнинг янги -янги шакллари яратилмоқда.

Синф-ёши ва билими жхатдан бир хил булган маълум миқдордаги укувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян укувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машгулотига айтилади. Мактабларимиз босиб ўтган тарихий давр ичида таълимнинг ташкил қилиш шакллари ўзгарди, ривожланди.

ТАЪЛИМДА СИНФ-ДАРС ТИЗИМИНИ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ВА ТАКОМИЛЛАШИБ БОРИШИ.

Ҳозирги мактабларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қулидаги ташкилий шаклларда олиб борилади.

1. Хар қайси синф ёши ва билимига қура бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машгулоти асосан 45 минутга ммулжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва яққа шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўқитилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта тугалланган билим берилади ва навбатдаги билимларнинг ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб ўйлаштирилади.

Айни пайтда, мактабларимизда таълимни ташкил қилиш шакллари икки турда олиб борилмоқда.

1. Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машгулот.

2. Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар.

Синф-дарс шаклида олиб бориладиган машгулот ўқитувчининг қундалиқ укув материални тизимли баён қилиб беришни, хилма-хил усуллардан фойдаланишни, укувчиларни билим, қуниқма, малакаларини изчиллик билан ҳисобга олиб беришни, укувчиларни мустақил ишлашга ўргатишни ўз ичига олади.

Амалий ва тажриба ишлари шаклида олиб бориладиган машгулотлар синф шароитидан ташқарида, укув устахонасида, тажриба ер участкалари ва қолхоз-совхоз экин майдонларида ишлаш, саёхатлар ўтказиш йули билан олиб борилади.

Ҳозирги замон дидактикаси қўп йиллар давомида туплаган ўқитиш қоидалари, қанчунан янада илгор тажрибалар асосида олиб борилмоқда. Лекин мактаб олдида турган янги вазифалар ва эҳтиёжлар укувчиларга бериладиган таълим ва тарбия сифатини оширишни, уни янада ривожлантиришни ва юқори босқичга қўтаришни талаб қилади.

ДАРСДА УКУВ ЖАРАЁНИНИНГ ТУЗИЛИШИ.

Дарс, юкорида айтиб утилганидек, укитишни ташкил этишни узгармас шакли эмас. Укув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йулини излайди. Турли туман фикр мулохазаларни хисобга олган холда дарс куйидаги умумий дидактик талабларга жавоб берише лозим.

1. Хар бир дарс маълум бир максадни амалга оширишга каратилган ва пухта режалаштирилган булмоги лозим.

2. Хар бир дарс мустахкам гоъвий-сиёсий йуналишга эга булмоги лозим.

3. Хар бир дарс турмуш билан, амалиёт билан боғланган булмоги лозим.

4. Хар бир дарс хилма-хил усул, услуб ва воситалардан унумли фойдаланган холда олиб борилиши лозим.

5. Дарсга ажратилган хар бир соат ва дакикаларни тежаб, ундан унумли фойдаланиш лозим.

6. Хар бир дарсда укитувчи ва укувчининг фаоллиги бирлигини таъминламоги лозим.

7. Дарсда укув машгулотларини мазмунига оид курсатмали куруллар, техника воситалари ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятларини яратмок лозим.

8. Дарс машгулотларини бутун синф билан ёппасига олиб бориш билан хар кайси укувчининг индивидуал хусусиятлари, унинг мустакиллигини ошириш хисобга олинади.

9. Хар бир дарс мазиуни характеридан келиб чикиб, халкимизнинг бой педагогик меросига муружаат килиш ва ундан фойдаланиш лозим.

ДАРС ТУРЛАРИ ВА ТУЗИЛИШЛАРИ.

Бир соатлик барсга мулжалланган дастур материалнинг мазмунини баён килиш учун дидактик максад ва талабларга мувофик равишда ташкил килинган машгулот турлари деб юритилади. Таълим тизимида энг куп кулланиладиган дарс турлари куйидагилар:

1. Янги билимларни баён килиш.

2. Утилган материалларни мустахкамлаш дарси.

3. Укувчиларнинг билим, малака ва куникмаларини текшириш ва бахолаш дарси.

4. Такрорий умумлаштирувчи ва кириш дарслари.

5. Аралаш дарс (юкоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга кулланиши).

Маълум бир дарс тури билан олиб бориладиган машгулотларда иккинчи, хатто учинчи бир дарс турининг элементлари булиши мумкин.

Демак, дарс бошдан-оёк бир дастур билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён килиш билан бирга уни мустахкамлаш (иккинчи бир дарс тури элементлари-савол-жавоб утказиш), янги билимлар устидамашк утказиш (учинчи дарс тури элементи-масала ва мисоллар ечиш, грамматик тахлилишларини олиб бориш, уйга вазифа, бошка бир дарс элементи-тушунтириш, йул-йуриklar курсатиш) каби бошка элементларихам булиши мумкин. Бирок, дарс турлари тузилишидаги хар кандай кисм-дидактик усул дарс тузимини ташкил кила олади. Яъни дарс тузумининг узгариши биланок дарс олиб бориш усули хам узгаради. Демак, дарснинг шу кисмига келиб, дарснинг шакли хам бусули хам узгаради. Бу билан дарснинг янги боскичи бошланади. Масалан: аралаш дарс турининг тузилиши;

1. уй вазифаларини сураш, текшириш;

2. янги материалларни баён килиш;

3. янги материалларни мустахкамлаш;

4. уй вазифаларини топширишни уз ичига олади;

Фойдаланган адабиётлар:

1. А.К. Мунавваров "Педагогика" Тошкент. "Укитувчи". 1996.

2. И.И. Турсунов, У.Н. Нишоналиев "Педагогика курси". Тош. "Укитувчи". 1997.

3. М. Миркосимов "Дарс кузатиш ва уни тахлил килиш". Халк таълими. 1995.

4. Р.А. Мавлонова "Узлуксиз таълим" "Маърифат". 1992 йил 26-июнь.

Назорат саволлари.

1. Синф-дарс тизимини 1-яратувчиси ким?

2. Дарс турлари.

3. Таълимни ташкил килиш шакллари.

4. Дарс жараёнида куйиладиган талаблар.

5. Аралаш дарсга тушунча беринг.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Таълим тизими, синф -дарс тизими, синф , дарс синф-дарс тизимини марказий осиёга кириб келиши, дарс турлари.

МАВЗУ № 17: БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ УЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ.

РЕЖА:

1. Бошлангич синфдаги дарсларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлан-тирувчи вазифалари.
2. Бошлангич синфларда дарс тузишни узига хослиги.
3. Кичик мактаб ёшидаги болалар билан табиат кучогида укув машгулотларини утказиш.

БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДАГИ ДАРСЛАРНИНГ ТАЪЛИМИЙ, ТАРБИЯВИЙ ВА РИВОЖЛАНТИРУВЧИ ВАЗИФАЛАРИ.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сунг иктисодий ҳамда ижтимоий ривожланишнинг узига хос йулига эга булди. Мустақиллик омили таълим соҳасини ҳам тубдан янгилаш имконини берди.

"Таълим тугрисидаги конун"нинг "Давлат таълим стандарти" тугрисидаги еттинчи моддасида белгилаб берилганидек, давлат таълим стандартлари умумий урта, урта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим мазмунига бифатига, куйиладиган талабларни белгилайди. Давлат таълим стандартларини талаблари ва меърий курсаткичлари белгилаб куйилади.

"Таълим тугрисидаги конун"да таъкидланганидек: "Мактабнинг 1-синфига болалар 6-7 ёшдан кабул килинади. "Бошлангич таълим концепция"сида эътироф этилганидек 6 ёшга тулган хар кандай бола аклий, рухий ва жисмоний жихатдан мактабга укиш учун тайёр булганда мактабнинг моддий техник баъзаси бундай болаларга таълим бериш учун етарли деб хисоблаганда ҳамда укувчилар педагогик ҳамда психологик жихатдан олти ёшли болаларни укишга тайёр булганда уларни мактабга кабул килиш мумкин. Бунинг учун 6-7 ёшли болалар, мактабнинг моддий техник баъзаси ҳамда укутувчилар педагогик ва психологик талаблар асосида катъий диагностика килиниши шарт".

Ўзбекистон Республикаси да "Умумий урта таълим тугрисидаги Низом"да таъкидланганидек; "Бошлангич таълим укиш, ёзиш, санаш, укув фаолиятининг асосий малака ва куникмалари, ижодий фикрлаш хислатлари бузини-узи назорат килиш укуви, нутк ва хулк-атвор маданияти, шахсий гигиена ва соғлом турмуш асослари эгаллаб олишини таъминлаши даъват этилган". Шу асосга кура Бошлангич синфларда укувчиларнинг умуммаданий ва ахлокий куникмалари, дастлабки саводхонлик малакалари шакллантирилиши лозим. Бошлангич таълим жараёни болаларнинг мантикий тафаккур кила олиш салохиятини, аклий ривожланишини, дунё карашини, комуникатив саводхонлигини ва уз-узини англаш салохиятини шакллантиришда, жисмонан соғлом булишга, моддий борлик гузалликларини хис эта олишга, гузаллик ва нафосатдан завклана олишга, миллий урф-одатларни хис эта олдишга ва ардоклашга, уларга риоя килишга ургатади.

Тарбиявий мақсад: укувчиларга гоъвий-сиёсий тарбия бериш, уларда аклий меҳнат, малака ва куникмаларни хосил килиш, шунингдек укувчиларнинг билишга булган фаолиятини ошириш куйидагиларни уз ичига олади:

- укувчиларни ватанпарварлик ва поклик руҳида тарбиялаш;

- хар томонлама ривожланган, маънавий жихатдан бой мустақил фикрловчи шахсни шакллантириш;

- ростгуйлик, узга хакга, унинг кадрийатларига хурмат билан карашлик, иймон, эътикод, дустлик, уз кадрийни билиш ва иродалилик каби сифатларни шакллантириш.

Тарбиявий (ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлокий поклик каби) мақсад амалга оширилади. Тарбиявий мақсадни амалга оширилишига мулжалланган матнлар эса дарслик, кулланма ва бошка адабиётларда уз ифодасини топади.

Таълимий мақсад: таълимий мақсад деганда- дарс жараёнида укувчиларни тафаккурини устириш ва фанларни узлаштиришни эгаллаган билимларини ривожлантириш тушунилади.

Ривожлантирувчи мақсад укувчи шахснинг аклий, хиссий ва мотивацион (ички туртки) хусусиятларини ривожлантиришни ифодайди. Ривожлантирувчи мақсад нуткий харакатлар туфайли юзага чиқади. Ривожлантирувчи мақсад укувчиларни дарс жараёнида ва дарсдан ташқари вақтларда мустақил булиб укиб урганишга йуналтирилади.

укувчиларни тайёргарлик даражасига куйиладиган мажбурий минимал талаблар.

умумий урта таълим икки босқичдан иборат булиб, бошлангич (1-4 синфлар) ва умумий урта таълим (1-9 синфлар)ни камраб олади.

Умумий урта таълимнинг давлат таълим стандарти бошлангич ҳамда умумий урта таълим нихоясида укувчилар эгаллаши лозим булган билим,куникма ва малакаларни минимал даражасига белгилаб беради.

2.БОШЛАНГИЧ СИНФЛАРДА ДАРС ТУЗИШНИ УЗИГА ХОСЛИГИ.

1-4 синфлар она тили ва укиш.

Бошлангич синфларда укувчилар она тили ва укиш буйича куйидаги билим,куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

А).укиш техникаси буйича:

микдорий курсатгич:бир дакикада 80-90 сузни укий олиш.

Талаблар:

- харфларни тугри талаффуз килиш;
- сузларни тугри укиш;
- гап охангиги риоя килган холда равон ва образли укиш;
- гапдаги тиниш белгиларни талаффузда акс эттириш;
- санаш ва ажратиш охангларида тугри фойдаланиш;
- суз ургуларига риоя килиш;
- охангга риоя килиш;
- илмий атама ва рамзларни тугри талаффуз этиш;

Б).матн мазмуни ва узгалар фикрини англаш малакаси буйича; Микдорий курсатгич:10 дакикада 4-5 сахифали матнни укиб,кайта сузлаб бера олиш.

Талаблар:

- огзаки нуткнинг тугри,равон,аник,тушунарли таъсирчан булиши; -монологик нуткнинг равон булиши;
- диологик нуткда таъсирчан,изчил,мантикий жихатнинг аник булиши;

В).диктант ёзиш малакаси:

Микдорий курсатгич:75-80 суздан иборат диктант ёза олиши. Талаблар:

- имло хатоларга йул куймаслик;
- ижодий матннинг мантикий жихатдан изчиллиги;
- берилган изолярнинг аниклиги;
- лугатларни тугри ва аник берилиши;

Узбек тили.

Таълим тилидан бошка тиллирда олиб бориладиган мактабларнинг 1-4 синфларда давлат тили таълдимида укувчилар куйидаги билим,куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- узбек тилидаги 700 та сузни нуткларида куллай олиш;
 - мамлакатимиз мустакиллиги рамзлари ва байрамлари хакида сузлаб бериш;
 - ёзма ва огзаки нуткларга эга булиш;
 - фикр баён килиш учун зарур булган айрим грамматик воситаларни уз урнида куллай олиш;
 - богланишли нутк элементларидан тугри фойдаланган холда содда матн туза олиш;
 - халк огзаки ижоди ҳамда болалар адабиёти намуналаридан олинган парчаларни укиб тушуна олиш;
- Математика.

Бошлангич синфларда укувчилар математикадан куйидаги билим куникма ва малакаларни эгаллашлари шарт:

- сонларни укиш ва ёзиш,уларнинг хона кушилувчиларини йигиндиси куринишидаги сонларни тушуниш;
- натурал сонларни тугри таккослаш"катта", "кичик"ва "тенг"белгиларини тугри куллаш.
- сонларни ёзма кушиш,уч хонали ва турт хонали сонларни айириш,бир хонали ва икки хонали сонга купайтириш ва булиш;
- кушиш,купайтириш,айириш ва булишнинг холларда юз ичида огзаки хисобларни бажара олиш;
- "йигинди","айирма","купайтма" ва "булинма"атамаларини маъносини тушуниш ва сонли ифодаларни укишда кулай олиш;

Жисмоний камолотга оид:

- инсон саломатлигини ва жисмоний камолотига оид тушунчаларни билиш;
- чиникиш мохиятини англаш;
- гимнастика машкларини бажара олиш;

- шахсий гигиена меёрларига амал қилиш;
- жисмоний машқларни инсон камолотини таъминлашдаги ахамиятини англаш; -жисмоний тарбия машқларни хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда бажара олиш;
- миллий уйинлар қоидаларини билиш;
- турли спорт уйинларини элементларини қуллаш олиш;

Музыкага оид:

- музыка бадиий санъат эканлигини билишлари;
- халқ музыка мероси ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- чолғу асбобларини билиш ва товуш тебурларидан уларни фарқлай олиш;
- музыкага оид оддий атамаларни билиш;
- нота ёзувларини билиш ва амалда қуллаш олиш;
- биргалликда ва яққа ҳолда қуллаш олиш;
- музиканинг ифода воситаларини билиш;
- ижрочилар турларини ижро услубларидан фарқлай олиш;

Тасвирий санъатга оид:

- тасвирий санъат ва унга оид ибораларни билиш;
- асосий рангларни фарқлай олиш;
- бадиий материаллар,асбоблар ва жиҳозларни фарқлай олиш;
- рasm ишлаш босқичларини билиш;
- нақшлар ва уларнинг хусусиятини билиш;
- буёқни уз урнида ишлата олиш;
- табиат манзараларини қузатиш ва тасвирлай олиш;
- буюмлар яшаш ва уларни безата олиш;
- турли рангларни ҳосил қила олиш;
- бадиий тасвирларнинг жамият ҳаётида тутган урнини билиш;

Инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига оид:

- Ватан тушунчасига эга бўлиш;
- давлат тушунчаси,давлатнинг рамзий белгиларини,она Ватан туйғусини англаш;
- Ўзбекистон аҳолиси ва миллий таркибини билиш;
- мамлакат ҳаётидаги буюқ саналарни ва байрамларни билиш;
- ахлоқ ва қийиниш меёрларини билиш;
- уйғутишни билиш;
- мехмонга,атрофдагиларга мулозамат қурсатиш;
- дастурхон тузатишни билиш;
- орасталик меёрларини билиш;
- уз тугилган жойи ва улқаси ҳақида тушунчага эга бўлиш;
- техник моделлаштиришга оид ишларни бажара олиш;
- уй рuzгор ишларини бажара олиш;
- содда конструкторлик ишларини бажара олиш;
- дурadгорликка оид содда ва енгил ышларни бажара олиш;
- оддий бичимли тикиш ишларини бажара олиш;
- инсон меҳнатини фаолият турларини англаш;
- хуқуқ ва хуқуқбузарлик тасаввурига эга бўлиш;
Хар бир шахснинг, жамиятнинг раванқ топишида ахлоқнинг асосий роли тасвирлажи. Зеро, жамият аъзоси булган хар бир кишининг ахлоқсизлиги жамиятга қай даражада зарар етказса, яхши ахлоқли кишилар унинг раванқига шунча хисса қууадилар.

"Қуръон" да хар бир мумин мусулмон бажариши зарур булган яхши хулқлар инсонни ҳақиқий қамолотга ундовчи инсоний фазилатлардир, ёмонликнинг олдини олиш, кишиларга ёмонликнинг хунук оқибатларини тушунтириш ҳамда уларни доимо тугри йулда юришга чақиритишдан иборатдир.

"Қуръон" да инсонда иймоннинг узига ҳос меъзони саналган саҳоват, меҳмоннавозлик, инсоф-диёнат, ростгуйлик, холаллик, жасорат, сабр қаноат, вафодорлик, меҳр-муҳаббат, содиқлик қатта эътибор берилган.

Иймон одамларни инсоф-диёнатга, ростгуйлик ва ҳалилликка, меҳр оқибатга чорловчи оламдир.

3. Ислол ақидаларининг, унинг ахлоқий-ҳуқуқий тамойилларининг асосий манбаи "Қуръон"дир. Ислолнинг шаръий маъноси - бу Аллох ягона деб эътикод қилиб, унга буйсунмоқлик ва бутун қалб билан унга ихлос қилмоқлик ва Аллох буюрган диний эътикодга иймон келтирмоқлик демақдир.

илоҳиётда ислол дини иймон, ислол ва эҳсондан иборат, деб эътироф этилган. Иймон талаблари ва Аллохга эътикод, фаришталарга муқаддас қитоб ва пайгамбарларга, оҳират қунига, тақдири азалга ва улгандан кейин тирилишига ишонишдир.

Мусулмон таълимотига кура хар бир мусулмом ушбу бешта асосий рунни бажариши зарур: биринчиси "Ла илааха иллаллох ва Мухаммаду-р-расуллох" деб шаходатлик бериш; иккинчиси, намоз укиш; учинчиси закот бериш, туртинчиси - рамазон ойила руза тутиш; бешинчиси имконига кура хаж килиш.

"Куръон"да инсонда иймоннинг узига хос меъзони саналган саховат, меҳмоннавозлик, сабр-каноат, тугрилиқ, вафодорлик ва содиқликка катта эътибор берилган. Шундаки, инсондаги ахлокий хислатлардан энг муҳими хайру сон хақида алоҳида фикр юритилади. Эҳсон-инсоннинг табиий вазифаси булиши кераклиги талкин этилади. Чунки Аллох барча неъматларни инсонга эҳсон этган, инсон ҳам шу неъматларни узилаш бошқаларга эҳсон этиши керак: "Аллох сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам инфок - эҳсон қил", - дейлади "Қасас" сурасининг 77-оятда

"Куръони Қарим" да эҳсонга лойиқ кишиларга биринчи навбатда ота-оналар киритилади ва ота-она хақи белгилаб берилади. "Ал-Исро" сурасининг 23-24 оятларида ота-онага яхшилик - Аллох таоллога ибодат қилишдан кейин иккинчи вазифа сифатида таъкидланади. Ота-она қандай инсон булишидан қатъий назар, фарзанд уларга нисбатан хурмат сақлаши, уларнинг сузларини қайтармаслиги, ота-она ҳам болани дунёга келтириши билан бирга фарзандга таълим тарбия ҳам берганлигини унутмай, ҳаққига доимо тайёр туриши таъкидланади.

"Куръон" да фақат ота-она эмас, оиланинг бошқа аъзоларига: қариндошлар, етимлар, қамбағаллар, қуви-қушнларга ҳам яхшилик қилиш таъкидланган. "Нисо" сурасининг 36-оятда "Ота-онангизга ҳамда қариндош уруг, етим ва мискинларга, қариндош қушни ва бегона қушница, ёнингиздаги ҳамроҳингизда, йуловчи мусофиға яхшилик қилингиз! дея қишиларни бир-бирига яхшилик қилишга ундайди.

"Куръон" да сабр қаноатга юксак ахлокий фазилат сифатида катта эътибор берилади. Шунинг учун ҳам сабр "Куръон" да, энг қуп зикр этиладиган ахлокий хислатдир. "Куръон" да таълим берилишича сабр инсонда қуйидаги хислатларни қамол топтиради. Масалан, шижоат қийинчилиқларга сабр қилиш натижасида намоён булса - шахваний хрисга сабр қилишдан иборат, ҳалимлиқ - жалхга сабр қилиш меъзони сифатида талқил этилади.

"Куръон" да инсонда, иймонда тарқиб топиши керак булган олий хислатлардан яна бири садокат, деб таълим берилади. Хар бир жамиятнинг равнақи шу жамиятда яшаётган қишиларнинг ватанига, халқига, садолқатига ҳам боғлиқдир. Садокат бор жойда иймон ишонч, эътиқод мавжуд булади. Бу хислат жамият учун не чоғлиқ зарур булса оила учун ҳам шунчалиқ муҳимдир. "Куръон" да садокат барча яхшиликларнинг дебочаси сифатида талкин этилади. Фақат садокат орқали қишиларда бир бирига ишонч пайдо булади. Шунга кура Аллох мусулмонларни бир бирларига садокатли булишига ундадан "Эй муминлар, аллоҳдан қурқингиз ва иймонларида садокатлилар билан булингиз", - дейлади.

"Куръон" да қишилар уртасидаги узаро муносабатларни яхшилаш тугрисида ҳам гап борали ва бу олий даражадаги инсоний хислат булиб, пок қалбий қишиларгина бунга эриша олади, дейлади. Бу хислат жамият миқёсида булсин, хох одамлар орасида булсин, тинчлик осойишталик келтиради. Шунинг учун ҳам қишиларнинг узаро алоқасини мустаҳкамлаш мусулмончилиқ талабаларидан саналади. "Хужурат" сурасининг 10-оятда: "Муминлар хеч шак-шубҳасиз ота-инилардир. Бас. Сизлар икки оға мингизнинг уртасини унглаб қуйинглар", - дейлади.

Ижтимоий хаётда хар бир шахс ёки жамият қишиларининг фаровон ва бахтли хаёти уларнинг тинч тотув яшашига қуп жихатдан боғлиқ. Шунга кура "Куръон"да қишилар уртасидаги узаро ёрдамга алоҳида ахамият берилади. Яхшилик ва такводорлик йулида бир бирига ёрдам беришга қақирилади.

"Куръон"да яхшилик тушунчаси остида ростгуйлик, қаноат, сахийлик, шихоат ва бошқа барча фазилатлар назарда тутилади.

"Куръон" да инсонни маънавий пок булиш, ҳавойи нафсдан сақланиш масалаларига ҳам эътибор берилган. Хаойи нафсга берилишнинг асосий сабаби сифатида қиши иродасининг занфлиги ва илмсизлиги ёки илмнинг қамлиги қурсатилади. Чунки инсон билимсизлиги туфайли хаойи нафсга маҳқум этилади, шунга кура ақлини ишлатиб, хаётда тугри йул тутишга даъват этилади. Масалани "Анъам" сурасининг 119 оятда "Шубҳасиз қуп қишилар уз хаю-ҳаваслари билан билмаган қолларида узларини йулдан оздирурлар. "Рум" сурасининг 29-оятда "Золим қимсалар бирон билим - хужжатсиз ҳавойи нафсларга эргашиб Аллох гаширқ келтирдилар" қаби фикрлар бунинг далилидир. Аллоҳга ширқ келтириш эса иймонсизлик хисоблашади.

"Куръон" да яна инсонни ахлокий камолга етказишга зид хусусиятлар яъни иймон нуруни хиралаштирувчи: манманлик, арокхурлик ва киморбозлик, ёлгончилик, бошкаларни камситиш, бадгумонлик, чакимчилик, гийбатчилик, маиший бузуклик, газабноклик, хасадгуйлик, очкузлик кабилар хусусида ҳам ибратли фикрлар билдирилган. "Аъроф" сурасининг 146-оятда "Энди ерда ноҳак кибру ҳаво килиб юрадиган, агар барча оят-муҷизаларни курсалар ҳам, уларга иймон келтирмайдиган, тугри ҳақ йулни курсалар уни йул килиб олмайдиган, агар залолат - нотугри йулни курсалар уни йул килиб оладиган кимсаларни уз оят муҷизаларимдан буриб юборурман, яъни англаб етмайдиган килиб куюрман дейилади.

ислом дини таълимотида "Куръони Карим" дан кейин асосий манба ҳадислардир. Ҳадис илми билан шугулланиш асосан VIII - асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб, унга ёнг билимдон, муътабар шахсларгина тартиб берган.

Мухаммад аллахиссаломнинг ибратли ишлари, эътикод, поклик ва инсонга ҳос маънавий ахлокий хислатларни ифодаловчи сузлари, панд насихатлари унинг номи билан боғлиқ ҳадисларда мужассамланган.

Ҳадисларда инсоннинг камолига етиши учун талаб этиладиган инсоний фазилатлар акс этирилган булиб, улар меҳр оқибат курсатиш, саҳийлик, очик кунгиллилик, ота она ва катталарга, қариндошларга гамхурлик, ҳурмат, факр-бечораларга мурувват, ва танга муҳаббат, меҳнат ва касб ҳунарни улуглаш, ҳалоллик, полик, узаро дуст, тинч тотув булиш ва бошкалардан иборатдир. Бундан ташқари инсонни узини ёмон иллатлардан тийиш, яхшилик сари интилиш кераклиги борасидаги панд насихатлар ҳам уз ифодасини топганики. Буларнинг барчаси Куръони Карим қрусатмаларидан келиб чиқади қва қомил инсонни шакллантириш меъзони саналади.

Аввало, Ислом ақидасга биноан ҳар бир мусулмон иймонли булиши керакдир. Куръони Карима таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи китоби иймон китобидир. Исломдан муқод иймон демақдир. Иймоннинг муқамал булмоғининг уч шарти курсатилади: тугри эътиқодли булмоқ;

- уқишлар билан яхши муносабатда булмоқ; киши уз устида ишламоғи ва узини ибодат ва итотга қиниктирмоғи зарур.

Иймон дарахтга тенглаштирилади ва унинг 6 % дан ортик шохлари бор деб, иймон белгилари санаб утиладики, буларнинг ҳар бири маънавий қиёфасининг муқаммалашувига таъсир этувчи хислатлардир. Булар қуйидагилардан иборат: "Қули билан ва тили билан узгарларга озор бермаган киши мусулмондир"; "Узи яхши қурган нарсани биродарингизга раво қурмағунингизча ҳеч бирингиз қинакам муқкин була олмайсиз". "Уқта хислатни узиди мужассам қилган қишининг иймони муқамал булғайдир":

-инсоғли ва адолатли булмоқ;

- барчага салом бермоқ

- қамбағаллиғиди ҳам садақа бериб турмоқ".

Бундан ташқари қишилар учун ҳос булмаган муноғиклик иллатлари ҳам курсатиб утилади: Расулulloх саллолодох у алайҳи васаллам айтганлар: "Қуйидағи туртта иллат қимди булса, аниқ муноғик булғайдир, қимдақи улардан биттаси булса, уни тарқ этмағунча муноғикликдан бир иллати бор экан дейилади.

- омонатга қиёнат қилғайдир;

- сузласа ёлгон сузлағайдир;

- шартнома тузса шартида турмағайдир;

- урушиб қолса қек сақлағайдир ва ноҳақлик қилғайдир

Ҳадисларда инсоний хислатлардан эзғулик ифғат сабр қаноат шукроналик қаби ахлокий хислатлар улугланса, исроғарқилик, таъмағирлик, очкузлик, нағсу ҳавога, шахвоний хислатларга, қиссиётларга берилиш, бақиллик, жоқиллик қаби иллатлар қараланди. "Яқши сийрат, қиройли қайъат ва ҳар бир ишди иқтисодқилик етмиш хислатдан бири булағидир" дейилади ҳадисларда. Бунда яқши сийрат деғанда яқши муомала; қиройлик қайъат - бу ташқи қуринишни яқшилаб юриш; иқтисод ҳар бир қатти қарактди меъёрни нақарда тутилади. Мазқур ҳадислар Расулulloхнинг "Сизларнинг уқта ишингиз учун Аллох таолло рози ва уқта ишингиз учун газаблик булади: биринқиси ибодатдан оллохнинг узигағина қилиб, ибодатга бошқа нарсаларни унга шерик қилмаслиғингизга; иқкинқиси оллох таолланинғдини ва "Қуръонига эътиқод қилмоғингизга; уиқнқиси, Аллох таолло Сизга қилиб қуйган қишига қайри хоқ булмоғингизга рози булса. булар булмас гағни нақл қилишиб

юрмогингизга, куп суриштираверишлик ёки сурашлик (гадойлик килиш) ва молни ноурин ерларга сарф килиб зое килмогингизга газалбланади".- деганларни исботлайди.

Демак, хадислар Мухаммад пайгамбарнинг суннатлари булиб, мазмунан хар бир муминнинг ишончини, эътиқодини мустахкамлаблайди ва шу билан инсонни маънавий камолотга даъват этади. Исломи дини маърифатга асослангани учун хам хар бир шахсни аклий жисмоний, ахлокий жихатдан камолга етказишга оид эътиқод ва иймон булиб, факат эзгуликка хизмат килиш, олийжаноб булиш, покиза юриш, лукмани халол килиб ейиш, жахолитга йул куймаслик, уз биродарнинг кариндош уругларнинг, милатининг ва Ватанининг кадриятларини асрашдан иборатдир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Иймон, эътиқод, мусулмон, Куръони Карим, Хадиси Шариф, икром, амал, иймони ташкил килувчи мукоммал уч хислат, мунофиклик иллатлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Иймонни хосил килувчи уч омил?
2. Иймонли одамни кандай тасаввур киласиз?
3. Иймон талаблари кайсилар?
4. иймон нуруни хиралаштирувчи кишилардаги учрайдиган хусусиятлари кайсилар?

АДАБИЁТЛАР

1. Хадис. 1,2,3 китоблари. Тошкент "Мерос" 1991
2. Мухаммад Найгамбар Хадислари. Тошкент Мерос 1991
3. Куронни Карим оятлари. Тошкент. Мерос. 1991
4. Ахлоқ-одобга оид хадис намуналари. Тошкент Фан 1990

Мавзу № 24: ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

РЕЖА

1. Экологик тарбия бугунги кун - долзарб масаласи.
2. Инсон ва табиат.
3. Болаларда табиат ва жониворлар дунёсига мухаббатни тарбиялашни шакл ва усуллари.
4. Бошлангич синф уқитувчилари иш тажрибасидан намуналар "яшилбой дустларимиз".

Экологик тарбия бугунги кунни -долзарб масаласи

Экологик тарбия бугунги кун-долзарб масаласи экан, биз бу экологиянинг фойдасини, уни асраб-авайлашни болаларга кичик синфларданок тушунча бериб боришимиз керак, экология бу атроф мухит демакдир.

Табиат-кишиларнинг моддий ва маънавий талабаларини кондириш манбаи. Одам хаёт кечириши учун зарур булган хамма нарса табиатдан олади, (озик-овкат, кийим-бош, бинокорлик материаллари, сув, хаво ва хакозо). Инсон фойдаланадиган хамма нарса табиат моддаси билан меҳнатнинг маҳсулидир. Табиатдан оқилона фойдаланиш, унинг бойликларини муҳофаза килиш ва кулайтириш жамиятимизнинг энг асосий вазифаларидан биридир.

Табиатни муҳофаза килиш тадбирларини амалга оширишда кенг жамоатчилик катнашади. Бу ишда катнашган хар бир кишида табиатга мухаббат хисси уй ишларида кишилар табиатга, Ватанга мухаббат руҳида тарбияланади. Табиат жуда гузал, кишиларга эстетик завк беради. Табиатни, унинг бирор элементини, масалан: бирор гулни диккат билан кузатчангиз, унинг канчалик нозик, канчалик гузал, рангларининг хилма-хиллигини курасиз ва Сизга канчалик эстетик завк беришини жуда яхши биласиз.

Аммо, минг афсус хозирги кунда табиат яъни экология ифлосланиб кетмоқда, бунга сабаб завод ва фабрикаларни хар хил чиқиндилари, аҳолини ташландик ахлатларини куча буйларида келиб кетишидир. Биз болаларга бахор келиши билан кучат утказишни ва дарахтларни ахамиятини

тушунтириб утишимиз даркор. Уларга, кушларга озор етказмаслик, жониворларни кийнамасликларини, улар бизни дустларимиз эканлигини, уларга етаза олсак экологияни оз булса-да, мухофаза килишга, табиатни бойитишга уз хиссамизни кушган буламиз.

Хозирги кунда экологик тарбия хар-бир билим олиш масканларида асосий фан сифатида киритилган. Бу фаннинг киритилишининг асосий сабаби- экологияни яъни атроф мухитни мухофаза килиш ва уни келажак авлодга соф холда етказиш демакдир.

2. Инсон ва табиат

Инсон ва табиат хар доим бир-бири билан богланган.

Инсоннинг табиатга таъсири одам пайдо булган вақтдан бошланган. Лекин, ибтидоий жамоа тузуми вақтида одамнинг табиатга таъсири унчалик сезилмаган, одамлар табиатга кучи етмай, уни илохийлаштирганлар, айрим нарсаларга сизилганлар, бунинг натижасида баъзи хайвон ва усимлик турларининг сакланиб қолиши имкони яратилган. Кейинчалик куролларни яратилиши хайвонларнинг қирилишига сабаб булди.

Дехкончилик ва чорванчилик ривожланиши натижасида баъзи табиий усимлик ва хайвонлар деярли кискарди.

Хозирги вақтда техника тараккиётининг чиқиндилари тирик мавжудоднинг бундан буёнги ҳаётини хавф остида қолдирмоқда. Одамнинг таъсири натижасида табиатдаги мувозанат кескин узгариб кетиши мумкин. Яна бир хавфли томони шуни, одам табиатдаги мураккаб боғланишларни ҳали етарлича билиб олгани йук, қанча микдорда усимлик ёки хайвон йукотилса, ердаги ҳаёт бузилиб кетиши мумкинлигини қандай узгарганда ҳалокат юз бериши мумкинлигини билмайди.

Шундай экан, тоза сув ва фойдали хайвонларгина эмас, балки йирткич, зарарли деб ҳисобланган хайвонларни ва ҳатто бегона утларни ҳам мухофаза қилмоқ керак. Аслини олганда, фойдали хусусиятлари аниқланмаган утларни бегона ут деймиз. Эҳтимол уларни фойдали эканлиги келажакда аниқланар.

Мамлакатимизда табиатни мухофаза қилиш юзасидан жуда катта қонунлар ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бирок, бизнинг мамлакатимизда ҳам табиатдаги мураккаб боғланишларни тушуниб етмаслик, айрим мутахассислар, ноқобил раҳбарнинг нотугри қарашлари, ҳатолари, баъзи ҳужалик ходимларининг бефарқлиги натижасига табиатга қаттагина зарар етказилди. Орол денгизни майдони кискарди, сувнинг шурлиги ошиб кетди, денгиз суви чекинган ерлардан шамол туз қанг-тузонни учуриб, бутун урта Осиёга ёймоқда, Оролбуйининг экологик аҳволи ёмонлашди.

Юқоридаги табиатдаги узгаришлар ҳаммаси эмас албатта, ҳозирги кунда инсонни табиатга таъсири қанчалик ёмон томонга узгарганини юқоридагилар яққол намунасини кўради.

3. Болаларда табиат ва жониворлар дунесидаги муҳаббатни тарбиялашни шакл ва усуллари

Экология таълими ва экологик тарбия тугрисидаги дастлабки элементар тушунча урта мактабларда бошланади. Мактабда утиладиган назарий экология, биология фанлари асосида ўқитилиб, узаро иқтисодий ёрдам қилганининг мутахассислари курсатганларидек, ўқувчиларни актив меҳнат фаолиятига тайёрлаши, ташқи мухитни эҳтиёткорлик билан мухофаза этувчилар этиб тарбияланишга ёрдам бериши керак.

Экология таълими ва тарбияси қуйидаги асосий булимларни уз ичига олади:

1. Студент ва ўқувчиларни табиат гузалликлари севиш, улардан эстетик завқ олиш руҳида тарбиялаш.

2. Жонли ва жонсиз табиатнинг ривожланиши қонуниятлари, табиат билан жамият уртасидаги мураккаб узаро муносабатлар ва шунингдек, инсон ҳужалик фаолиятининг табиатга таъсири оқибатлари ҳақида билим бериш.

3. Студент ва ўқувчиларда экологик маданиятни тарбиялаш.

Табиатни сева қилишни, ундан тугри ва онгли равишда фойдалана билишни тарбиялаш экологик тарбия ва экологик маданиятнинг асоси булиб, қишлоқларда табиат олдида масъулиятнинг англаш ҳиссиётини ҳосил қилади. Ватанни севиш ва манпарварлик Ватан табиатини севишдан бошланади. Бинобарин, ўқувчиларда табиатга ҳақиқий муҳаббат туйғусини ҳосил қилмай туриб,

уларни Ватанпарварлик рухида тарбиялаш мумкин эмас. Инсоннинг табиат кучогида булиши уни рухан тетиклаштириб, унинг меҳнат қобилияти ва ижодий фаолиятини оширади.

Табиат муҳофазаси масаласи, юқорида курсатиб утилганидек, мураккаб, қўқиррали масала бўлиб, унинг педагогик аспекти энг муҳим соҳалардан биридир.

Табиатга муҳаббат, табиат гузалликларини севиш ва табиатдан рационал фойдаланиш гоҳларини бошланғич ёшлигидан сингдириб бориш ва бу тарбияни урта ва олий мактабда уқиш жараёнида давом эттириш зарурдир. Фақат шу йул билангина табиатга эҳтиётлик билан муносабатда бўлиш мамлакатларини кишилар онгига сингдириш мумкин.

Болаларда табиатга нисбатан муҳаббат ва гамхурлик туйғулари оила ва мактабда тарбияланади. Болаларни табиатга муҳаббат рухида тарбиялашни ёшлиқдан бошлаш зарурлигини машхур прогрессив педагоглар уз асарларида таъкидлаб утишган. XVII асрда яшаган машхур педагог Я.А.Коменский узининг "Сезиларли нарсаларни расмларда ифода этиш" номли китобида алоҳида курсатиб утган. Бу китоб болалар тушунадиган энциклопедиядан иборат бўлиб, болаларга табиатни севишга, унинг ҳаёти ва тузилиши билан танишишларига ёрдам берадиган шаклда ёзилган.

Табиат муҳофазаси ишларида инсонпарварлик - гуманизм максадлари, яъни кишиларга яхшилик, гамхурлик қилиш муҳим урин тутати. Ҳамма машхур педагоглар укувчиларни ёшлигидан бошлаб инсонпарварлик, табиатпарварлик рухида тарбиялашни таъкидлаб келганлар.

Болаларнинг бевосита табиат кучогида бўлиб, унинг гузал манзараларидан эстетик завқ олиш, уларда табиатга нисбатан гуманизм туйғуларини уйғотишга ёрдам беради. Табиат билан бу ҳилда бевосита алоқада бўлмаган ёки укутувчилар бу масалага эътиборсизлик билан қараган ҳолларда болалар табиатга, унинг манзаралари ва бойликларига бепарво қарайдиган етишадилар.

4. Бошланғич синф укутувчилари иш тажрибасидан намуналар "яшилбой дустларимиз"

Биринчи синф болалари билан табиатга экскурсия утказиш катта аҳамиятга эга. Бундай экскурсияларда табиат муҳофазасига оид турли материаллар туплаш, тушунтириш ишлари олиб бориш, болаларни инсон учун фойдали бўлган ҳайвон ва усимликлар билан таништириш зарур. Бепарволик оқибатида табиатга зарар етишини мисоллар билан курсатиш керак. Болаларга фойдали қучатлар утказиш, қушлар учун ясама уялар урнатиш эса табиий ресурсларни қупайтириш воситаси эканлигини англашиш керак.

Мактабларда табиат муҳофазасига оид қиска метражли кинофильмлар курсатиб бориш ҳам катта аҳамиятга эга. Табиат ва унинг гузаллигига оид санъат асарлари, чиройли расмлар, шеър ва хикоялар ҳам болаларда табиатга яхши муносабатда бўлиш туйғусини уйғотади.

Укувчиларнинг табиат, табиий бойликлар ва уларни муҳофаза қилиш тугрисида синфда олган билимлари синфдан ташқарида олиб бориладиган амалий машгулотларда мустаҳкамланади.

Табиат муҳофазасига оид ишлар мактаб тажриба участкасида олиб борилади. Мактаб участкасида тажриба богчаси, гулзор манзарали дарахтлар экилган майдон, бутазор булиши зарур, укувчилар буларни сақлаш, парвариш қилиш билан шугулланадилар.

Мактабларда табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг бошланғич ташкилоти ташкил этилиши зарур. Унга укувчилар, мактабнинг бошқа ходимлари, укувчилар аъзо бўлиб қиришлари лозим. Ота-оналар ҳам аъзо бўлса яхши бўлади. Табиат муҳофазасига бағишланган махсус кечалар утказилиши, уларда "Табиатни муҳофаза қилиш", жамият ва унинг ишлари. "Ўзбекистон қуриқхоналари ва уларнинг фаолияти" мавзуларида докладлар, суҳбатлар утказилиб турилиши керак.

Синфдан ташқари бундай ишларда ҳар бир укувчи уз меҳнати билан иштирок этиши жуда фойдали, уз қучли билан қучат утказган бола уни парваришини қилади, синдирмайди, қушларга уя ясаб, уни дарахтга ёки бошқа жойга урнатга бола қуш уяларини бузмайди.

Мактабларда "Яшилбой дустларимиз" ташкилотлари ҳам тузилиши мумкин. Улар табиатни муҳофаза қилиш аъзолари яъни усимликлар қуриқчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Мактаб укувчиларини табиатни муҳофаза қилиш рухида тарбиялаш ишида туристик юришлар ва экскурсиялар яхши самара беради.

Туристтик юришлар ва экскурсиялар улқашуносликка катта ёрдам беради, укувчилар йиккан намуналар мактабни ва шаҳар улқашунослик музейини қимматли материаллар билан бойитади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Табиат мухофазаси ва экология. Тошкент Укитувчи 1986 йил.
2. Табиат ва экология.
3. Муноварров А.К. Оила педагогикаси. Т. Укитувчи 1994 й.
4. Мунавваров А.К. Педагогика. Тошкент Укитувчи 1966 й.

НАЗОРАТ САВОЛЛАР

1. Табиатни мукофаза килиш деганда нимани тушунаси?
2. Хозирги кунда инсониятни табиатга муносабати?
3. Техника тараккиётининг табиатга таъсири?
4. Экология таълими ва тарбиясини асосий булимлари

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Табиат, экология, экологик тадбирлар, табиатни мукофаза килиш, табиат куйнига саъхат уюштириш.

Мавзу № 25: МАКТАБНИ БОШКАРИШНИНГ ВА УНГА РАХБАРЛИК КИЛИШНИНГ КОНУН-КОИДАЛАРИ

РЕЖА

1. Бошқариш хакида умумий тушунча.
2. Мактабни бошқаришда демократиялаштириш.

1. Бошқариш хакида умумий тушунча.

Бошқарув тараккиётнинг хар кандай босқичида жамиятга хос булган ички хусусиятдир. Бу хусусият умумий характерга эга. Бошқарув халк манфаатини кузлаган холда демократик услуб негизида амалга оширилади. Уз-уздан равшанки, бундай бошқарув жараёнида инсон омилига, хусусан, миллат манфаати ва миллий кадриятларни такомиллаштиришга алохида эътибор каратилади.

Бошқарув меҳнати инсоннинг бошқарув вазифалари амалга ошириш жараёни бажариладиган харакат ва жараёнларда узининг аник ифодасини топади. Бошқарув вазифалари ёрдамида эса системанинг харакатлари, ривожланиш ва такомиллашуви, унинг барқарорлиги ва хаётчанлиги таъминланади. Куйидаги бош вазифаларни ажратиш курсатиш мумкин: карорларнинг бажарилиш жараёни педагогик тахлил килиш, ривожлантириш, ташкил этиш, назорат килиш ва тартибга солиш туриш.

Педагогик жараённинг самарадорлиги мактаб рахбарининг бошқарув вазифаларини сифатли бажаришлари, уларнинг фаол ва уйгун хамкорлиги билан баб-баробар белгиланади, улардан бир-бирининг ахамиятларини пасайтириш юбориш мукаррар равишда бутун система бирлигининг бузилишига олиб келади.

Режалаштириш илмий бошқариш ва рахбарларнинг марказий бутунлигини ва асосини режа ва хар кандай жамоа фаолиятининг аник максадлари хамда вазифалари ва унга эришиш воситаларини белгилаб беради. Режанинг ахамияти яна шундан иборатки, у провард натижада факат нимага эришиш кераклигини эмас, балки буни кандай уддалаш, режани бажаришнинг кандай риводланиш кераклигини курсатиш бермаслиги керак. Режалаштиришга факат келажак эмас, балки утмиш, утмишнинг тажрибаси хам таъсир килар экан.

Мактаб ички режалаштириш масалалари купгина педагогик олимларнинг ишлари билан асосланиб берилган. Режалаштиришнинг мохияти мактаб ходимларини куйилган максадга эришиш, кабул килинган карорларни амалга ошириш учун зарур булган жамоа тарзига ва якка тартибдаги меҳнатни вақт жихатидан окилона таксимлашдан иборатдир.

Мактаб рахбари режалаштиришнинг ташкил этишнинг мунтазам ёндашувига амал килмоги лозимдир, бу ёндашув режалаштиришнинг максад ва вазифалари, уларнинг тузилиши ва мазмуни, режалаштириш методлари ва унинг бажарилишини ташкил этиш хусусиятларини диалектик бирлиги ва узаро богликлигини режалаштиришнинг бошка бошқарув вазифалари билан узаро харакатларини назарда тутуди.

Мактаб режаларининг хилма-хиллигини купгина белгиларига кура вақт буйича (беш йил укув йили, ярим йили, чорак, ой, хафта) шаклига кура (ёзма, график детал) тузилиши бирлигига кура

мактабнинг иш режаси, укувчилар ташкилотлари, уқитувчилар, синф раҳбарлари, метод бирлашмаларининг ва уларнинг уз-узини бошқарув органларининг иш режасини таъкидлар эканмиз, биз мактаб ишини укув йилига режалаштириш билан боғлиқ булган масалаларга қараб чиқиш билан чегараланамиз ва мазкур масала моҳиятини ана шу нуқтаи назардан ёритиб берамиз.

Мактабни бошқаришни демократиялаштириш

Халқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қоида-демократиялаштиришдир. Бу ақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократиялаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳужалиқни бошқариш тизимининг энг асосий шарт булган демократик қоиданинг ҳолат макбул шакиллари ишлаб топиши бугунги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир. Мактабларни бошқаришда, айниқса, демократик ақида, қонун қоидалари ниҳоятда муҳимдир.

Мақтабдаги уқитиш жараёнида, мактаб фаолиятини тартиби ва қонун қоидаларига жуда қуп узғаришлар қиритилди. Бу узғаришлар ҳар битта инсонларнинг дунё қароши ва билим доираларини қенгайиш сабабидир. Аввало укувчилар билим олишлари учун жуда ҳам қенг шароитлар яратилган. Чуқурлаштирилган гимназиялар, музейлар укувчиларнинг билим доираларини чуқурлаштиришга қенг йул очиб бермоқда. Чуқурлаштириш - бу аввало уз устида ишлаш, изланиш дегани демақдир.

Ана шундай гимназия ва лицейлар учун эса қобилятли, билимли укувчиларни саралаб, уларни қелажакларига поудевор ясашга қенг йул қуйилди. Албатта, бу поидеворни билимдон мутахассис уқитувчилар тайёрлайди. Энди ана шундай уқитувчиларни саралаб улар ичидан энг билимдонларини танлаб олиш пайти етиб қелди. Бу эса уқитувчи ва булажак педагогларни уз устида тинмай ишлашини талаб этади. Чунки, бундай қобиляти билимдон уқитувчиларга талаб ва эҳтиёж жуда қатта булади.

Мутсақил Ўзбекистон жаҳонга юз тутди. Шу сабабали ундаги яшовчилар инсонларнинг билимлари жиҳатидан қенгайиб бормоқда. Ҳозирги замонамиздаги укувчилар ана шундайлардандир. Ҳаёт қанчалиқ олдинга борган сари улар ҳам шунчалиқ қуп нарса билиб олмоқдалар ва буни устозларидан талаб этмоқдалар. Бу эса укувчиларни, устозларини дарс утиш жараёнини анализ қилиб боради, уларнинг дарс утиши ёқмаса, ошқора билимдон усулларини талаб қилишлари мумкин.

Дарс утишда аввалом бор булган анъанавий режа буйича дарс утиш бекор қилинди. Чунки, уқитувчи синфга қиради, утилган дарсларни тақрорлайди. Янги мавзу утади, ана шундай тартибда ҳар доимги дарслар тақрорланади. Ноанъанавий дарс утиш усули ҳар бир мактабга қириб бормоқда.

Мавзуни болалар онгига етқизиш, укувчини узини маҳоратига боғлиқ. Маҳоратли уқитувчиларимиздаги услубиётларини уқитиш улардани илгор тажрибаларни алмаштириш укув жараёнини қенгайишига ва мустақкамлашига қенг йул очиб беради. Мактабларда мактаб раҳбарларини сайлаш ошқора овозга қуйиш орқали фикр мулоҳазалар, тақлифлар қиритиш орқали амалга оширилмоқда.

Урта, олий билим юртларига қолаверса, мактабга қабул қилиш ва уқитиш шароитларига тест синовлари қиритилди. Бу эса аввалги имтиҳон ва синовлардан анча аълорок ва муқамалроқдир. Юқорида айтиб утганимиздек, мактаб директорларини сайлаш ҳуқуқи уқитувчиларга берилади. Мактабда ушиб уқитиш, битираётган укувчиларни ютук ва қамчиликларни мактаб жамоасига тегишли ва аҳамиятлидир.

Аввало мактабларда бошланғич синфларда турли типдаги синфлар ташкил этиб, уларни синфлар орқали саралаб, иқтидорли синфларга айлантирилмоқда. Ота-оналаримиз ҳам ҳозирги қунда фарзандларимиз истиклол қелажагини янада мустақкамлаш учун фарзандларига пуллик курсларга талаб эҳтиёжлари ортмоқда. Уларни бу интилишларини мактаб жамоаси эътиборга беришга ҳаракат қилмоқдалар.

Иқтидорли укувчиларни қелажагини порлок қилиш учун турли қил мусобақа, олимпиадаларга қатнашишларини таъминлаб, уларнинг ютуқлари учун бор билим ва тажрибаларини ишга солмоқдалар, илгор уқитувчиларни ҳар қил унвонларга тавсия этиш, ошқоралиқ тарзида мактабга меҳнати синган, илгор, тажрибалари қатта, қенг оммалаштирилган уқитувчилар тавсия этилмоқда.

Укув жараёнида янги замонавий фанлар қиритилмоқда. Фан ва техниканинг ривожланиш тараккиётига қенг йул очиб бериш учун мактаб укув жадалга қомпьютер техникани урганувчи фанлар қиритилди.

Одобнома фанлари эса укувчиларни миллий урф одатларимиз, одоб ахлокимиз, тарбияни мустахкамлаш учун одобнома фанлари киритилди.

Авлод-аждодларимиз асарларини, уларнинг тарихини уқитиш учун эски ёзув фани ҳам дарс каторларидан урин олди.

Ўзбекистонда юксак чуққига эришиши, бошка мамлакатлар билан мустахкам алоқа урнатиши учун, бошлангич синфларга инглиз тили фанлари утказилмокда.

Хаммамизга маълумки 2000 йилда жамиятимиз лотин ёзуви асосида янгидан тикланади. Шунинг учун болаларни лотин ёзувчига асосланган алифбо ёрдамида уқитиш жуда кенг оммалаштирилди.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Мактабни ички режалаштириш, гимназия, лицей, махоратли уқитувчи, замонавий фанлар, уқитиш воситалари, қургазмали куруллар

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабдаги уқитиш жараёнига ҳозирда қандай узгаришлар киритилди.
2. Мактабдаги ички режалаштириш масалаларининг моҳияти нимадан иборат
3. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, ақлли, билимли бўлиб етишиши учун қандай ишларни ошириш керак.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. "Педагогика" Мунавваров. Тошкент "Уқитувчи" 1996
2. "Ёш директор мактаби". А.Фролов. Тошкент 1992
3. "Педагогика" С.Баранов, Л.Болотина, В.Сластенин. Тошкент 1990

Мавзу № 26: МАКТАБЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ЖИХОЗЛАШ

РЕЖА

1. Мактабларда таълим тарбия ишларини ташкил қилиш
2. Мактабларни укув ва техникавий асосини мутсахкамлаш

Мактабларда таълим тарбия ишларини ташкил қилиш

Таълим самарадорлиги-уқитувчи меҳнатининг асосий мезони. У аниқ мақсад ва пухта режа натижасида юзага чиқади.

Педагогика тарихидан маълумки, таълим ҳеч қачон тарбиядан ажратиб текширилмаган.

Ҳозирги кунда ҳам таълим тарбия жараёни оммавий тусда олиб борилди. Бунда таълим жараёни уқитувчилар томонидан билим, иқтидор, қуниқмаларини шакллантиришга қаратилган. Тарбия эса одам тарбияланганлигининг мезони сифатида шахсий ҳислатларини шакллантириш билан қаратилади.

Масалан: айрим мутахассислар билиш даражаси билан юқори туради, лекин тарбияланганлик маданияти шаклланмаган бўлади. Шу сабабли ана шу қаби муаммолар бугун бартараф этилади. Бугунги кундаги тараккиёт мамлакатимизда таркиб топган таълим тизимини ҳам ислох қилиш, уни юртимиздаги ҳал этилаётган ривожланиш масалалари томон буриш, таълим тизимининг келажакдаги тараккиёт йулини белгилаб олиш вазифасини илгари сурмокда. Шу тарика "Таълим тугрисидаги" янги қонун қабул қилинди.

Таълимнинг ташкил этишининг таълим жараёнида уқитувчи ва уқувчиларнинг маълум бир белгиланган тартибда амалга ошириладиган фаолиятини белгилайди. Таълимнинг ташкилий шакллари уқитувчи ва уқувчининг ҳамжихатликдаги фаолиятини аниқлаб беради, оммавий гаълим ва алохида холдаги таълимнинг нисбатларини белгилайди.

Таълимнинг ташкилий шаклда дарс давомида уқув машгулотлари уқитувчининг раҳбарлигида, бир хил ёшдаги ва маълум муддат мобайнидаги тайёргарлик даражаси ҳамда урнатилган жадвалга кура доимий булган уқувчиларнинг гуруҳи билан машгулотлар олиб борилади. Дарс давомида уқитувчи томонидан катта микдордаги уқувчиларни бир вақтда уқитиш муқимлиги имкониятлари тугилади.

Таълим тугрисидаги конун қабул қилинган яъни таълимнинг янги модели ишга тушган, инсоннинг ҳаётдан уз урнини топиш жараёни тезланишиди. Хар қандай одам ҳам усмирлик чогида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб урнини топиш керак, мазкур таълим орқали аввало ана шу вазиятнинг олди олинади. Колаверса, ёшларни муайян бир иқтисосга эга қилиб ҳаётга йуланма берилади. Дунёга умид билан қадам қуйиб келаётган навихол инсон ҳаётдан муносиб урини топса, турмушидан, тақдирдан, ватанидан рози булиб яшайди умир буйи бунёдкорлик фаолияти билан машгул булади.

Бу гоят муқим ижтимоий - сиёсий аҳамиятга эга булган масаладир.

Маълумки, халқ таълимининг асосий бугинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алохида диққат - эътибор қаратиш барқор. Шунинг учун ҳам умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тарзида тузилган.

Хозирги кундаги мактабларда таълим тарбия ишларини ташкил қилишда:

- таълим тизимини тузилиш ва мазмун жихатдан ислох қилиш учун уқитувчиларни қайта тайёрлаш

- уқувчи ёшларни Ватанга садоқат юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждондан муносабатда булиш руҳида тарбиялаш;

- таълим муассаларини биринчи навбатда умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тулик таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштиришнинг долзарб масалалар ҳисобланади.

Мактабларни уқув ва техникавий асосини мустаҳкамлаш

Таълимнинг техник воситалари дарс самарадорлигини оширишнинг асосий омили булиб хизмат қилади. Информатикани, ҳисоблаш техникасини хар бир маълумотли киши, шунингдек, хар бир мактаб уқувчиси билиш керак.

Компьютер маориф соҳасида уқитиш воситаси:

- Педагогик бошқаришни тизими;

- Педагогик фаолиятининг илмий текширилиши тизими;

Йуналиши буйича қулланилади.

Уқув тарбия жараёнига компютерлаштиришнинг чуқур таъсирини компютерни кичик синфлардан уқитиш воситаси сифатида фойдаланилишида эришилади. Қуйин синфлардан компютерни қулланишининг асосий максоди дунёқарашини, умуммаданиятли характерга эга булмоғи лозим. У боланинг шахсини ва фикрланишини ривожлантиришига қаратилиши керак. Хусусан, бошланғич синф уқитувчиларида компютер маданиятининг элементлари, яъни информатиканинг энг бошланғич тушунчалари, булимлари шакллантирилади. Компютер бошланғич синф уқитувчиларини муқимий ва эстетик таълим ва тарбиялашга ёрдам беради.

Бошланғич синфларда информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари предметини алохида фан сифатида урганилмаса, бу туркумдаги дарсларни факультатив ва тугарак машгулотлари шаклида уюштириш муқим. Мактаблардаги замонавий техникалардан яна бири микрокалькулятор ҳисобланади. Микрокалькуляторни ишлатишдан олдин уқувчи онгли равишда хар қандай масалаларни микрокалькуляторсиз ҳам ишлашни билиш керак. Бу микрокалькуляторлар хар бир партага жойлашган булиб, уқувчилар масала мисолларни тезроқ ишлаб, вақтдан ютишади ва бу орқали қуп билимга эга буладилар. Хозирги давримизда билимли ёшлар шу шароитлар натижасида жуда қупайиб бормоқда. Президентимиз ҳам билимлийларни севади ва ҳурмат қилади.

Укитувчи дарсни ташкил килар экан, укувчилар укув фаолиятини активлаштирувчи ижодий фикрлаш куникмаларини шакллантиришнинг мукобил режаларини амалга оширишни кузда тутмоги лозим. Дарсга бир мунча тарбиявитй талабалар куйилади. Хар бир дарс маълум даражада гоъвий йуналган аник тарбиявий вазибаларни баъариши, олинган илмий билимлар асосида дунё карашни, юкори ахлокий фазилатларни, эстетик дидни шакллантириб таълимни хат билан мустикал ахлокларни таъминлаши зарур. Укувчиларда билимга кизикишини, билимларни мустикал эгаллаш, куникмаларни карор тобтириши, ижодий ташаббускорликни кулаб-куватлаш, уларнинг тасавурларини чукурлиги, ривожланиш даражасини хисобга олиш хам дарсга куйиладиган талаблардан хисобланади.

Дарсни ташкил этишда турли туман воситалардан, укув-техник компьютер, стационар ва динамик кургазмали куроллардан фойдаланиши кузда тутилади.

Дарснинг таркибий тузилишини урганилаётган материалнинг мазмунига, дарсда фойдаланиладиган таълимнинг усилари ва методларига укувчиларнинг тайёрланиши хамда ривожланиши даражасига, укув жараёнида дарснинг урнига боглик булади.

Дарслар жуда хам турли-тумантаркибий тузилишларга эга булиб, дарсларни бир марта доимий равишда мавжуд буладиган куриниши тарзда ривожлантиришни ва узгартирмайдиган котиб колган намуна асосида утказавериш мумкин эмас. Хар бир дарс бошка дарслардан хатто улар битта фан, битта мавзу юзасидан тенг, ёнма-ён синфларда утказилганда, хам узига хос жихатларига кура фарк килиши керак. Замонавий дарслар учун узлаштириш, кисмларга ажратиш такрорлаш ва мустикамлаш, янги укув материални эгаллаш хамда уни амалий жихатдан куллаш килиш каби таркибий кисмларнинг узаро богликликлари характерлидир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Таълим самарадорлиги, замонавий дарс, техника воситалари хисоблаш техникаси, информатика таълим тугрисидаги конун, микрокалькулятор.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ :

1. Мактабларни техника билан жихозлаш таълим жараёнига кандай таъсир килади.
2. Хозирги кунда техника жараёнида кандай узгаришлар содир булмокда.
3. Мактабларда таълим-тарбия ишларини ташкил этишдаги долзарб муаммолар.
4. "Таълим тугрисидаги конун" дарс жараёнида кандай таъсир курсатади.
5. Мактабларни укув моддий техникавий асосини мустикамлашда рахбарнинг урни.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Й.Турсунов, У.Н.Нишоналиева. Педагогика курси. Т. 1970 й.
2. "Педагогика" С.П.Баранова, Т. Укитувчи 1990 й.
3. Бошлангич таълим 1993 йил 5-6 сони
4. "Бошлангич таълим" 1996 йил 3 сони
5. Халк таълими 1995 йил 5 сон
6. И.А.Каримов Баркамол авлод орзуси. Тошкент 1999 йил

Мавзу № 27: МАКТАБНИ ИЧКИ БОШКАРИШ, ИЧКИ
НАЗОРАТ, УЛАРНИНГ ВАЗИФАСИНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ УСЛУБИЁТИ

Р Е Ж А

1. Мактаб ичидаги бошқарув тизими ва тузилиши
2. Ички бошқарувнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари

Мактабда ичидаги бошқарув тизими ва тузилиши

Мустақиллик тўғрисидаги Узбекистон тарихида янги давр бошланди. Шунинг учун ҳам ёшларимизнинг маълумот ва касбкор тайёргарлик даражаси XXI аср арафасида ижтимоий ривожланишимизнинг уллови бўлиб қолмоғи керак. Бу - ислохотларни муваффақиятли амалга оширишнинг энг яхши қафолатидир.

Ёшларимизга жахон таълим мезонларига мос ҳолда чуқур билим бериш, уларни Ватанга мухаббат, миллий истиқлол гоёларига содиқлик руҳида тарбиялаш масалалари таълим соҳасининг асосий вазифасидир. Бу эса уз урнида таълим бошқаруви органлари, муассасалари, укув юртлари раҳбарларидан ташкилотчи ҳамда тадбиркор, юкори билим ва юксак маданият эгаси бўлишини талаб этади.

Маълумки, аксарият умумтаълим мактаблари раҳбарлари халқ таълими ходимлари орасида энг қўп меҳнат сарф қилиб ишлаётганлар тоифасига қиради. Шунинг билан биргаликда улар фаолиятлари давомида жуда қўп қийинчиликларга дуч келадилар. Бундай аҳолининг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Уларнинг асосийлари қуйдагилардан иборат:

- таълим бошқарувининг назарий асослари тугрисида суёт билимга эканликлари;
- мактаб ички боқарувнинг самарасизлиги;
- мактаб бошқарувида инсон омилини ҳисобга олмаслик;
- қозғозлик ва бўйруққозликка асосланган услубнинг

сақланаётганлиги;

- мактаб роаҳбарлари уртасидаги иш тақсимотининг амалда яхши ишламаётганлиги;
- малақа ошириш масаласига эътиборсизлик;
- кадрлар қўнимсизлиги;
- вақтдан унумли фойдаланмаслик ва хоқазо.

Қуйида бошқарувда асосий йуналишлари ҳисобланган мактаб ички назоратни ташкил этишнинг айрим масалалари тугрисида тухталамиз. Умумтаълим мактабини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида унга раҳбарлик қилиш, оғир ва масъулиятли вазифадир. Мактаб ички назорати:

- бу жамоанинг уз олдига қўйилган мақсадга мувофиқ равишда укув-тарбия жараёнини ҳар томонлама урганиш ва таҳлил қилишдир. Доимий пухта уйланган назорат, муваффақиятларни тугри аниқлаш ва мустаҳкамлаш, педагогик жамоа фаолиятида мавжуд бўлган камчиликларнинг олдини олиш имконини беради. Мактаб ички назорати укутувчилар билан бир қаторда мактаб раҳбарларини ҳам интизомга ургатади. Бу иш режалар, мунтазам, аниқ бир мақсадга қаратилган, комплекс бўлиши, укув-тарбия жараёнининг ҳамма томонларини қамраб олиши зарур.

Назорат тадбирлари босқичларидан айримлари санаб утамиз:

- объект, мавзу танлаш, мақсад белгилаш (одитда бу мактабнинг йиллик режасида белгиланади);

- текшириш дастурини тузиш (саволлар туплами, анкеталар, диагностик жадаллар, назорат топшириклари, тестлар ва бошқалар) назорат шакли ҳамда методларни танлаш;

- ишларнинг хақиқий аҳолини текширишни ташкил қилиш;

- текширув натижаларини педагогик-диагностик таҳлилини утқазиш.

Укув-тарбия жараёнини муқаммаллаштириш бўйича тавсиянома ва тақлифлар ишлаб чиқиш;

- текшириш натижалари юзасидан қабул қилинган бошқарув қарори.

Мактаб ички назоратини режалаштириб ва ташкил қила туриб, мактаб раҳбарлари назоратнинг барча объектлари, йуналишлари тугрисида аниқ, пухта тасаввурга эга бўлишлари лозим. Таҳминан

куйидагича: укув режасидан айрим фанлари укитиш ахволи; дастур материалларини узлаштириш даражасининг давлат талабларига (давлат таълим стандартларига) мослиги; педагогик жамоанинг иктидорли ва қобилиятли укувчилар билан ишлаш тизими; мактабда юзага келган, асосий даражадан юкори маълумот олишни таъминлайдиган тизимнинг самарадорлиги ва рационаллиги (ихтиёрий фанлар факультативлар, махсус курслар ва бошқалар); суств узлаштирадиган укувчилар билан ишлаш тизими самарадорлиги; педагогик жамоанинг мажбурий таянч ва умумий таълимни таъминлаш буйича ишлари; методик ишлар; тарбиявий ишлар; мактаб хужжатларини юритиш; укув-моддий базадан фойдаланиш самарадорлиги; куни узайтирилган гурухларда укув-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва бошқалар.

Даврий режалар асосидаги аттестациялар орасида иш фаолияти натижаларини аниқлаш, давлат аттестациясига пухта тайёргарлик қуриш мақсадида, таълим муассасаларига уз-узини аттестациядан утказиш тавсия этилади. Уз-узини аттестациядан утказиш мактаб маъмуриятидан пухта тайёргарлик қуришни талаб этади. Тажрибалар уз-узини аттестациядан утказишни икки босқичида ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини курсатмоқда. Биринчи босқич давомида мактаб маъмуриятига қуйдаги масалаларни таҳлил қилиш лозим булади:

- мактаб укув-моддий базасини тавсифномаси;
 - укув-тарбия жараёнининг зарур воситалар, асбоб-ускунлар ва жихозлар билан таъминланганлиги ҳамда номативларга мослиги (аниқ ҳолати, инвентаризация актлари);
 - укув-тарбия жараёнининг, фан хоналарининг услубий таъминоти даражаси ва улардан фойдаланиш самарадорлиги;
 - бюджет маблағлардан фойдаланишнинг сунги уч йилдаги ахволи;
 - бюджетдан ташқари маблағларнинг мавжудлиги;
- укув-тарбия жараёнини компьютерлаштириш буйича олиб борилаётган ишларнинг ахволи ва х.к.

Биринчи босқичда, шунингдек, уз-узини аттестация этиш жараёнида тегишли текширув ишларини (назорат ишлари, тест синовлари, вкнетлар ва бошқалар) ишлаб чиқиш учун мутахассисликлардан иборат гурухлар тузилади. Таъкидлаш жоизки, бу мақсадлардан туман (шахар) халқ таълим бўлимлари ишлаб чиқилган материаллардан фойдаланиш лозим, улар бир нечта вариантда булса, хулосаларнинг объективлиги юкори даражада булади.

Иккинчи босқичда мактаб директори уз-узини аттестациядан утказиш учун метод бирлашмалар раҳбарлари ва аъзоларидан иборат комиссия тузади ҳамда унинг тарқибини узининг буйруги билан тасдиқлайди. Комиссия тарқибига қушни мактабларнинг юкори малакали мутахассисларини жалб этиш тавсия этилади.

Комиссия қуйидаги ишларни амалга оширишлари жоиз:

1. Олдиндан, бир неча вариантда тайёрланган ҳамда конвертларга солиниб, муҳрланган материаллардан фойдаланган ҳолда текширув ишларини утказиш. (ҳар бир синфда камида 4-5 текширув ишларини утказиш мақсадга мувофиқдир).
2. Дарсларни қириб қуриш ва таҳлил этиш
3. Факультатив, синфдан ташқари машгулотлари ва тадбирларни қузатиш.
4. Тарбиявий ишлар самарадорлигини ва бошқаларни аниқлаш керак булади.

Мактаб жамоаси уз фаолиятини объектив тарзда баҳолаш учун сунги уч йил ичида булиб утган олимпиада якунлари, битирув имтихонлари, олий ва урта укув юртларига қириш учун топширилган тест натижалари ҳамда бошқа курсаткичлар таҳлил этилади.

Уз-узини аттестациядан утказганда сунг комиссия аъзолари томонидан хулосалар ёзилади ҳамда укув-тарбия жараёнини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар қиритилади.

Укув-тарбия жараёнини баҳолашда рейтинг усули ҳам кенг қулланилмоқда. Микдорий курсаткичлар асосида шахснинг сифат тавсифномасини аниқлаш жараёни рейтинг деб аталади.

Айрим укувчилар уқитувчиларнинг фанга интилишларини, дастурдаги материалларни узлаштириш даражасини аниқлашда, жорий, оралик ва якуний рейтингларни қуллайдилар. Жорий рейтинг мавзунини утиб булганда ёки мавзу жуда катта булса, бир неча дарсдан сунг (айрим уқитувчилар томонидан ҳар дарсда ҳам) утказилади. Асосий қулланаётган топшириклар - назарий ва амалий тестлардир. Оралик рейтинг дастурининг бўлими ёки укув чораклари якунида булади. Тест топшириклардан комплекс текширув ҳамда амалий ишлар утказилади. Унда укувчилар томонидан

тайёрланган маъруза, реферат ва бошка ижодий ишлар бахоланади. Якуний рейтинг укув йилнинг охирига мулжалланган. Текшириш жараёнида кулланилаётган усуллар оралик рейтингдагига ухшаш.

Укув йили охирида имтихонлар утказилса, укувчиларга кушимча баллар берилади.

Натижада узлаштиришнинг умумий бахоси жорий, оралик, якуний ва имтихон балларининг йигиндисидан иборат булади.

Рейтинг балларидан одатдаги бахоларга утиш усули куйидагича:

умумий баллардан:

85-100% - "5",

75-85% - "4",

60-75% - "3",

60% дан кам булса - "2" бахо.

Шунингдек мактабларда уқитувчилар фаолиятини ҳам рейтинг асосида бахолаш анъанага айланган. Бундан ташқари мактаб ички бошқарувида жиддий муаммолардан бири - мактаб ҳужжатларини юритиш устидан назоратни ташкил қилиш. Мактаб ҳужжатлари - мактаб - ишларининг кузгусидир, улар уз ичига куйидагиларни олади: укув-педагогик, молия-ҳужалик ва иш юритиш ҳужжатлари. Укув-педагогик ҳужжатларининг айримлари устида тухталиб угамиз. Укувчиларнинг ҳаракат дафтари катта назорат ҳужжати ҳисобланиб, мактабда 50 йил сакланади. Мактаб директори узгарганда акт буйича янги директорга топширилади. Ҳаракат дафтарининг ёзувлари укувчилар сони, ҳаракати ва руйхати тугрисида, тула, аниқ маълумот беради. Бу китобдаги ёзувларнинг тугрилигига мактаб директори жавоб беради. Шунинг учун бу ҳужжатнинг тугри юритилиши укув йили давомида 3-4 марта текширилади. Жумладан синф журналлари, кундалиқлар, укувчилар дафтарларининг назорати ҳам мактаб раҳбарлари учун укув-тарбия ишларини назорат қилишнинг қулай ва зарур усулларида бири ҳисобланади.

Хуллас, мактабда ишига назоратни қучайтириш, педагогик жамоа фаолиятини оқилона ва тугри ташкил этиш, келгусидаги муваффақиятларнинг гаровидир.

Ички бошқарувнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари

Ишлаб чиқаришни бошқариш омиллари деганда - бошқарув меҳнатининг махсус турларини, бошқарилувчи объектларга таъсир курсатишнинг у ёки бу йуналишларини тушунмок керак. Режалаштириш, ташкил қилиш, созлаш, назорат қилиш, ҳисоб-китоб қилиш амаллари бошқарув омиллари ҳисобланади.

Режалаштириш - бошқарувчи объектларни ривожлантириш ва моделлаштиришни, прогноз қилишни ҳам уз ичига олади. Ташкил қилиш эса ишлаб чиқариш объектининг тузилишини ва бошқарув тузилишини танлаб олиш ҳамда шакллантиришдир. Тизимнинг элементлари уртасидаги муносабатларни узаро ҳаракатини белгилашдир.

Созлаш - тизимининг турли элементлари уртасидаги матлуб нисбатини тутиб туришга, бошқарилувчи объект ишлаётганда режа топшириқлардан четга чиқиб кетишига йул қуймасликка қаратилгандир. Бундан ташқари, ҳар бир ходимнинг фаолиятини созлаб боришни ҳам англатади.

Назорат қилиш - ишлаб чиқаришнинг амалдаги жараёнини ва тараккиётини режага қанчалик мувоффиқлигини кузатиб ва текшириб туришдан, шунингдек, ҳар бир ходим фаолиятини текширишдан иборатдир. Нихоят, ҳисоб-китоб қилиш эса режани ёки уни амалга оширишдаги муайян босқичларнинг қандай бажарилаётганлигига яқун ясашдир. Ҳисобга олиш ахборотларни яқунлашга, уни тизимга солишга имкон беради. Шунингдек, мазкур тизимнинг рейтинглари даврга мулжалланган иш дастурини ишлаб чиқиш учун ахборот базасидан тулик фойдаланишга имкон беради.

Мактабда бошқарув меҳнати билан шугулланувчи кишилар (мактаб директори, директорнинг укув-тарбия ва ҳужалик ишлари буйича уринбосарлари, тарбиявий ишлар ташкилотчиси, услубий бирлашма раҳбарлари, қасаба уюшмаси ташкилотининг раиси) бошқарувчилик жамоасини ташкил этади.

Мактабда бошқарув тизими асосан 2 га бўлинади.

Мактаб раҳбарлари ва уқитувчилар, тарбиячилар, ёшлар ташкилотчиси, синф раҳбарлари, услуб бирлашмаларнинг аъзолари, техник ходимлар.

Бошқариш соҳасидаги ирочи ходимларни ҳам 2 асосий гуруҳга а) мутахассисларга (уқитувчи ва тарбиячиларга); б) техник ходимларга (лаборант, фаррош, электромонтер, мактаб қоровулли

кабиларга) булиш мумкин. Мактабга уқитувчи, тарбиячи ва техник ходимларни тугри ташлаш ва уларни жой-жоига куйиш мактаб ички бошқарувидаги муҳим масалалардан биридир. Мактаб ходимларининг танлаш бобида куйидаги коидага риоя қилиш бу борада муҳим аҳамият касб этади. Мактаб ходимларини танлашда уларнинг сиёсий билимини, ҳалоллигини, ишни билишини ҳисобга олиш зарур.

Бу уринда ишнинг қузини билиш, ишчанлик, уюшқокликни таъминлаш бошқарув аппарати ишидаги асосий вазифа эканини англаш лозим.

Умумтаълим мактабларида бошқарувчиларнинг бошқариш маданиятини ошириш ва уни демократлаштириш ҳозирги бозор иқтисоди даврининг муҳим талабларидан биридир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги ислохатлар давридаги ҳужаликни бошқариш ва унга раҳбарлик қилиш конституциявий қоидалар, илмий ақидалар асосида олиб борилади. Мактабни бошқариш шакллари ва усуллари жамхуриятимиз иқтисодий таракқиётининг ҳар бир босқичида жамият ҳал қилиши лозим бўлган вазифаларга мувофиқ узғариб, тақомллашиб бориши мумкин. Аммо жамхуриятимиз иқтисодий таракқиётининг барча босқичларида ҳам, айниқса, ҳозирги ислохатлар даврида ҳам ҳалқ таълими соҳасининг бошқаришнинг қоидалари ва мазмуни у аҳамиятини сақланиб қолади. Демак, мактаб ички бошқарувчини тугри ташкил қилиш ҳозирги даврнинг муҳим талабларидан биридир. Биз ана шу бошқариш қоидаларига алоҳида тўхталиб утишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ҳалқ таълими тизими ва мактабни бошқаришнинг энг муҳим қоидаси - демократиялашдир. Бу ақида ҳозирги мустақиллик даврида жамиятни янада демократлаштириш муҳим аҳамият касб этади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ҳужаликлар бошқариш тизимининг энг асосий шартини бўлган демократик қоидаларнинг ҳолати мақбул шаклларида излаб топиш бугунги муҳим ва долзарб муаммолардан биридир.

Бошқаришнинг илмийлиги ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ижтимоий таракқиёт қонунларини тобора туларок билиб бориш билан белгиланади.

Мактабда педагогик меҳнатни илмий асосида ташкил қилиш муаммоси қупинча дарсда вақтдан унумли фойдаланишдан, синфдан ташқари тадбирлардан ва уқитувчи-тарбиячиларни ижтимоий топшириқларни тартибга солишдан иборат деб қаралади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Бошқарув, ислохатлар, таълим бошқаруви, педагогик жамоа, ишчанлик, иқтисодий, таракқиёт, омиллар, режалаштириш, назорат қилиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ишлаб чиқаришнинг бошқариш омиллари деганда нималарни тушунасиш?
2. Демократиялаш қоидаси нима?
3. Бошқариш илмийлиги нима билан белгиланади?

Фойдаланилган адабиётлар

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод орзуси. Тошкент 1998
2. "Ҳалқ таълими" журнали. 1996 йил 2 сон
3. "Педагогика" А.К.Мунавааров таҳрири остида. Тошкент 1996
4. "Педагогика курси" И.Турсунов ва бошқалар. Тошкент 1996

Мавзу № 28: МАКТАБНИ ПЕДАГОГИК КАДРЛАР БИЛАН
ТАЪМИНЛАШ, ИШЛАРИГА РАХБАРЛИК КИЛИШ

Р Е Ж А

1. Мактабни уз вақтида педагогик кадрлар билан таъминлаш
2. Укитувчи, тарбиячи кадрларнинг малакасини ошириш ва унга рахбарлик қилиш.

Мактабни уз вақтида педагогик кадрлар билан таъминлаш.

Инсон пайдо бўлибдики, тарбия жараёни мавжуд, тарбия пайдо бўлган вақтдан бери педагогик фаолияти узлуксиз давом этиб келмоқда. Укитувчилар, тарбиячилик касби барча ижтимоий тузумларда шарафли ҳамда ута маъсулиятли қийин ва мураккаб касб ҳисобланган.

Мутсақил Ўзбекистонимизда узлуксиз таълим тизимини ислох қилишни, янги таълим стандартлари асосида таълим ва тарбия жараёнини қайта ташкил этишга қиришилган ҳазирги кунда укитувчи фаолиятига, унинг педагогик маҳоратига алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини босқичма-босқич муваффақиятли амалга ошириш қўп жиҳатдан укитувчи фаолиятига, унинг касбий нуфузини оширишга боғлиқдир. Шундай экан, соғлом, ҳар томонлама баркамол авлодни етиштириш узлуксиз таълим тизимида меҳнат қилаётган педагогнинг савиясига, тайёргарлигига ва фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқдир. Укитувчи жамиятнинг ижтимоий топширигини бажаради, шундай экан, ҳар томонлама етук мутахассисларни тайёрлашда укитувчи муайян ижтимоий- сиёсий, педагогик ва шахсий талабларга жавоб бериши лозим. Шундай экан, укитувчи мустақиллик ҳолига эътиқоди, ҳар томонлама ривожланган илмий тафаккури, касбига тегишли маълумоти, яъни уз фанининг чуқур билимдони, педагогик мулоқот устаси, педагогик-психологик ва услубий билим ва малакаларини эғалаган бўлиши ҳамда турли педагогик вазиятларни тезда сезиши, урганиши ва баҳолай олиши. Педагогик таъсир курсатишнинг энг мақбул усул ва воситаларни танлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. У педагогик жараёнини бошқарар экан, педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим. Шундагина укитувчи педагогик ходисаларнинг моҳиятини ва диалектикасини, педагогик меҳнат методи, касб ва технологиясини ва профессионал педагогик маҳоратини эғаллай олади.

Педагогик билим ва маҳорат эгаси бўлган укитувчи аввал, педагогика фанининг методологик асосларини, шахс ривожланишининг қонуниятлари ва омилларини, кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг моҳияти, мақсад ва вазифаларини билиши даркор.

Узлуксиз таълим тизимини амалга ошириш жараёнида ёш авлодни қўнғилдагидек ўқитиш ва тарбиялаш ҳақида гап борар экан, бу ҳолат мураккаб ва қўп қиррали вазифани фақат малакали педагогик маҳоратга эга бўлган укитувчи кадрлар билан амалга ошириш мумкин. Шундай экан, укитувчилик қатта санъатдир.

Педагогика маҳорат тўғрисида талант ёки наслдан-наслга ўтувчи хусусият эмас, балки изланиш, ижодий меҳнат маҳсулидир. Бу қўп қиррали педагогик фаолият заминида ижодий меҳнат ётади. Шунинг учун ҳам педагогик маҳорат ҳамма укитувчилар учун стандарт, яъни бир қилибдаги иш усули эмас, балки у ҳар бир укитувчининг уз устида ишлаши, ижодий меҳнати жараёнида ташкил топади ва ривожланади.

Дарс бериш санъатини эғаллашда укитувчи уюштирилган ўқув машғулоти, чуқур билим бериш воситаси бўлиши билан бирга, мутсақил Ўзбекистоннинг раънақи, эртанги қўнға бўлган ишонч, ҳалқимизнинг ақл-заковати ва меҳнатининг нималарга қодирлиги, жамиятнинг муносиб фукороси ва қўрувчиси бўлиш учун нималар қилиш зарурлигини қўратувчи қўзғу бўлиб хизмат қилади.

Ёшларимиз уз мураббийлари дарсидан ҳар жиҳатдан мамнун бўлсинлар. Улар ўқув машғулотдан сўнғ олган баҳоларни эмас, балки билим ва малака ҳосил қилинганликларини, маънавий озик олганликларини ҳис қилсинлар. Шундагина, мамлакатимизнинг қелажақи бўлган ўқувчи ёшларимиз уз мураббийларини номини зур эҳтиром, чуқур миннатдорчилик билан тилға оладилар. Бунинг учун ҳар бир укитувчи Ўзбекистон Республикасининг таълим тўғрисидаги Қонунида

курсатилгандек, уз фанлари буйича тегишли маълумот эгаси, юксак касбий тайёргарлиги ва юкори ахлокий фазилат эгаси булишлари даркор.

Шундагина уkitувчи, кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талаблари даражасида таълим жараёнини ташкил килади ва бошкаради.

Уkitувчи, тарбиячи кадрларнинг малакасини ошириш ва унга рахбарлик килиш

Узининг мураккаблиги ва куп кирраллиги билан ажралиб турадиган касблардан бири-уkitувчиликдир. Педагогик фаолиятининг ута маъсулияти ва турли туманлиги мехнат объекти-уkitувчи шахсининг узгариб туриш билан изохланади.

Республика Мустакиллиги шароитида миллий мактабни тиклаш даврида уkitувчилик касби янада ошади. Зеро таълим тарбияни боскичга кутаришда уkitувчи хал килувчи шахс хисобланади. Уkitувчиларни таълим-тарбия масалаларини муваффакиятли ечишга тайёрлашда малака ошириш тизими мухим урин эгаллайди. Педагогик ходимлар макалакасини ошириш узлуксиз таълим тизимида асосий булганлардан биридир. У узлуксиз таълимнинг бугини сифатида алохида нисбий мустакил педагогик тизимни ташкил этади.

Педагогик тизим сифатида унинг максоди, мазмуни, усул ва воситалари, унда иштирок этувчилар: ташкил этувчилар, дарс берувчилар, тингловчилар фаолияти ва муассасалар иктисодий асоси хамда натижадан иборатдир. Модомики, малака ошириш узлуксиз таълим ва халк маорифининг алохида тизими экан, унинг юкоридаги белгиларидан келиб чикиб укув жараёнини хам тугри ташкил этиш зарур. Энг аввало малака ошириш бу катталар таълимидир. Шунинг учун мутахассис катталарнинг рухий-педагогик хусусиятларини инобатга олиш керак. Хозир эса малака ошириш институти ва куллийтларида купчилик холатларда мактаб уkitувчиларини уkitиш мулокоти услубий асоссиз равишда малака ошириш таълимида белгиловчи таълим хисобланади. Бундан ташкари таълим жараёнида тингловчиларнинг кизикиш эhtiёжлари ва нисбий тайёргарлик даражаси хисобга олинмайди. Шу билан бирга тингловчиларнинг малака оширишдаги фаолият, билими хам эътибордан четда колмокда. Бунинг окибатида малака ошириш тизимидаги укув жараёнини ноаник, уртамиена, ялпи булиб аник шахсга йуналтирилмайди. Малака ошириш катталар таълими сифатида уkitишнинг узига хос хусусияти билан ажралиб туради.

Малака ошириш уkitувчилар учун жуда фойдали, зарурий хамда шартли вазифа булиб хисобланади.

Уkitувчилар хар беш йилдан кейин албатта уз билим ва малакасини ошириш ва янгилаш учун укишга юбориладилар. Бунда уkitувчилар таълим сохасидаги узгаришлар. янгилаклар билан танишиб, уз билим тажрибаларига кушимчалар киритадилар. Малака оширишнинг яна бир ижобий томони шундан иборатки, хар бир район, мактаб, шахардан келган уkitувчилар оммавий педагогик жамоа билан уз тажрибаларини алмашиб, дустона педагогик алокалар урганишда муваффақ буладилар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Узлуксиз таълим, педагогик кадрлар, малака ошириш, уkitувчи шахсига инсоний ва касбий талаблар, педагогик махорат, тажриба, касбий тайёргарлик

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабни педагогик кадрлар билан таъминлашнинг асосий максадлари нимадан иборат?
2. Уkitувчиларнинг таълим-тарбия масалаларини муваффакиятли ечишда кайси тизим мухим уринни эгаллайди?
3. Уkitувчи, тарбиячи кадрлар малакасини оширишда кузда тутилган асосий максадлар нималардан иборат?
4. Малака оширишнинг уkitувчи учун кандай фойдали томонлари бор?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. П.Т.Фролов. Ёш директор мактаби. Тошкент Уkitувчи 1991

2. И.А.Каримов Донишманл халкимизнинг мустахкам иродасига ишонаман. Фидокор газетаси 8 июн Тошкент 2000
3. Узбекистон Республикаси таълим тугрисидаги Конуни. Т.1997
4. Н.Гайбуллаев, Р.Ёдгоров, Р.Маматкулова, К.Тошмуродова. Педагогика Тошкент 2000

Мавзу № 29: УКУВ МЕТОДИК ИШЛАРНИ ЯХШИ ЙУЛГА КУЙИШ ТАДБИРЛАРИ

РЕЖА

1. Мактабда укув методик ишлар ва тарбиячиларнинг мустакил билим олишларини ташкил қилиш ва уларга рахбарлик қилиш
2. Мактаб тажрибаси билан танишиш.

Таълим Ўзбекистон халқи маътига яратувчилик фаоллигини бахш этади. Усиб келаётган авлоднинг барча энг яхши имкониятлари унда намоён булади, касб-кори, махорати узлуксиз такомиллашади, катта авлодларнинг доно тажрибаси англаб олинади ва ёш авлодга утади. Ёшлар, уларнинг иктидорлиги ва билим олишга чанкоклигидан таълим ва маънавиятни тушуниб етиш бошланади.

Ёшларни тарбиялаш ишлаб чиқариш ва укув жамоаларида тарбиячилар, болаларнинг турар жойларидаги микрорайонлар, маҳаллалар, оиладаги ота-оналар, оммавий ахборот воситалари, адабиёт, санъат ва бошқа воситалар орқали амалга оширилади. Мазкур тизимда ёш авлодга тарбиявий таъсир курсатишнинг етакчи бугини умумтаълим мактаблари ҳисобланади.

Мактабга қуни узайтирилган тизим қиради, укув клублари, оромгоҳ ишлари ташкил қилинади, дарсдан ташқари вақтларида укувчиларга мактаб кабинетлари, спорт заллари ва кутубхоналардан кенг фойдаланиш имконияти очилади. Уларнинг мактаб муассаса, маданият муассасалари билан алоқаси кучаяди. Малакали педагогик ходимларга эга булган мактаб, оила ва корхона, турар жой жамоатчилиги билан биргаликда мунтазам ишни педагогик жиҳатдан йуналтирилади.

Болалар тарбияси буйича мактаб, оила ва жамоатчиликнинг фаолиятини мувофиқлаштириш асосан қуйидаги ташкилий ишларда амалга ошади.

1. Мактаб педагогик жамоаси, ота-оналар кумитаси, корхоналар ва турар жойлари, клублар, кутубхоналар, спорт майдонлари буйича жамоатчилик кенгашлари вазифасини аниқ тақсимланган ҳолда тарбиявий иш режаларига мувофиқлаштирилади.

2. Уқитувчиларнинг қучи билан ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари болалар билан ишлашнинг энг самарали педагогик усуллари жорий қилади.

3. Тарбиявий ишларини бориши ва натижаларини синчковлик билан урганиш, топилган камчиликларнинг сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш тадбирлари биргаликда амалга оширилади.

Мактаб шу йуллар билан укувчилар билимини яхшилашга ҳаракат қилади.

Мактаб халқ маорифи томонидан бошқарилади. Мамлакатда халқ маорифига давлат рахбарлиги, министрликлар комитетлар томонидан амалга оширилади. Министрликлар халқ маорифи тараққиётини ҳам уз тарқибига олган, халқ хужалигининг келажақ ва яқин йилларга мулжалланган режаларини, республика буйича укувчилар контингентини укувчилар сонини, иш ҳақи фондини тасдиқлайди. Республикаимизнинг халқ таълим тизими мактаблар, техник билим юртлар, техник билим юртлар, олий маорифига рахбарлик қилишнинг асосий принциплари мактабга рахбарлик қилишидаги яккабошлиқ ва коллегиялик, илмийлик, режалиликдан иборатю Яккабошлиқ ва коллегиялик принципи мактабнинг режалари ва укув - тарбиявий ишларнинг ҳисоботларини педагогик йигилишларида, ташкилий мажлисларда, биргаликда ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда, мактабдаги укув тарбия ишлари учун директорнинг шахсан жавобгарлигига ифодаланади.

Ишларни режали олиб бориш директорга асосий эътиборни мактабга рахбарлик қилишда қаратиш, коллективнинг барча ходимларини укувчилар таълим-тарбиясининг актуал масалаларини ҳал қилишга мактабнинг барча ходимлари меҳнатни мақсадига мувофиқ ташкил этишга мактабнинг иш режасини уйғунлаштиришга ёрдам беради. Илмийлик принципи халқ маорифининг барча ишларни жамоат тараққиётининг объектив қонунлари асосида, фан, маданият, санъат муваффақиятларини педагогика, психология, гигиена, укув предметларининг ўқитиш методикалари ва фан соҳаларидаги ҳозирги замон тадқиқотларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этади.

Мактаб рахбарлари ва барча ўқитувчилар олдида турган энг муҳим вазифаларидан бири умумий мажбурий таълим ҳақидаги қонуни бажарилишидир.

Директор мактабга бевосита рахбарлик килади. Унинг фаолияти мактаб жамоаси билан белгиланади. Мактаб директори маънавиятлигига педагогик, психологик етуклиги, маданиятлиги, сиёсий, сузамолиги, чакконлиги, уддабуронлиги ва шу каби умуминсоний шахсий хислатларга эга булиши керак. У мактаб ишларини ташкил этишнинг назарий ва амалиётини, мактабнинг укув режаси ва укув предметларининг дарс турларини жуда яхши билиши, уқитувчиларга нисбатан назокат ва талабчан, дидди ва принципиал ташаббускор ижобий тажрибани кура биладиган камчиликларни мохирлик билан олдини олиш ёш уқитувчилардан ёрдамни аямайдиган киши булиши лозим.

Мактаб директори кадрларни тугри танлаш ва жой-жойига куйишни таъминлайди, ходимларни малкасини ошириш учун зарур шароитларни яратади. Уқувчилар билимини сифати синфдан ва мактабдан ташкари ишларни мазмуни ва ташкил этиши устидан назорат килади:

Уқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва уларни касбга йуллаш ишларини ташкил этади. Уқувчилар уз-узини бошқариш органларининг ишини йуналтиради, мактаб ташкилотлари ишга ёрдам беради. Мактабнинг ота-оналар ва жамоатчилик билан олиб борадиган ишини ташкил этади. Мактаб ходимлари орасида вазифаларни таксимлайди, уларнинг бажаришини кузатади: Мактаб иши хақида хисобот беради; энг яхши уқувчиларни мукофотга тадбик этади.

Директорнинг укув тарбия ишлари буйича уринбосарлари укув тарбия жараёни тугри ташкил этишни укув дастурларининг бажарилиши уқитиш ва уқувчилар билимининг сифати учун жавоб беради. Мактаб укув тарбияга тарбия килади. Уқувчиларни тарбияга келтиради. Мактабда тарбия ва методик ишларни ташкил этади: дарс жадваллари ва мактаб укув тарбия ишларининг хисоботини тузади.

Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишларни ташкилотчиси синфдан ва мактабдан ташкари ишларни, уқувчиларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини ташкил этади, синф раҳбари уқитувчилар оталик таълимотлар тугарак раҳбарларига тарбия ишларини ташкил этишда ёрдам беради: директорнинг укув ишлари буйича уринбосари синф раҳбарлари етакчи ота-оналар комитет мактаб активлари билан биргаликда тарбиявий ишларнинг комплекс ишларини режасини ишлаб чиқариш. Синфдан ва мактабдан ташкари тарбиявий ишлар ташкилотчиси мактаб директорини уринбосари хусусида иш олиб боради.

Етакчи активлар фаолиятига рахбарлик килади. Мактабда синфларни комплектли хақидаги масала энг муҳим масаладир. Синфларни комплектлашда болаларнинг тайёргарлик даражаси, иши турар жойи бир-бирига яқин турадиган болалар бир синфга ёзилади. Угил ва киз болаларнинг микдори тенг булишига катта аҳамият бериш лозим.

Мактабга рахбарлик қилишнинг энг муҳим томони укув тарбия ишларини назорат қилиш ва текшириш, директор ва уринбосаларини уқитувчи ишини системали назорат қилиш унинг масулиятини оширади. Мактаб раҳбарларини камчиликларини уз вақтида аниқлаш ва тузатиш ишдаги афзалликларини янада ривожлантиришга кумаклашади. Етук тажриба туплам ва уни тарқатишга ёрдам беради. Мактаб практикасида мактаб ички назоратининг бир-неча формалари уқитувчиларнинг дарсларга кириш кантрол ёзма ишлари олиш синф хоналарини, дафтарларини, кундаликларини текшириш ва бажариш директор ва укув ишлари уринбосари дарсларга системали режали ва мақсадга мувофиқ кириб туриш лозим. Мактабда таълим тарбия ишларини ягона режа асосида ташкил қилиш ва олиб бориш тугри бошқарув услубнинг ажралмас қисмидир. Хар бир бошқарув жамоаси фаолиятида муайян тизими булиши шарт. Чунки аниқ шароит ҳолат ва вазиятни кучайиши бутун мактаб жамоаси олдида турган вазифалар билан боғлиқдир.

Шунингдек бу мактабда тартиб интизомни йулга куйишда алоҳида аҳамият касб этади. Умумий таълим мактаблари учун шартли равишда қабул қилинган иш режалари мавжуд. Улар куйидагича:

1. Мактабнинг маълум истикболи даврига мулжаллаб (бир ярим) 1,5 йиллик учун тузиладиган иш режаси. Буни мактабни истикболи иш режаси деб аталади.

Бунда мактабнинг маълум давридаги укув моддий ва техника баъзаси мактаб қурилиши уқувчи ва уқитувчилар сони, синфлар сони укув кабинетларининг сони кабилар турли рақамлар асосида курсатилади.

2. Мактабнинг бир укув йилига мулжаллаб тузиладиган иш режаси масқур режа мактабнинг истикбол иш режасининг шу укув йилига тегишли олган ҳолда тузилган. Мактабнинг бир укув йилига мулжалланган иш режасини мактаб иш турлари асосида ишланади.

3. Мактабнинг жолрий иш режаси мазкур режа мактабнинг бир укув йилига мулжаллаб тузилган иш режаси асосида ишланади. Бу режа туркумига мактаб директори ва уринбосарларнинг бир укув йилига мулжаллаб тузадиган иш режалари мактабда фанлар буйича ташкил этилган методик бирлашмаларнинг иш режалари.

- Синф раҳбарларининг иш режалари.
- Фан тугараклари ва уни узайтирилган группа раҳбарларининг иш режалари.
- Мактаб кутубхонасининг иш режалари-мактаб устахонасининг иш режалари.
- Мактаб ота-она комитетининг иш режалари:
- Мактаб врач ва хамшира иш режаси.
- Хар бир бошлангич ва фан уқитувчисининг кундалик дарсини утказиш режаси каби режалар

мактабнинг жорий режалар тузишдан урин олади.

Режани тугри тузиш билан иш битмайди. Ишнинг муваффақиятли шу режани кандай усулда амалга оширишда унга белгиланган тадбирларни хаётга тадбик этиши мухоратига куп жихатдан богликдир. Мактаб режасини амалга оширишда куйидагилар мухим ахамият касб этади.

1. Юкори ташкилотлари халк таълим булимлари ва мактабга якин булган турли муассасалар билан мустахам алока урнатилганлиги;
2. Бошқариш ва раҳбарлик ишига билимдон, ута халол, ишбилармон ва яхши мажбурий кобилиятга эга булган педагог ходимлар жалб этилганлиги.
3. Кадрлар уртасида иш таксимотининг тугри ташкил этилганлиги;
4. Раҳбарлар ходимлардан тортиб энг куйи ижарасигача умумий режадан келиб чиқадиган шахсий, жорий иш режасини тузиб шу асосида юритиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Болалар тарбияси кандай ташкилий ишларда амалга оширилади?
2. Мактаб раҳбарлари ва уқитувчилар олдида турган энг мухим вазифалар
3. Умумий таълим мактаблари учун кабул килинган иш режаси кандай?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Мактаб жамоаси, халк маорифи, яккабош ва коллегиялик принципи, илмийлик принципи, директор фаолияти, иш режаси.

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули Тошкент 1992 й.
2. А.К.Мунавваров. Педагогика . Тошкент Уқитувчи., 1996 й.
3. И.В.Зимин, М.И.Конданов. Н.И.Соцердатов. Мактабшунослик. Уқитувчи нашриёти. 1997
4. С.П.Баранов, Л.П.Болотина, В.А.Сластенин Педагогика 1990
5. И.Й. Турсунов, У.Н.Нишоналиев. Педагогика курси. Тошкент. Уқитувчи. 1997 й.

Мавзу № 30: ПЕДАГОГ ЖАМОА ФАОЛИЯТИНИНГ
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

РЕЖА

1. Мактаб директори ва Педагогика жамоаси.
2. Директор ва уринбосаларининг вазифалари
3. Мактаб кенгаши таълим ва тарбия ишларига Рахбарликнинг юкори органи
4. Мактаб директорининг хамкорликдаги ишлари

1. Мактаб директори ва Педагоглар жамоаси

Мактаб директори мактабнинг асосий рахбари ва педагоглар жамоасининг етакчиси хисобланади. Мактаб директори мактабда булаётган хамма ишлардан хабардор булиб туради. Шунингдек, бу ишларни тахлил килиш ва натижаси хакида фикр юритади. Педагоглар жамоасини етакчиси хисобланган мактаб директори жамоада уртага куйилган хар кандай муамони хал килиш йулларини ахтаради.

Мактабга рахбарлик килишнинг энг мухим томони укув-тарбия ишларини назорат килишдир. Директор ва уринбосарларининг укувчининг ишини системали назорат килиш, унинг маъсулиятини оширади, ишдаги афзалликларни янада ривожлантиришга кумаклашда, илгор тажриба туплашга ёрдам беради.

Директор ва уринбосарлари болалар билан олиб бориладиган укув ва синфдан ташкари ишларнинг барча формаларига рахбарлик киладилар ва текшириб турадилар.

Директорнинг ташкилотчилик ишидаги етакчилик роли барча педагогларни укувчилар ва оналар жамоаларини бошқариш ишигажалб килиш, уларнинг куч гайратини жамоа фикирлари ва ишга мувофиклаштириш, уларни ижодий фаолият жараёнига тортиш, алохида бугинлар уртасида алоканинг таъсирчан системасини яратиш хар кандай жамоада хам мавжуд булган барча резервларни харакатга келтириш, ташаббусни бутун чоралар билан рағбатлантириш хакикий меҳнат мусобакаси рухини куллаб кувватлаш, маънавий кадир ятларни жамлаш, системанинг ахволини мумкин кадар олдинлан кура билиш ва унинг моделини яратиш, фаолият натижаларини олдиндан айтиб бериш ва педагогик фаолиятнинг кенг мухим масалалари юзасидан умум мактаб жамоаси аъзоларига йул-йуриklar беришдан иборат.

Буларнинг барчаси рахбарнинг чукур назарий билим, ташкилотчилик кобилиятини, кенг куламда фикирлай олиш, жамоада муаян психологик кайфият кулай ахлокий психологик мухит яратишни талаб килади.

Педагоглар жамоасининг жамоат ташкилотлари ва бошқарувнинг коллегия органлари таркибига педагоглар кенгаши, укутувчилар ва синф рахбарлари метод бирлашмалари, ота-оналар комитети киради.

2. Директор ва унинг уринбосарларининг вазифалари

Директор мактабга бевосита рахбарлик килади. Унинг фаолияти мактаб уставий билан белгиланади, мактаб директори маънавий етуглиги, юкори педагогик маданияти ва одоби билан ажралиб туриши лозим. У мактаб ишларини ташкил этишнинг назарияси ва практикасини жуда яхши билиши укувчиларга нисбатан назокатли ваталабчанг булиши жиддий, ижодий тажрибасини кура биладиган, камчиликларини мохирлик билан олдини оладиган ёш укутувчилардан уз ёрдамини аямайдиган педагогик булиши лозим.

Мактаб директори кадиларини тугри танлаб ва жойга куйишни таминлайди, ходимларни маънавий даражаси ва малакасини ошириш учун зарур шароитларни яратади, укувчилар билимининг сифати, уларнинг йуналиши, синфнинг ва мактабдан ташкари ишларнинг мазмуни ва ташкил этилиши устидан рахбарлик килади.

Укувчиларнинг меҳнат тарбияси ва уларни касибга йўллаш ишларини ташкил этади, мактаб ходимлари орасида вазифаларни тақсимлайди. Уларни бажарилишини кузатади, мактаб иши ҳақида ҳисобот беради.

Директорнинг укув тарбия ишлари бўйича уринбосари, укув тарбия жараёнини тугри ташкил этилиши, укув режаларининг бажарилиши, уқитиш ва укувчилар билимнинг сифати учун жавоб беради. Мактабнинг укув, тарбия ишларининг йўлга қўйилганлиги, укувчиларнинг укув ишини тартибга келтиради.

Мактабда методик ишларни ташкил этади, дарс жадваллари ва мактаб укув тарбия ишлари ҳисоботини тузади. Синфда ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар ташкилотчиси мактаб директорининг уринбосари ҳуқуқида иш олиб боради.

Директор ва уринбосарлари, укувчиларни ишини системали назорат қилиши унинг маъсулиятини оширади, мактаб раҳбарларига камчиликларни уз вақтида аниқлаш ва тугатишга, ишдаги афзалликларни янада ривожлантиришга қумаклашади.

Директор ва унинг укув ишлари бўйича уринбосари дарсларга системали, планли ва мақсадга мувофиқ кириб туриши лозим. Дарсга киришга тайёрланиб, унинг мақсадини аниқ уйлаб қуйиш керак. Дарсларни кузатиш ҳамма вақт ҳам болаларни билим даражалари ҳақида тулик тасаввур бераолмайди, шунинг учун директорнинг узи болалардан утилган материални сураши, уларга контрол иш бериши, уларнинг дафтарлари ва кундаликларини текшириш лозим.

Мактаб кенгаши-таълим ва тарбия ишларига раҳбарликнинг
юқори органи

Мактаб кенгаши таркибига-директор, унинг уринбосарлари, уқитувчилар, тарбиячилар врачлар, кутубхоначилар, бош етакчи, ота-оналар кенгашининг райислари қиради.

Мактаб кенгаши қабул қилган айрим қарорлар мактаб учун ҳам, директор учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Укувчиларни синфдан-синфга қучириш, тугараклар, студиялар, клуб ва укувчилар бирлашмалари режаларини муҳофаза қилади, рағбатлантириш ва жазолаш, 9 йиллик маълумот ҳақида шаходатнома, урта мактабни тугатганлигини ҳақида аттестатлар бериш масалалари, мактабдан чиқариш ҳақидаги қарорларни қараб чиқади.

Мактабларда уқитувчиларнинг метод бирлашмалари ташкил этилади бу бирлашмалар уқитувчига узининг гоъвий, назарий даражасини ошириш болаларга таълим-тарбия бериш, янада такомиллаштирилган методлари ва усулларини энг яхши уқитувчилар ва тарбиячиларнинг тажрибаларини эгаллаб олиш, фан ютуқлари, психология, педагогика ва методика, илмий оммабоп адабиётлар таништириб, боришга даъват этилгандир.

Метод бирлашмаларнинг аъзолари укув материални биргаликда режалаштирадилар, кантирол иш натижаларини таҳлил қиладилар.

Мактаб директори, партия ва қасаба уюшмаси ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири, уқитишнинг маънавий даражасини, уқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириб бориш, укувчиларнинг мустақил билим олишлари учун шароит яратишни таъминлашдан иборат.

Мактаб режасида уқитувчиларнинг малакасини оширишнинг қуйидаги турформалари назарда тутилиши лозим. Методик семинарлар ва предмет комиссияларининг ишлари, ёш уқитувчиларга ёрдам бериш, мустақил билим олиш учун шароит яратиш, илғор тажрибани умумлаштириш ва жорий қилиш.

Малака ошириш билан уқитувчиларнинг малакасини ошириш институтлари шугилланади.

Мактаб директорининг ҳамкорликдаги ишлари
(Оталик ташкилот, олий ва урта махсус ҳунар-техника билим
юртлари)

Мактаб жамоаси оталик ташкилот билан ҳам биргаликда иш юритади. Оталик ташкилотлар мактабда содир булган муаммоли вазиятдан қутқаради. Шу билан бирга укувчиларнинг таълим-тарбияли бўлишида жуда катта рол уйнайди.

Мактабда болалар таълим-тарбия олиш билан бирга уз кизикишларини намоён қиладилар. Уларнинг кизикишларига қараб, мактаб жамоаси укувчиларни ҳаётга тайёрлайди.

Мактаб директори, қорхоналар, ҳунар-техника билим юртлари ва олий укув юртлари билан мустақам алоқадор бўлиши зарур. Айтайлик бир укувчи нақошлик саънатиға кизикади, шу вазиятда

директор укувчини накошлик сирларини ургатувчи хунар-техника билим бртига жунатиши керак. Урта махсус хунар-техника билим юртига 9-синфни битирган укувчилар кабул килинади. Уларни барчаси умумий таълим мактабларидаги тенгдошларидан фаркли равишда муайян махсадга каратилган, ишчи касбини эгаллашга йуналтирилган булади.

Ватанимиз Мустакил булганидан сунг маориф сохаси анча муаммоли булиб колди. Шунга карамасдан Президентимиз И.А.Каримов Маориф сохасига эътибор каратди. Катта узгаришлардан бири Олий ва Урта укув юртларига кириш имтихонларини тест усули билан кабул килинадиган булди. Тест усулини утказиш мураккаброкдир. Шунинг учун мактаб маъмурияти кандай кабул утказилаётганлигидан укувчиларни доимо хабардор килишлари шарт.

Мактабни турли хил корхона-заводлар оталикка олган булиши мумкин бундай вазиятда укувчилар еталик ташкилот билан танишиб турадилар. Болаларнинг кизикшларига караб. бу ташкилотлар ишлаб чикаришга болалар хам катнашишлари мумкин.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Директор, уринбосари, мактаб кенгаши, метод бирлашма, мактаб режаси, семинар, оталик ташкилотлари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Мактабда директорининг урни?
2. Мактаб кенгаши таркибига кимлар киради?
3. Мактаб жамоаси ва оталик ташкилот
4. Мактабда укув-методик ишларни ташкил этиш.
5. Бошлангич синф метод бирлашмаси хакида

АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Узбекистоннинг уз истиклол ва тараккиёт йули. Тошкент 1992
2. П.Фролов. Ёш мактаб директори. Москва. 1998
3. С.Баранова, Л.Болотина, В.Сластенин. Педагогика. Тошкент 1998
4. Педагогика институтлари учун дарслик. Педагогика. М.1979
5. Узбекистон Республикаси Урта умумий Концепцияси. Халк таълими. 1992, 2-сон

РЕЖА

1. Педагогика илмининг баҳси, мақсади ва вазифаси.
2. Педагогика тарихи илмининг илмий назарий ва миллий асослари
3. Педагогика тарихи илмининг манбалари мазмуни, асосий булимлари.

1. Педагогика илмининг баҳси, мақсади ва вазифаси

Педагогика тарихи қадим замонлардан тортиб ҳозирги кунгача булган турли тарихий даврларда тарбия мактаб ва педагогика назарияларини тараккиётини урганди. У синфий жамиятдаги тарбия назарияси ва практикасини синфий моҳиятини чекланганлигини прогрессив педагогик назарияларнинг реакцион назариялар билан курашни тарбия назарияни ва практикасининг тараккиётдаги тарихий қонуниятларини очиб берди.

Ёш авлодни утмишда тарбиялаш ва уқитиш назарияси билан практикасининг қандай тараккий қилиб қелганлигини билмай туриб ҳозирги жамиятда ёшларни мустақиллик руҳида тарбиялаш масалаларини илмий равишда ҳал қилиб булмади. Тарбия ва таълим назарияси ҳамда практикасини тархий даврлардаги ривожланиши ПЕДАГОГИКА ТАРИХИДА урганилди.

Тарбиянинг илк шакллари ибтидоий жамият давридаёқ пайдо булган: Кекса авлод меҳнат жараёнида ортирган тажрибаларини ёш авлодга ургатишга ҳаракат қилган. Қулдорлик тузуми даврида ШАРҚДА тарбияга оид турли педагогик қарашлар вужудга қелди.

Демократик, Платон, Аристотел ва бошқалар қадимги юнон философлари асарларида тарбиянинг мақсади вазифаси мазмуни ва воситалари ҳақида фикрлар билдирилган.

Қадимги юнон философларини тарбияда этика ва психологик бирлиги принципларига таяниш ақлий, ахлокий ва жисмоний бирлиги тугрисидаги гоялари педагогик тафаккурнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга булган.

Феодализм жамияти даврида таълим тарбия ишлари ҳукмрон феодал тузуми ва диний мафкура мақсадига қаратилди. Хусусан урта Осиёда тасаввуф маслагининг реакцион шакллари мактаб ва мадрасаларда қатта таъсир қурсатди. Таълим-тарбия соҳасида икки оқим вужудга қелди. Биринчи оқим Газолий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон, Боқиргоний қабилар мадрасаларда аниқ фанлардан таъким берилишига қарши турдилар.

Иккинчи оқим дунёвий таълимни илгари сурди. Бу оқимнинг моҳияти Ал-Ҳоразмий, Абу-Райхон Беруний, Фаробий Абу Али Ибн Сино Улугбек, Низомий. Ганжавий, Носир, Хусрав, Саъдий, Умар Хайём, Алишер Навоий қабил мутафаккирлар фаолиятдан намоён булди.

Булар тиббиёт мантик, музика, адабиёт, география, математика қабил илмлар билан ёш авлодни тарбиялаш фикрини олға сурдилар.

Хусусан Фаробий инсоннинг маънавий етук ва муқаммал булиши учун жисмоний ақлий эстетик ва ахлокий тарбияни биргаликда олиб бориш зарурлигини қайд этди. Шарқ мутафаккирлари инсон ақл орқали ҳар қандай билимни эгаллашга қодир эканлигини таъқидладилар ва инсон қобилиятига қаттиқ ишондилар.

"Қалила ва Димна", да шунингдек Қайқавусни "Қобуснома", Низомул мулкнинг "Сиёсатнома", Носир Хисравнинг "Саодатнома", "Рушноинома" Юсув Хос Хожибнинг "Қутадиғу Билиғ", Маҳмуд Қошқарийнинг "Девоний Луготит-Турк", Аҳмад Югнакийнинг, "Хиббат ул ҳақойик", "Алишер Навоийнинг "Маҳбуб-ул қулуб" асарларида илгор педагогик-қарашлар ҳам ифодаланган.

Инсонни тарбиялашни яхлит назарияси булган педагогика тарихи чек мутафаккири Я.К.Коменский номи билан боғлиқ. Коменский Европа тарбиясини умумлаштириб таълим ва тарбиянинг асосий масалаларини ишлаб чиқди. Синф дарс таълими системасини яратди. кейинчалик инглиз философи Д.Локк, француз материалистлари А.Гервеци, Д. Дидро, Ж.Ж.Руссо ва бошқалар педагогика фанини илгор қарашлар билан бойитдилар. Ўзбекистонда педагогикани ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлодний, Ниёзий Хусайнхон, А.Ибодиев, И.Раҳматуллаев, Абдуқодир

Шакурий, Кори Ниёзий, О.Шарофиддинов, Р.Уринбоев, Ф.Эргозиев каби педагог ва олимлар номи билан боғлиқдир.

II. Педагогика тарихи илмининг илмий, назарий ва миллий асослари

Утмишда прогрессив педагоглар ва атокли мутафаккирлар педагогикага доир муҳим фикрларни айтиб қолдирганлар, буларни урганиш педагогика тафаккурини усишига, педагогик маданиятини усишига имкон беради.

Куйида баъзи педагогларни назарияларини қараб чиқамиз. Буюк Славян педагогик Ян Амос Коменскийнинг фикрига тарбия назариясини ўқ вазифаси бор: Узини, тевақал атрофидаги оламни билиш (ақлий тарбия), ўқ узини бошқариш (ахлоқий тарбия) ва худони танишга интилиш (диний тарбия).

Коменскийнинг ўрта аср педагогларидан бу масалада фарқли шуки, ўқ биринчи вазифани хал қилинишини жуда муҳим деб ҳисоблади.

Коменский тарбияни ролига жуда юксак баҳо берди. Инсон дейди ўқ - фақат тарбия туфайлигина инсонга айланади, инсонга ўқ тарбияланишига энг қулай ёшда бўлганида, яъни болалик чоғида тарбия берилиши лозим.

Тарихий тараққиёт давомида турли мамлакатлар ва халқлар жаҳон педагогика тарихи ривожланишига катта ҳисса қўшдилар. Бу борада юнон олимлари Арасту, Платон. Демокрит, каби олимлар ўқ фикрларини баён этдилар. Айниқса, уларнинг инсон қамолотидаги назарий қарашлари, тарбиянинг ролига берган катта аҳамиятлари педагогика тарихи назариясини, яратишда асосий замин бўлиб хизмат қилади.

Швейцариялик буюк педагог И.Г.Песталоцци элементар назариясини яратди. Унга қура тарбиялаш энг оддий элементлардан бошланиб, эста секин тобора мураккаброк даражага қутарилиб бориши лозим.

Песталоццининг элемент таълим назарияси жисмоний тарбияни ахлоқий ва эстетик тарбияни ҳамда ақлий тарбия ва ўқитишни ўқ ичига олади.

Мутсақилликка эришганимиздан сўнғ ўзимизнинг миллий ўрф-одатларимиз қадриятларимизни фойдаланишга қенг йўл очилди. Шунингдек педагогикада ҳам ёшларни қомил инсон бўлиб етиштиришларида муқтақил Ўзбекистонни муқтақиллигини муқтақамлаш ўқун барча ишларни сидқидилдан бажаришга қиришилди. Яъни педагогикада ўзимизнинг миллий асарлар Қурони Қарим, Ҳадис президентимиз. И.Қаримов асарларидан фойдаланишга имқоният яратилди.

Чўнки уларда таълим тарбияни юқори чўққилларини қуриш мўмкин.

Масалан: Қуроннинг Оли-Имрон сўрасида "Қишиларидаги бақиллик, очқузлиқ, сифатлари қораланиб, уларни сақий адолатли олиёжаноб бўлишга чақиради.

Чўнончи ҳадисларда ҳам таълим тарбияни ҳамма томонларини қуришимиз мўмкин. "Илми Хитойдан бориб бўлса, ҳам ўрган" "бешиқдан қабргача илм изла" каби ҳадисларни илми қанчалар қудратга эга экани ўқ туфайли инсон буюқ даражага етишиб жамиятда ўқ ўрнини топишини энгласак "Саломлашишни одат қилинлар, зеро ўқ бир-бирларинга муқаббатларингни зиёда қилур" ҳадисида инсоннинг юксак одоб ахлоқ эгаси эканлигини олиё белгиси саломлашиш ҳақида фикр юритилиб ўқ орқали инсонларни бир-бирига бўлган меҳр-муқаббати ортиши яққол ифодаланади.

Биз таълим тарбия беришда ўзимизни ўзлигимизни англашда аввало миллий маънавий дурдоналаримиздан фойдаланиш зарурдир. Булар бизга миллий асос бўлиб хизмат қилади.

Қадимий Туркистон жаҳонга Қозизода Румий, Улўббек, Лўтфий, Хайдар Хоразмий, А.Навой, Бобур - сингари алломатларни етқазди.

Қолаверса, уларнинг ахлоқ одобга оид қарамлари, педагогика фанлари бўйича таълимоти бутун жаҳонга ўрнак буларни маъно ва мазмун қасб этган.

Педагогика тарихнинг илмий, назарий ва миллий асосларини пўхта ўрганиш ўқитувчиларнинг фақат педагогик маданиятини оширибқина қолмай, балки шу билан бирга, ўнга педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради.

III Педагогика тарихи илмининг манбалари, мазмуни асосий бўлимлари.

Педагогика тарихи манбалари қуйидагилар: халқ маорифи ҳамда масалаларига доир архив материаллари: қадимий ёзма адабиётлар тарбия ва таълим масалаларига доир қадимий қул ёзмалар

эълон килинган расмий материаллар (конунлар) лойихалар циркулярлар, хисоботлар, докладлар ва шу кабилар дарсликлар ва укув кулланмалари программалар вав мактаб ишининг характерловчиси бошка материаллар. Атокли педагогларнинг асарлари умумий ва педагогик матбуот.

Президент Каримов асарлари.

Педагогика тарихи маданият тарихи билан чамбарчас боғланган. Тадкикотчи тарихий педагогика масалаларини ишлаб чиқишда гражданлар тарихи, фалсафа, тарихи, маданият тарихига адабиёт тарихига доир манбалардан ва турли асарлардан, шунингдек мемуарлар ва бадиий асарларни айниса педагогикага доир карашлари педагогикага тарихида ёритилган авторларнинг (масалар Ф.Рабле, Ж.Ж.Руссо, Л.Н.Толстой, А.Навоий, М.Кошкарий, Юсуф Хос Хожиб.ю Ал-Хоразмий ва авторларни) мемуарлар ва бадиий асарларида ҳамда мактаб оила тарбияси ва шу кабилар тасвирланган бадиий асарлардан ҳам фойдаланилади. Педагогика тарихини урганиши уқитувчининг педагогик маданиятини оширибгина колмайди. Балки шу билан бирга унинг педагогик махоратини эгаллашига ҳам ёрдам беради. Уқитувчи утмишнинг энг яхши тажрибаларини урганади. Утмиш тажрибасининг бу талхитда ижодий уқитувчининг кундалик фаолиятида ердам беради.

Педагогикани пайдо булиши ва тараккиёти тарихи мактаб ва педагогикани тараккиёти тарихи уқитувчига педагогикани энг мухим масалаларни курсатиб беради. Мактабнинг умумлантирилган тарихий тажрибасини баён килади ва уқитувчини бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди. Олий укув юртлирида педагогика тарихи курси 3 асосий иборат:

1. Чет элдаги мактаб педагогика тарихи.

2. Улуг октябр Социалистик революциясигача кадар Россиядаги мактаб ва педагогика тарихи.

3. СССР даги ва бошка социалистик мамлакатлардаги мактаб ва педагогика тарихи.

Педагогика тарихининг хар кайси булими асосан гражданлар тарихида кабул килинган тартибдаги даврларга булишга мувофиқлаштириб давлатларга таксимланди.

Чет элдаги мактаб ва педагогика тарихида ибтидоий камиятдан тортиб Капиталистик мамлакатлардан XX - аср урталаригача булган халк маорифи мактаб ахволи шунингдек буюк педагоглар: Я.А.Коменский, Ж.Локк, И.Г.Писталоццин, И.Гербарг, А.Дисторвег, К.Маркс, Ф.Энегльс каби педагогларнинг фаолияти ва педагогика сохасидаги карашлари урганилади.

Улуг октябр Социалистик революциясига кадар Россияда мактаб ва педагогика тарихида феодализмдан бурунги даврдан то 917 йил (Улуг октябр социалистик революциясигача) булган даврни уз ичига олади. Унда Россиядаги мактаб ва педагогика шунингдек В.Г.Белинский, А.И.Гелсин, Н.И.Порогов, Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбов, К.Д.Ушинский каби педагогларнинг фаолияти ва педагогик карашлари ёритилади.

СССР ва Социалистик мамлакатларда мактаб ва педагогика тарихи булимида 1917 йилдан бошлаб 1958 йилгача булган даврда маориф ва тарбияни социалистик мамлакатларда кай холатда ривожлангани ёритилган. Мустакилликка эришганимиздан сунг президентимиз И.Каримов таълим тарбияга алохида эътиборни каратди ва кадрлар тайёрлаш ва таълим тугрисидаги конунлар кабул килиб мустакил Узбекистонни ривожланишига хисса кушувчи ёшларни етарли таълим олишларига шароит яратиб берди. Хозирда ёшларимиз уч билимлари буйича чет элларда таълим тарбия олмокдалар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Педагоглар илмининг махсад ва вазифалари

2. Таълим тарбия сохасининг илмий ва диний асослари

3. Педагогика тарихи илмининг манбалари мазмуни ва булимлари

4. Мустакилликдан сунг педагогика фанининг юксалиши.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Педагогика тарихи, философия, этика, психология, аклий, ахлокий ва жисмоний бирликлар, тафаккур, диний мафкура, инсон, таълим, тарбия, педагог.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. М.Ф.Шабаева. Педагогика тарихи. Т.1996 5-6 б., 7,189, 386 б.

2. Педагогика курси. Баранов Т.1990 й.

3. Педагогика. Мунавваров. Т.Узбекистон 1996 й.

4. Педагогика тарихи. К.Хошимов, С.Нишонова. Т. 1996 й.
5. Узбек совет энциклопедияси. Т. 484-486 б.

РЕЖА :

1. Ватанимизда хонликларнинг пайдо булиши ва унинг ижтимоий акибатлари.
2. Хонликлар даврида таълим ва маърифат масалалари.

XV асрнинг охири ва XVI аср бошларида Мовароуннахрда 150 йил ҳукумронлик қилган теурийлар сулоласи инкирозга учради. Унинг урнига Шайбонийхонлар(1451-1510) Мовароуннахрда қучли марказлашган давлат барпо этилар. Бирок уз аро низо, уришлар авж олди. Аввало, Бухоро, Хоразм, XVIII аср охирига келиб Кукон хонлиги қарор топди. Хонликлар уртасидаги уришлар мамлакатни маълум даражада ҳароп қила бошлади, фан, маданият, таълим соҳасида тургунлик юз берди. Шунга қарамай фан, маданият ва таълим соҳасида маълум силжишлар кузатилади.

Бу даврда Хофиз Танишнинг "Абдуллонома", Султонали Самарқандийнинг "Дастур ал - илож", Мухаммад Юсуфнинг "Таҳқиқ ал-хумайёт", "Зубайдат ул - қахоллин"асарлар юзага қлди. Шоир, адиблардан Бобир, Солих, Мажлисий, Хасан Насорий, Биноий, Восифий, Убайдий, Гойиб Самарқандий барақили ижод этган. Мухаммад Бахийнинг "Субхонқулинома", Мухаммад Амин Бухорийнинг "Убайдуллонома", Мухаммад Вали Самарқандийнинг "Масқираул асқоб", Суфи Аллаер, Бобораҳим Мақрабларнинг асарлари вуқудга қелди.

Бу даврнинг узига ҳос томонларидан бири ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ислом ақидалари ҳуқумрод эди. Турмушда ҳам, оилада ҳам, ҳар бир киши ахлоқида, ҳулқ-атворида диний талабларга риоя этади. Мактаб ва мадрасаларда илоҳиёт таълими ургатилар эди.

Ватанимизнинг хонликлар давридаги таълим тизими ҳақида маълум тасвурга эги булиш учун Жаҳон Отин Увайсий ижодида муқожат этамиз. Жаҳон Отин 1796 -1797 йилларда онаси отинлик қилган ҳусусий мактабда дастлаб ердәмчи, кейинчалиқ мустақил равишда уқитувчилик қилган. Қизларга бошланғич таълим берар экан, уларни тарбиялаш, гузал ҳаётга эришишни бирдан-бир йули таълим-тарбия бериш деб ҳисоблади. Бутун умрини анашу ишга бағишлади.

Жаҳон Отин уз шогирдаларида эзгулик, воқодорлик ҳислатларини тарбиялашда адабий жанрлар қистон, муаммо, муашшаҳ қаби усуллардан фойдаланади. Уларда шеърӣ қобилиятлари, зехни уткирлигини чуқурлаштиришда газаллардан қенг фойдаланган.

Маҳаммад Содик Қашғарӣ 1740-1843 "одоб ас-солихин" (яхши қишилар одоби),"Зубдат ал-Масойил" (масалаларнинг қаймоғи),"Дуррал-Музоҳир" (Қумакдошларнинг дурдонаси), "Тазқирон хожагон" (Хужалар мазқираси) асарлари муаллифидир.

Олимнинг "Одоб аз-Солихин" асарида инсонга яхши ҳулқ эгаллаш зарурлиги ва одоб қоидаларини эгаллаб олмаса ва яхши ҳулқ билан одобли булмаса, нақат узига, балқи бутун дунега емонлик тарқатади, - деган фикрни асослайди. Инсон одобини зоҳирӣ ва ботинийга ажратади. Инсоннинг барқамол булиб етишида қундалиқ турмушда зарур одоб қоидалари: саломлашиш ва руҳсат сураш, мулоқат одоби, уқлаш ва йул юриш одоби, суҳбат ақлининг узини тутиш, эр-хотин одоби, тозалиқ ва озодалиқ қоидалари, мезмон қутиш зиёфат ва овқатланиш одоби, сафар қоидалари содда шаклда баен этилади.

Мунис Хоразмӣ (1788-1829). Шоир, тарихчи олим ва педагог ҳисобланади. Унинг педагогик қарашлари "Саводи таълим" (1804) рисоласида баен этилади. Рисола икки қисмдан иборат. Биринчи қисмида уқувчиларни ҳат машқ қилишга тайергарлик, унга қерақли асқоблар туғрисида баен этилади. Иккинчи қисмда эса, ҳат-машқ қилиш ва унинг усуллари, амал усулида таълим бериш ҳақида фикр қетади.

Билганимча суриб қаламни ҳар ен,
Таълим ишини айлар эрдим осон.
Леқин қунгил ичра эрди бу қон,
Қилсам қарами улуми армон.

Педагог олим уқувчиларга бо", "иун", "мин", "то", "саз", "вов", "ло", "айн", "син"ни қандай ургатиш усулларига алоҳида туҳталади.

Оғахий (1809-1874) - шоир, тарихчи олим, тарқимон, мударрисдир. Унинг "Риез ул-давла", "Зубадат ул-таворих", "Жомеъ ул-воқес Султоний", "Гулшани давлат", "Иқболи Феруз" қаби асарлари бор Оғахий томонидан Шарифиддин Али Яздийнинг "Зафарнома", "Қобуснома", "Ахлоқий Мухсини" рисоалари узбек тилига тарқима қилинган.

Огахий асарларида ешларни илм, касб-хунарни сабоб билан эгаллашга чакиради. Илм эгаллаган одамни икки олами обод булади. Кимки аччик, жахил килиб илм эгаллашдан воз кечса, унинг обриси барбод булади.

Олим улдурким шариатдан тажовуз килмаса,
Гар тожовуз килса, билгил, пешадур алхат анга.
Илмидин бебахра эл холидин билмок истасанг,
Огахий зор холини билгил истишхор анга.

Инсонни вояга етишида, уни комили инсонга айланишида тарбиянинг ролини холис кура билган
Огахий езади:

Килмок била парвариш тикон гул булмас,
Хам тарбия ила зог булбул булмас.
Гар асли емонга яхшилиқ минг килсанг,
Яхшилиқ онинг нияти билкул булмас.

Урта Осиё хонликлари даврида узига педагогик мухит вужуди келдики, ислом акидалари билан дуневий илм, маданият гоёлари, рухонийлар ва дуневий олим, шоирлар уртасида кураш борганини, натижада таълимда узига хос зиддиятлар булишига карамай, педагогик фикрларда холислик, инсонпарварлик харакатлари куринади.

Таянч иборалар:

Урта Осиё хонликларининг таълим соҳасидаги сиесати хусусиятлари, Жаҳон Отин, Мухаммад Содик Кашгарий, Мунис Хоразмий, Огахий амарларида илгари сурилган педагогик гоёлар.

Савол ва топшириқлар:

1. Урта Осиёда хонликларнинг пайдо булишининг ижтимоий-педагогик оқибатлари кандай булди?
2. Шу даврда яшаган алломалар асарларида кандай педагогик гоёлар кутарилди?
3. Жаҳон Отин, Кашгарий, Мунис Хоразмий, Огахий асарларини урганнинг ва кутарилган педагогик гоёларни асосланг.

Адабиётлар:

1. "Ўзбек педагогикаси антологияси" Т. 1995 йил.
2. К.Хошимов,С.Нишонава "Педагогика тарихи" Т. 1995 йил.
3. Х.Абдуллаев "Энтопедагогика" 161-168 бетлар.

Мавзу № 33: VII-VIII асрларда Мовароуннахрда маданият ва педагогиканинг яратилиши.

Р Е Ж А :

1. Мовароуннахрни араблар томонидан босиб олинishi ва таълим-тарбия мухити.
2. Ватанимизда дуневий педагогика гоёлари ва унинг намоёндалари.
3. Ватанимизда диний педагогик гоёлар ва уларнинг намоёндалари.
4. Уйғониш даври таълим тизими.

Мовароуннахр (икки даре оралиги ёки дарё орқасидаги жой) VIII асрда араблар томонидан босиб олинган, халқимиз маънавий ҳаётида жиддий узгаришлар содир булди. Исломи дини улқамиз ижтимоий маънавий ҳаётида ҳукмрон мафкура ролини уйнай бошлади.

Исломи динини халқимиз ижтимоий-маънавий тақомилидаги ролига турли қарашлар мажуд:

1. Исломи дини ва араблар истелосини халқимиз маънавий ҳаётидаги таъсирни идеаллаштириш. Бундай қараш "Авесто" ва "Авесто"га ҳақиқатан давр тарихини яхши билмаган ва исломи руҳонийларининг айрим вақиллари томонидан эътироф этилади. Уларнинг фикрича: халқимиз исломига еввойи қалокларча турмуш тарзига эга эди, араблар бизга маданият, маърифат олиб қирган.

2. Танқидий асосда ендашув. Овropa, Россия олимлари атеистик (худосизлик) нуқтаи назардан ендашади. Уларнинг фикрича араблар улқамизга жаҳолат, маданиятсизлик, ҳурофатни олиб қелганлар, бойликларни талаган, тинч аҳолига тажавбус қилганлар.

3. Исломи дини ва араблар истелосини таърисини ҳолисона баҳолаш, бундай қараш Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сунг шаклланади.

Исломи дини ва араблар истелоси улқамиз таълим ва педагогик фикрларни таракқиетига қандай таъсир этди?

1. Исломи дини Ватанимизга четдан қириб қелганлиги туфайли халқ уз ихтиери билан уни қабул қилмаган. Натигада халқ манавиятининг барча соҳаларида бирдан ҳукмронликка эриша олмаган.

2. Улқамизда фан ва маданиятнинг уша даврда илғор даражада ривожланганлиги исломи гоёларини сингишга тусқинлик қилган.

3. Ватанимизда узигу ҳос таълим тизими вужудга қелди.

Масалан: таълим- урганиш
мактаб- таълим берадиган одам
мадраса-муддарис қабилар юзага қелди.

Ватанимизда педагогик гоёлар икки йуналишда шаклланди ва ривожланди.

